

СОЖИЛ ЯКИН, ЯКИН...

АЛИШЕР ИБОДИНОВ



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач _____


2
овт
десн.

2000е

ПК. Зак. Б-192—20 млн.—84 №

АЛИШЕР ИБОДИНОВ

СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2010

Мусаввир:
Осимхон Восихонов

Ибодинов, Алишер.

Соҳил яқин, яқин..: Қисса/А.Ибодинов. — Тошкент:
«Sharq», 2010. — 144 б.

Алишер Ибодиновнинг янги қиссаси Муҳаббат ва садоқат, Жамият ва инсон тақдир кечмишлари ҳақидаги завқ билан ўқилгувчи насрый достондир.

ББК 84 (5У)6

ISBN 978-9943-00-313-2

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Баш таҳририяти, 2010.

*Мен сенга демонки, марки ишқ эт, лекин,
Андоқ құлким, сұнгра пушаймон бұлма!*

Захирилдин Мұхаммад Бобур

Туни билан әзіб ёқсан ёмғир тонгда тинди. Бирок осмоннинг қовоғи очилгани йүқ, залворли булултар хуршиди олам юзини тұсган, этни жунжиктирадиган, шашти паст шамол әсіб турарди. Бекмирза ёттан жойида бошини күтариб, деразадан ташқарига бир қарадида, яна ёстиққа үзини урди. Хона иссиқ, сокин...

Девор соати одатий «чиқир-чиқир»игина жимликни бузади. Бекмирза у ёққа тұлғонди, бу ёққа тұлғонди, барыбер үйкесі келмади. Күп үтмай ҳовлида йұтал товуши әшитилди. Бу — Моҳигул, Бекмирза ака наинки хотини Моҳи, балки бу уйдаги барчанинг йұталини бир-биридан ажратади, танийди. Худди шу фикри тасдифидай Моҳининг бүғік, хирқироқ йұғалиға нариги айвондан чиқсан ингичка, калта йұтал жавоб берди. Бу — келини Нисохон.

Ярим соатлардан сұнг үғли Тоҳирнинг гулдурос йұтали янгради, у Нисо юз-құл ювгани иситадиган сувни кутиб ётади, сув исигач, Нисо келиб, деразадан «Дадаси, таҳоратингизга иссиқ сув тайёр» дейди. Тоҳир гулдурос йұталганича чопонини елкасига ташлаб, мис чойнакдаги илиқ сувни құлға илиб ҳожатхонага йүргалайды...

Шаҳар иситиш тармоғидан бу ерга сув етиб келмади. Ҳаммомни ҳар куни иситиш эса қимматта тушади. Сұнг невараларнинг үйиси, Нисонинг қай бир боласини жеркиб шапатилаши әшитилади. Күш қаватли үйнинг зинапояси эса Бекмирзанинг эрдан ажраб, анчадан бүён икки боласи билан ота уйида яшаётган қизи Севаранинг шиддатли, негадир доимо аламли туюладиган «тақ-туқ, тақ-туқ» оёқ зарбларидан нола қилаётгандай овоз чиқаради. Уннинг йұтали ҳам оёғи товушидай ғазабнок, аламли, аллақандай «ҳиқ! ҳиқ!...» Гүё әзилиб үйғлаёттан одамнинг ҳиқиллашидай...

Сұнг ғала-ғовур бошланади. Нонушта, болаларни мактабға, Тоҳирни, Моҳини, Севарани ишга жұнатиши мажароси ҳовлини тутади. Устига-устак Тоҳир, Севара, Моҳининг хоналарыда телевизор вағирилашни

бошлайди. Тавба, булар ўзи тун ярмидан оғгунча телекран қаршисида гоҳ мизгиб, гоҳ сергак ўтиришган, тонг саҳардан яна ўша худолари пойига тиз чўкишади. Ярим соатлар чамаси давом этган бу можаро ҳам тугагач, Бекмирзанинг хонасида полга тез-тез босилаётган шиппак товуши яқинлашади.

— Дада, ассалому алайкум. Яхши ётиб турдингизми?! Чойингиз тайёр... — Нисонинг товуши меҳрибон. Унда ҳамдардлик оҳанглари кучли, ҳа, худога шукур, келини жўяликкина, уйдаги барча рўй берган можароларга қарамай, қайнотага хурматини сақлаган...

— Хўп, қизим, ҳозир...

Нонуштадан сўнг у ҳовлига чиқди. Куртаклари эндингина бўртиб келаётган турли нав ўриклар, қашқар гилос новдаларида ҳали ҳам ёмғир суви иниб туриди. Кўш қават, пишиқ фиштдан замонавий қурилган ҳайбатли данфиллама иморатнинг тунука томидан ҳам биллур томчилар пастга энади. Нисо гир атрофи иморатлар билан ўралган ҳовлидан кунчиқарда жойлашган молхонада сигир соғяпти. Кимдир ўрнатган одатта мувофиқ бу уйда сигир эрта саҳарда эмас, балки, ҳамма юмушга жўнаб, ҳовли холи қолгандагина соғилади...

Бекмирза негадир кўчага қараб юрди. Ҳашаматли дарвозадан чиқиб, атрофга аланглади. Тунги ёмғир аямай ювган асфальт йўл ялтираб, кулиб ётарди. Кўча қирғоғидан ўтган ариқда эса юзасига шоҳ-шабба, хашаклар илиб олган лойқа, бутана сув тошгудек тўлиб оқяпти. Онда-сонда ўтиб турган машиналарни ҳисобламаса, кўча кимсасиз. Шу аснода Бекмирзанинг кўзи ариқдаги сув юзасида, хас-хашаклар орасида қалқиб келаётган оқ бир нарсага тушди. Воажаб... Бу қофоз кема-ку! Оддий ўқувчилар дафтари варагидан ясалган, ичига аллақандай суратлар туширилган қофоз кема! Шошиб оқаётган лойқа сув сатҳидаги қофоз кема гоҳ гир айланар, гоҳ шоҳ-шаббаларга туртинар, гоҳ майда тўлқинлар бағрида каловланар, бироқ фарқ бўлмай оқиб... Йўқ, йўқ, худди улкан дарё мавжларидағи ҳақиқий кемадай сузиб келарди! Бекмирзанинг хаёлига ариқда оқиб келаётган қофоз кемани кўрмаганига ҳам анча йиллар бўлгани келди. Негадир ҳозирги болалар қофоз кемалар ясашмайди. Ариқ ва сойларга ўзлари ясаган кемаларни қўйиб юбориб, ўжар, майда

тұлқынлар оша сузаётган кемалари ортидан қийқириб, қувишмайды. Бекмирзаниң болалигіда эса бундай үйинлар жуда күп жетті.

У беихтиёр ариқ ёқалаб қофоз кема ортидан юрганни сезмай қолди. Мана, қофоз кема құшни ҳовли күприги тағидан ҳам эсон-омон үтиб олди. Күпrik тағидан муваффақиятли үтиб олгани учунми, сув юзасыда рақсга тушгандай «гир» айланди-да яна олисларга сузіб кетди.

* * *

«Шомирза» йүл-патруль хизмати пости серқатнов йүллар чорраҳасыда жойлашған. Юксак Помир тоғлари бағридан чиқиб, Сирдарё соҳилларига кетған Водил—Ёзёвон ва Андіжон—Тошкент йүллари шу ерда кесишади. Кундуз соат 10... февралнинг сұнгги кунларидан бири. Гарчи осмонни булат қоплаган, қуёш құринмаса-да, ҳаво илиқ.

— Яна ёмғир ёғади-ёв, осмоннинг қовоғи солиқ, — дея норози минфириләди эрталаб постни қабул қилиб олган сержант Сайфиддин Иномов шериги Толибжонға.

— Э, нимасини айтасиз, — тұнғиллади Толибжон.

Ха, ёмғир қуйиб тұрса аввало ҳаракат хавфсизлиги сусаяди, қолаверса катта йүлдан «ғиз-ғиз» үтәётгандан машиналар назоратини ҳам қоидасыдан чиқмай бажариш мушкул. Ҳужжатида анча-мунча нұқсанлар бор, машинасига ноқонундай юк ортған ҳайдовчиларға эса худо беради.

Иккаласининг ҳам кайфияти шу тариқа суст ва зиқ ҳолатда жетті. Шу аснода йүлда Андіжон тарафдан катта тезликда келаётганды қора «Мерседес» күринди.

— Толиб, тұс-чи анавини! Энасининг уйига шошялпти шекилли, зангар...

Толиб олатаёғини күтариб йүл четига чиқди.

«Мерседес» ҳайдовчиси постни құриб тезликни пасайтирди-ю, лекин энди кеч, үлчагич асбоб аллақачон қоида бузилғанligини қайд этиб ултурған жетті. Машина постдан хиёл үтиб тұхтади. «Мерседес»дан олифта кийинган, хушмұйлов йигитча тушиб, ходимлар томон дадил одимлади. Машина ичидә яна уч киши үтиради. Ёши олтмишлар чамасидаги, оқсоч бошига баҳмал дүппи құндырылған, қора күзойнакли салобатлы одам

уловдан тушди. Лекин у ҳайдовчи ортидан юрмади, йўл ёқасидаги ўрикзор боғларни томоша қилиб қолаверди.

Йигитча йўл ҳаракат хизмати ходими билан қўшқўллаб сўрашди, ходим ва ҳайдовчи орасидаги анъанавий муомала бошланиб кетди.

Сержант бу хатти-ҳаракатлардан машинанинг унчалик «катта» одамларга тегишли эмаслигини пайқади-да, энди ҳайдовчидан назарини узуб, тоғларга қаради. Бунақа пайтда ходим билан ҳайдовчининг муомаласига аралашмаган маъқул...

Водил йўлидан пост томонга бир отлик келарди. Чавандоз отни ўз ҳолига ташлаб қўйган, зулукдай қопқора от «босайми-босмайми» мақомида туёқларини эри нибгина кўтариб туширап, гоҳ йўл четидаги дараҳтлар шоҳларига оғиз солар, баъзан йўл ўртасига ҳам интилиб қоларди. Кунлар хиёл исиб қолганига қарамай чавандознинг бошида мўйна телпак, эгнида қимматбаҳо чех пустини.

Отнинг зотдор қорабайирлигини кўриб, Сайфиддиннинг чавандозга қизиқиши ортиди. Ҳа, асл қорабайирлар ҳозир жуда кам... Бу орада чавандоз йўлни кесиб ўтиб постга яқинлашди. Афтидан ёши элликлардан ошган, кўринишига қараганда ўзига тўқ одам. Ёмғир ёғиши аниқ бўлган бу ярамас об-ҳавода бундай одам нега от миниб кўчага чиқди экан?.. От Сайфиддиннинг олдига келиб тўхтади.

— Ассалому алайкум, — деди Сайфиддин негадир шошиб.

Чавандоз саломга алик олмади. Куюқ қора қошлари остидаги қисиқ кўзлари аллақандай чақнаб милиция ходимига тикилди.

Сайфиддин ўзини йўқотди. Ким бу одам?

— Ккелинг... — деди у ҳар эҳтимолга қарши каловланниб. Чех пустинига ўралган одам Сайфиддиндан қаҳрли назарини узмаган ҳолда пустин чўнтағидан пичоқ чиқарди... Толиб билан баҳслашаётган қоидабузар ҳайдовчи ҳам, Толиб ҳам, Сайфиддин ҳам илон авраган бақадай қотиб қолишиди. Чавандоз эса пичоқни қинидан суғурди...

— Ккечир...асиз, — дея негадир бидирлади Сайфиддин, — хизмат?..

Чавандоз Сайфиддиндан кўзини узмасдан ўткир пи-чиқ тифини ўз томогига қадади. Сўнг куч билан пичоқни томогига босиб, ўнг томонга тортиб юборди! Қир-

қылган томоқдан шариллаб қип-қизил қон отилди! От бердән чүчиб, бошини илкис тепага күтарди. Кейин қаттиқ кишнаганича, сувлиқни чайнаб турған жойида гир айланди-да, юқорига, баланд тоғлар томонга чопиб кетди.

«Мерседес»дан тушиб атрофни томоша қилиб турған қора баҳмал дүппили одам, ҳаммадан аввал вазиятни англаб улгурди шекилли, от йўлига югуриб чиқди. Чавандознинг қўлидан жилов чиқиб кетган, ўзи чап ёнбошга оғиб борар, жон талвасасида эгар тумшуғини иккала қўли билан чанглаб олган, томогидан оқаётган қон сариқ чех пустини этакларини бир зумда қорайтириб юборган эди.

Қора баҳмал дүппили одам от бўйнида дилдираб, у ёқ-бу ёққа оғаётган жиловга осилди. Бироқ бақувват қорабайир унга бўй бермади. Калласини юқорига иргаб-ирғаб елишда давом этди. Шу аснода отлиқнинг ўнг оёғи узангидан чиқиб кетди ва у чапга оғиб жиловга осилган қора баҳмал дүппилиниң устига қулади. Дүппили одам чап қўли билан жиловни маҳкам ушлаганича ўнг қўли билан устига афанаган отлиқнинг елкасидан кучоқлаб олди. Бироқ шу аснода оёқлари чалишиб жилов ҳам, от ҳам қўлидан чиқиб кетди... Отлиқнинг боши асфальт йўлга тўқиллаб тушди. Баҳмал дүппили шу вазиятда ҳам ўзини йўқотмади. Бир лаҳзада бир амаллаб от туёқлари остидан ўзини четга олишга улгурди. Отлиқнинг боши, қўллари беш-олти метр асфальтни сузиб борди-ю, иккинчи оёғи ҳам узангидан бушалди...

Сайфиддинлар унинг олдига югуриб боришганда нотаниш отлиқ тирик эди. Дүппили одам чала кесилган, қон шариллаб оқаётган бўғизини дарров белбоғи билан маҳкам боғлади. Ярадорни шоша-пиша «Мерседес»га ётқизиб, туман марказидаги шифохона томон ўқдай учишиди.

* * *

Бекмирза яна уйга қайтиб кирди. Келин ҳамон куймаланиб юрибди. Ҳа, ҳайҳотдай ҳовли, мол-ҳол, ўзининг уч, бева қайинсинглисининг икки боласи ташвиши... Ҳа, шу боланинг сабр-тоқатига тасанно, агар бошқа келин бўлса бу уй тинимсиз фавро маконига

айланарди, ё келин деган оила аязоси аллақачон икки, э, қүйинг, уч бор янгиланган бұларди...

Тоҳир ёлғиз үғил, лекин эрка, шұх-шалтоқ үсмаган. Эсини таниши, катта ҳаётга қадам қўйиш йиллари кўпроқ онаси ёнида бўлди, шу боисми феъл-авторида аёлларга хос куюнчаклик, озгина фийбатга мойиллик, қолаверса кетини ўйламай, даб-дурустдан қарор чиқариш каби нуқсонлар илдиз отган. Отани ҳурмат қилсада, лекин она чизган чизиқдан ҳатламайди. Севара ҳам бу борада акасидан қолишмайди. Рўзгорининг бузилишига ҳам шу — ўйламай иш қилиш, ўйламай турли гап-сўзничуваш, ўйламай қарор чиқариш сабаб бўлди. Йўқса, куёв жўяликкина, ишchan, эпақадаги бир йигит эди. Қайнота-қайнонанинг фийбатини қилавериб, Севара охири уни ҳам тўйдирди... Рўзгордан кўнгли барбод бўлган йигит ичкликка берилди... Ота-она икковини бир амаллаб шаҳарнинг янги мавзесидаги «дом»лардан бирига кўчириб кутулишди. Бироқ «дом»да куёв баттар бўлди. Кунига хонадонда қий-чув, маст бўкириш, Севаранинг чинқирифи, болалар «дод-войи»... Охири Моҳигул қизни икки боласи билан уйга олиб келишга мажбур бўлди. Бу ҳақда Бекмирздан ҳатто бирор оғиз маслаҳат ҳам сурашмади. Бекмирза бир кун сафардан қайтса шу гап... На куда томондан биров «Нима гап?» деб келди, на куёв ароқ ичишдан бушаган пайтда бир оғиз «Севара, қайдасан?» деб суради... Шу тариқа, орадан уч-турт йил үтди. Бекмирза индамади. Моҳигул, Севара ҳам жим... Кейинги беш-олти ой ичида эса Бекмирза бу хонадонда бегонадай ҳаёт кечирди. Наинки рўзгор, балки оиланинг мулкий муносабатлари тизгинини ҳам Моҳигул ўз қулига олган. Шаҳарнинг марказий бозоридаги кийим-кечак дўкони ҳам, Гулистон мавзесидаги озиқ-овқат ва спиртли ичимликлар дўконлари ҳам унинг тасарруфида. Тоҳир иккита сотувчи қиз билан Гулистон мавзесидаги дўконларни, Севара эса Марказий бозордаги дўконни бошқаришади. Дўконларни мол билан таъминлаш, солиқ ва бошқа идоралар билан муомалани Моҳигул олиб боради. Хуллас, Бекмирза минг сўмлик қофоз пулдай бору, лекин, яроқсиз нарсага айланган... Моҳигул эри билан гаплашмайди. Тоҳир билан Севара кўрса салом беришади, лекин муносабат саломлашишдан нарига

ўтмайди. Ҳолбуки, шу икки болани одам қиласман деб Бекмирза бошини не-не шўришларга урмади...

Моҳигул асли савдогар наслидан, унинг отаси ҳам жуда узоқ йиллар савдо уммонида сузган, гоҳ этак-этак пул топиб, баланд давраларда жавлон урган, гоҳ кемаси тешилиб, ўзининг ҳам асов тўлқинлар бағрида гарқ бўлишига оз қолган, хуллас, шуро даври муҳити-нинг паст-баландларида пишган одам. Беш-олти йил илгари оламдан ўтган бу кекса савдо ходими болали-ри, айниқса, қизига савдога аралашибга изн берма-ганди... Лекин, қондаги аслият барибир голиб келди-ми, ота ўлимидан бир-икки йил илгариёқ, Моҳигул йигирма йил ишлаган мактабидан этак силтаб, ўзини савдога урди. Бекмирза билан Моҳигул шаҳардаги пе-дагогика институтида бирга ўқишиган. Иккови ҳам ма-тематик. Бекмирзанинг отаси новвойчилик қиласми. Тонг саҳардан қоқ тушгача гуриллаб турадиган оташ тандирга ҳар куни бу одам албатта беш юз-олти юз марта бош суқар, шу тандир боис оиласари анча ўзига тўқ, тагларида «жигули» машинаси бор эди. Ўша йиллари чўнтағида «беш сўм» пули бор одам одатда фар-зандини бирор олий ўқув юртига жойлаш ниятида юрар, чунки, фарзанднинг институтда ўқиши, худди машина ёки ҳашаматли уйдай оила фаровонлигининг бир аломати ҳисобланарди. Бекмирза ҳам шу умумий кайфият боис институт талабасига айланганди. Лекин, болалигидан меҳнат билан ўсган, саҳарларда ханпада ун элаб, хамир қорган йигитча ўқишида ҳам бўш кел-мади. Курсдошлардан бир пофона баландроқ юрди. Гу-руҳда староста бўлди. Институт олимлари, раҳбарият назарига тушди. Моҳигулнинг «бир новвой ўғлига» меҳр қўйишида шу омиллар ҳам ҳазилакам роль ўйнамаган-ди...

Институтни битиришган йили тўйлари бўлди. Тўғри, аввалига Моҳигулнинг отаси шу ерда бир оз тайсалла-ди, нима қиласа ҳам баланд дорларга осилган одам бир оддий новвой билан қуда-андада бўлишни эп кўрмай турди анчагача. Лекин, бўлажак куёвининг салоҳияти, одоб-ахлоқи хусусида ўртага тушган одамларнинг оғиз кўпиртиришлари, қолаверса, факультет деканининг совчиликка келиши мағрур отани отдан пастга тушири-ди. Албатта, хотини «Моҳигулнинг кўнгли ўшандада»ли-

ги ҳақидағи тунги шипшишилари ҳам үз таъсирини күрсатған әди...

Икки йилча Бекмирза институтда үқитувчилик қилди. Бу орада бұлажак илмий иш учун мавзу ҳам танланди. Аспирантура масаласи ҳал этилиш арафасыда әди. Моҳигул мактабда үқитувчилик билан банд. Күтилмаганда, Бекмирзанинг күринищда соппа-соғ, бақувват отаси юрак хуружидан вафот этди. Үшанда Моҳигул Тоҳирга бошқоронғи әди. Кечагина Тошкентда, аспирантура масаласидаги режалар билан боши банд юрган Бекмирза бирданига саккиз нафар ука-сингиллар, касалванд она бокұвчиси, раҳнамосига айланди. Кейинчалик Бекмирза ҳаётининг ана үша икки йўл орасида қолган дақиқаларини таҳлил этар экан, «айб үзимда» деган қатъий хulosага келарди. Ҳа, саккиз бола билан яримжон онани ташлаб аспирантурага йўрғалаш инсофдан эмасди. Аммо бир чорасини топиб илм йўлидан ҳам чекинмаслик керак әди. Агар үшанда... Үшанда бой-бадавлат қайнотаси қўллаб юборганда ҳаёт бошқа издан кетармиди... Йўқ, бадавлат қайнота қуданинг дағн маросимларида турди-ю, кейин үзини аста четга тортди. Қизига «ўзинг пиширган ош...» маъносига гап қилган шекилли, Моҳигул ота уйидан бир қизариб келганича миқ этмади. Тоҳир туғилганда келган отасига қовоқ ҳам очмади. Бекмирза ҳам бўлган воқеа хусусида хотинидан ижикилаб сўраб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Ёрдам сўраб қайнотасига ҳам бош эгмади.

Институтдан чиқди-ю, маҳалладаги мактабга ишга кирди. Кечалари нон ёпиб тонгда укаларини бозорга чиқариб юраверди. Ҳа, оғир кечган әди үша кунлар. Бу ёқда Моҳигул ёш бола билан банд. Бекмирза мактабда дарс бериб, тунлари хамир қоради... «Уйда нон ёпади» деб участка милиционери деярли кун ора хабар олади, ҳар хабар олиши 25—50 долларча пул бошини ейди, санэпидстанция ходимлари, бозор мутасаддилари ҳам, ҳар куни Бекмирзанинг уйдаги тандирдан чиқадиган шу икки юзта нон атрофида гирдикапалак... Лекин, шу тандирга раҳмат, ўн икки жонни боқди, тинмади... Бу орада «қайта қуриш» бошланиб кетди. Бекмирза тандирни катта укасига, мактабни хотинига ташлаб, ўзи Польшага қатнай бошлади. У Польшага яхши алюминий қошиқлар, электр моторчалар, металл буюмлар олиб борар, у ердан турли газламалар келтиради.

Тоҳир уч ёшларга кириб тили чиққан, гапириши, юриши катта оиланинг эрмагига айланган кунлари Севара дунёга келди. Севара туғилғач, қайнота Бекмирзалар хонадонига яна қатнай бошлади. Куёв Польшадан келтирадиган буюмларни ўз дўконида сотиб беришга киришди. Бу орада Польшага, собиқ СССРнинг шимолий республикаларига қатнаб, савдогарликнинг ҳавосини олган Бекмирза йирик ишларга ҳам қўл урди. Икки-уч киши билан тил бириктириб, Узоқ Шарқдан илгари ишлатилган япон, корейс енгил машиналари келтириб сота бошлашди. Қисқа фурсатда Бекмирзанинг қўлида каттагина маблағ тўпланди. Бу орада катта укасини уйлашди. Икки сингилни турмушга чиқаришиди. Яна икки ўғил ука етилиб қолганди. Бекмирза шаҳар четидан, баҳаво, сувга яқин жойдан томорқа олиб, ҳашаматли уй қурди. Бола-чақаси билан ота уйини тарк этиб, шу ҳовлига кўчди. Шаҳарнинг икки-уч жойида хотини ва ўзи номига дўконлар барпо қилди. Хуллас, ўқитувчи Бекмирза кейинги йилларда қўлида пул ўйнайдиган, эл аро таниқли йирик савдогарга айланди қолди.

Савдогарлик дунёдаги қадими, нуфузли, айни пайтда қалтис, етти ўлчаб бир кесишни тақозо этадиган, қолаверса, кўп томони омадга ҳам боғлиқ қасблардан ҳисобланади. Дейдиларки, бу касб этагини ушлаган ўн одамдан тўққизтаси маррага етгунча сафдан чиқиб қолади. Ҳуш, марранинг ўзи нима, у қай ерда, қандай ҳолда намоён булади? Ҳолбуки, савдогар худди қиморбоздай ҳеч қачон маррага етмайди. Ҳар бир эгаллаган сарҳади кейин эгаллаши лозим сарҳадлар остонаси бўлиб қолаверади...

Бекмирзанинг ишини худо ўнгладими, узоқ йиллар савдогарлик фаолияти давомида сира қоқилмади. Саккиз етимнинг бошини силаётган одам эди-да, ахир у... Ҳаш-паш дегунча болалар ҳам етилди. Эр-хотин, кекса қайнона ва қудалар ўзаро маслаҳатлашиб дастлаб Севарани турмушга узатишиди. Орадан бир йил ўтиб Тоҳирни ҳам уйлашди. Укалари ҳам ҳаммаси уйли-жойли бўлишди. Ҳудди шу онларни кутиб юргандек, дунёдан кўнгли тинчиган касалванд она ҳам оламни тарк этди. Қудадан сўнг Моҳигулнинг ота-онаси ҳам бирин-кетин вафот этишди. Бекмирза бир кўзини очиб оламга разм солиб курса, ёши элликдан ошибди, чорак аср-

лик умри савдода ўтибди. Соч оқарган, яқинлашиб келаётган кексалик ҳам асорат бериб қолган... Ҳаётда излаган нарсаларига етишган бўлса-да, армонлари ҳам кўп... Кўнгил нимадандир қониқмас, хотиржам эмас эди. «Нимадан бу фашлик, кўнгилдаги иштибоҳ?..» дея кўп ўйлар эди у. Ё, илмга аталган ҳаётни савдога сарфлаб хато қилдимикан? Оиладан кўнгли тўқ, болалар яхши. Моҳигул билан шунча йиллар бирга яшашди, рўзгор юки босиб, бъязи майда айтишув, тўқнашувлар ойда бир рўй бериб турғанини ҳисобга олмаса, орада бирор-бир жиддий келишмовчилик бўлган эмас. Ўша, ота вафот этиб, бошига оғир кунлар тушган кезларда хотини ота-онасининг гапига юрмай, Бекмирзанинг ёнига кирди. Ўшанда «Боланг битталигида этагингни ёп, мана, амакингнинг ўғли — Тошкентда ишлайди, ўзинг биласан, турмуши бўлмаган, агар сал рўйхуш берсак, чопиб келади, нима қиласан исқирт новвой-хонада умр ўтказиб. Бу Бекмирзанг ҳали саккиз нафар етимни катта қилгунча сен қарийсан...» ва ҳоказо гаплар билан ота-онаси Моҳигулнинг қулоғини қоқиб ташлашган эди ўша кунлари. Лекин Бекмирза ич-ичидан тан беради — Моҳигул ҳамма оғирликни ўз бўйнига олди...

Хўш, бўлмаса, бу кўнгил дарди, нимадан ахир?! Сабаби савдогарчилик, олис юртларда гоҳо-гоҳо шерикларга қўшилиб, малласоч хонимлар билан кўнгилхушлик қилгани бор. Бироқ, эртасигаёқ ўша хонимларнинг афт-башаралари ҳам, қилиқлари ҳам дарров хотирадан кутарилиб кетарди.

— Ё бирор касалга дучор бўлдимми? — дея Бекмирза Россиядаги яхши докторларга ҳам учрашди. Униси у деди, буниси бу деди, у ер-бу ердаги курорту санаторияларда дам олди, аммо кўнгил фашлиги сира тарқамади... Бу орада ўғли ёнига кирди, хонадонга келин тушиб, у рўзгор ташвиши хиёл нари кетган хотин савдо ишларига астойдил қараша бошлади — иш ҳам озгина енгиллагандай бўлди. Аммо юрагидаги фашлик юки тобора оғирлашиб бораарди.

Шундай кунларнинг бирида кутилмаган бир ҳодиса юз берди-ю, Бекмирзанинг ҳаёти алғов-далғов бўлиб кетди. Қалбининг қоп-қоронғи бурчакларида гуриллаб ёрқин, қайноқ олов ёнди.

Нотаниш одамнинг асфальт йўлда урилиб-сурилиб борган юзи таниб бўлмас қиёфага келган, бурни пачоқ бўлган, ияги ёрилган, юзини асфальтни туртиб чиқиб турадиган майда тошлар аямай тилган... Бўғзини дарров тикиб, боғлаб қўйиши, аммо жиддий жароҳатлардан ташқари ярадор кўп қон ҳам йўқотган эди. Лекин унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун доктор ва ҳамширалар на билим ва на вақтларини аяши. Ҳаммаёғи яра-чақа, уст-боши қонларга беланганд одамни тозалаб, ювиб-тараб жонлантириш бўлимига ётқизишиди.

— Кўп қон йўқотган, аммо юраги бақувват, — деди операциядан сўнг жарроҳ Ҳамидулло ака. — Менимча, яшаб кетади... Аммо-лекин мия фаолиятига кафолат бера олмайман. Мия чайқалган... Лат еган...

Туман милициясида шу ҳодиса юзасидан тезкор қидириув гуруҳи тузилиб, капитан Адҳам Солиев унга бош этиб тайинланди. Прокуратура ва бошқа тегишли идораларга воқеа хусусида ахборотлар берилди. Албатта, қидириув ишини бошлашда биринчи навбатда жабрланувчи ёки жиноятчининг шахсини аниқлаш муҳим...

Отлиқнинг на чўнтакларида, на кийимининг бирор жойида унинг шахсини кўрсатувчи ҳужжат бор эди. Ушлаб олиб келинган қорабайирда ҳам на от, на суворийни аниқлашга оид қилча ҳам белги топилмади.

Биринчи навбатда туман ва шу атрофлардаги фермер хўжаликларидан қорабайир от ҳақида суриштирила бошланди. Чавандознинг кийимларига қараганда, у анча бадавлат одам эканлиги маълум эди. Шунга кўра ўзига тўқ кишилар орасидан от спортига ишқибозлар, зотдор отлар савдоси билан шуфулланадиган кишилар суриштирилди. Орадан уч-тўрт кун ўтди. ДАН постида ўз жонига сунқасд қилган одам ҳақида ҳеч қандай дарак чиқмади. Унинг фоторасмлари қўпайтирилиб, вилоят миқёсида тарқатилди. Вилоят ҳуқуқий нашрида жабрдийда ҳамда қорабайирнинг суратлари, уларга тегишли ашёларнинг белгилари эълон қилинди. Орадан бир-икки ҳафта ўтди...

Эрталабки муолажа учун керакли дори-дармонларни кутариб олган ҳамшира эшикни очиши билан рўпадаги каравотда ётган беморнинг кўзлари очиқлиги-

ни күриб, сесканиб кетди! Хиёл құтариlgан қовоқлар остидан қоп-қора құзлар милтиллаб турарди...

— Ассалому алайкум, — дея салом берди ҳамшира құлидагиларни палатадаги стол устига құяркан, — яхшимисиз? Хайрият, хайрият... Мана энди күп үтмай, ҳеч нарса бұлмагандек чопқиллаб кетасиз...

Лекин, bemor на жавоб берди, на күз ишораси билан ҳамширани тушунғанлигини билдириди. У яна бир оз муддат әшик томонга маъносиз боқиб турдида, құзларини юмиб олди.

* * *

Тонг сақарда фарёд солған телефон гүшагини бироз хавотир билан құтарған Бекмирза Комилжоннинг:

— Бек ака! — дея мембранны ергүдек қақшаға отишидан күнгли дарров равшан тортди. Аммо пинагини бузмай:

— Ҳа, намунча... Сүфи мезанага чиқиб улгурмай... Тинчликми? — дея сүради.

— Иш битди, Бек ака! Айланиб келиб, үша сиз айтған Белорус колхозлари жонга оро кирди. Могилёвдан бир вагон парранда гүшти йўлга чиқди. Украинардан нархни аллақанча арzon қўйишиди.

— Хўп, икир-чикирини келганингда гаплашамиз. Мақсадга ўт.

— Шартномаларимиз, бошқа ҳужжатлар ҳаммаси жойида... Фақат божхона... Уларнинг назорат лабораторияси масаласини ҳал қилиб қўйишимиз керак.

— Нима, бирор гап борми?

— Ҳа, энди... Парранда гриппи деган ваҳима ҳамманинг бошини қотиряпти-ю... Белоруссияда ҳали бу қасаллик қайд этилгани йўқ. Аммо, юк етиб боргунча бирор гап-сўз оралаб қолса, маҳсулотимиз ӯзимизда анча туриб қолиши эҳтимолдан холи эмас... Шунга икки-уч кун ичиди вагонни ўтказиб юбормасак, иш бир оз тайсаллаши мумкин. Биласиз, парранда гүшти нозик, тез бузилади... Шунга вагон етиб бориши билан уни тўхтатмай ўтказиш тадоригини кўриб қўйсак бўлармиди. Жавдот Абдуллаевичга...

— Бўлди! Бас қил, э, оғзинг қурсин... Телефоннинг тилини тилсим қилгин дея неча марта айтганман! Яхши! Қўришгунча!

Бекмирза гүшакни тарақлатиб жойига қўйди. Кай-

фияти бузилди. Овозинг ўчур, галварс! Агар сингли-сининг ўғли бўлмаганида аллақачон тагини супуриб қўйиши шарт эди бу Комилнинг! Лекин, нима қил-син, жигари...

Жавдот Абдуллаевич тушдан кейин кабинетда бўлишга ваъда берди. Бекмирза тушлик тугаб, ходимлар кабинетларга қайтиб киришга улгурмай у кишининг қабулхонасида пайдо бўлди. Жавдот Абдуллаевичнинг котибаси — хипча бел, «кабинет хандон» Сораҳонга атаб олган «Шанель»нинг энг кейинги нусхаси ҳам чўнтағида...

Бироқ қабулхонада шўх-шодон Сораҳон эмас, балки мутлақо бошқа аёл ўтирган эди. Оқищдан келган, катта-катта қора кўзлари чақнаб турган бу аёлнинг соchlари жиддий усулда турмакланган, ўзи одмигина кийинган... Аёл Бекмирза хонага кириб келиши билан унга қаради.

— Яхшимисиз? — дея негадир бидирлай бошлади Бекмирза, — Жавдот Абдуллаевич билан учрашувимиз белгиланган...

— Бекмирза Асронович, — қўл остидаги қофозга бир кўз югуртириб олди аёл, — хабарим бор, лекин у киши бир оз ушланиб қоладилар. Ҳозиргина қўнғироқ қилишди. Агар ишингиз зарур бўлмаса, бирон соатлардан кейин келишингиз ҳам мумкин.

— Ахир, биз... Бирор гап борми?

— Бошлиқнинг олдига бирров кириб чиқадилар.

Бекмирза котиба аёл рўпарасидаги диванга чўқди. Бу идорадан чиқиб яна кириб келиш осонми...

— Сораҳон кўринмайдилар?

— Сораҳоннинг тоблари йўқ. Үрнига вақтинча ишлаб турибман.

Бекмирза жим қолди. Котиба, афтидан, нима билан машғул бўлишни ҳам билмасди. Тўғри-да, Жавдот Абдуллаевич анча-мунча муҳим ҳужжатларини дарров бу аёлга ишонмаслиги табиий. Сораҳон ишга чиққунча бу аёл келди-кетдини қайд этиб туришга ярайди, холос.

— Сиз қайси бўлимда ишлардингиз? — дея беш минутлардан сунг орага чўккан нокулай сукутни бузиб сўради Бекмирза.

— Ишга келганимга кўп вақт бўлгани йўқ. Лабораторияда гўшт маҳсулотлари таҳлили бўйича шуғулланаман.

Ажабо, худо ишингни ўнгласа тошда уруг кўкаради, дея бежиз айтмаганлар...

Жавдот Абдуллаевич Бекмирзанинг «арзини» тинглагач, бир кулди-да, котибанинг қўнғироғини босди. Зум ўтмай кабинетга кирган ҳалиги аёлга қараб:

— Солиҳа! Мана шу акангиз билан гаплашиб, у кишига ёрдам беринг! — деди.

Солиҳа ялт этиб Бекмирзага қаради, нигоҳлар тўқнашди...

Жавдот Абдуллаевич билан хўшлашиб қабулхонага чиқсан Бекмирза ўзига савол назари билан қараб турган аёлга қараб, негадир ўнгайсизланди.

— К-кечирасиз, С-солиҳаҳон, энди... хизматчилик...

— Бемалол, — деди Солиҳа жойига ўтиаркан,— нима гап?

— Шу кунларда республикага кириб келадиган юкимиз бор. Парранда гўшти... Ўзингизга маълум, парранда гриппи деган ваҳима оралаб юрибди...

Бекмирза аёлга масаланинг моҳиятини тушунтириб берди.

— Яхши, — деди Солиҳа, — қулимииздан келганича ёрдам берамиз.

Икковлон бир-бирларига телефон рақамларини беришди. Бекмирза қабулхонадан чиқаётганда чўнтағидаги «Шанель» ёдига тушди ва каловланиб бир зумга тўхтаб қолди. «Йўқ, «Шанель»га учадиган аёл эмас у!» Миясида шу холоса чақмоқдек ялт этди-ю, юришда давом этди.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, тушлик пайти Бекмирзанинг қўл телефони жиринглаб қолди.

— Бекмирза ака! — қўнғироқ қилаётган аёлнинг овозини таниб Бекмирзанинг оёқларидан мажол кетди. Солиҳа!


— Лаббай, Солиҳаҳон! Эшитаман.

— Юк етиб келди. Бу ёғини ўзим тўғрилайман. Ахир, ҳеч қандай ноқонунийлик йўқ, бу ишда. Тушдан кейин идорага бирров кириб ўта оласизми?

— Жоним билан!

Шу куни ишлар қўнгилдагидек якунланди. Парранда гўшти текширувдан ўтказилиб, савдога чиқариб юборилди.

— Солиҳаҳон! — деди Бекмирза қош қорайган маҳали. — Ерламингиз учун катта раҳмат. Кечгача иккала-



миз ҳам югуриб-елдик. Сизгá минг раҳмат. Агар... Агар имкони бўлса бирор жойда бир пиёла чой устида ба- фуржа гаплашиб олсак...

— Майли, — деди Солиҳа бир оз уйланиб олгач, — чиндан ҳам чарчадик.

Ўтган уч-тўрт кун ичида Бекмирза танишлари орқали Солиҳа ҳақида кўп нарсани билиб улгурганди. Ёши ўғтиздан ошган, ўн-ўн икки ёшли ўғли бор. Уч йил муқаддам эри узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этган. Европача тарбия кўрган аёл. Давраларда эркаклар суҳбатидан тортинмаса-да, лекин чегарадан чиқмайди.

Бекмирза, «Ҳали бу аёлга кўп ишим тушади, таниш-билиш бўлиб олсак зиён қилмайди», дея ичида ўзини алдашга уринар, лекин шу аёлни кўргандан сўнг неча йиллардан бўён қалбини, бутун вужудини занглатиб ётган ғашлик бирдан чекинганини ҳис қилиб, кўнгли ёришар эди. Шаҳарда у ҳали бирорта бегона аёл билан ишқий муносабатларга бормаган эди. Дўстлари бу борадаги «ютуқ»лари билан мақтаниб қолишган кезлари, у мийифида кулиб ўтираверар, баъзилар ана шу сирли жилмайшидан ўзларича турли маънолар то-пишарди... Лекин Бекмирза бу борада жуда нозик кўнгил. Ўша олис шаҳарлардаги йўл-йўлакай юз берган тасодифий ишқий саргузаштларни ҳисобга олмаса, бирорта аёл ҳали кўнглини жизиллатган эмасди. Мана, неча йиллардан сўнг божхонадаги аёл кутилмаганда қалбида тўфон қўзгади.

Ҳали қуёш ётоғига кириб улгурмай саррин шамол эсди. Ҳа, яқинлашиб келаётган кузнинг муждаси бу... Бекмирза янги «Нексия» қучогига гўзал хонимни олганича шаҳар ташқарисига, ўркач қирлар тарафга йўл олди. Ўша ёқда Бекмирзага таниш одамга қарашли кичикроқ кўл бор. Таниши кўлда балиқ боқарди. Кўл атрофида кўкаламзор сайргоҳ, икки-уч ёғоч уй ҳам бор. Солиҳа билан келишиб улгурмай Бекмирза у одамга хабар бериб бўлғанди. Орқа ўриндиқча чўккан Солиҳа қора кўзойнак тақиб олди. Бекмирза магнитофон тумшуғини эзди. Машина салонини Берта Давидова нолалари тутди.

— Кечирасиз, таъбим шунаقا, — дея хижолатомуз оҳангда гап бошлади Бекмирза, — бу янги чўккан ёш кўшиқчиларга сира ўрганмадим, Азиза дейдими, Дав-

рон дейдими, саноги йўқ... Биз энди шу классик қўшиқлар, Шер ака, Ортиқ ака, Фуломжонлар даврасидан, уларнинг оҳангларидан чиқиб кетишимиш мушкул...

— Тўғри айтасиз, — дея ўйчан оҳангда гапирди Солиҳа, — мен рус мактабида ўқиганман. Олий таълимни ҳам русча олдим. Табиийки, рус, европа қўшиқлари қон-қонимга сингиб кетган. Лекин, ўзимизнинг эстрада, Ботир Зокиров, «Ялла» ва яна кўплаб қўшиқчилар ҳам юрагимнинг бир парчаси.

Бекмирза бисотини титкилаб «Ялла» эстрада гурӯҳи қўшиқлари ёзилган кассетани топиб қўйди...

Балиқчи фермернинг кўл буйидаги сайргоҳга ўрнатилган вагон-ўйчаси ичи жуда шинам, бурчакда телевизор, магнитофон, стол усти худди жаннат дастурхонидай тўкис эди.

* * *

Нотаниш ярадор аста-секин ўзига кела бошлади. Кўзини очгандан сўнг орадан икки кун ўтгач маҳсус мосламадан оғзига қўйилган суюқ овқатни ичиб олди. Бир муддат кўзларини очиб-юмиб ётди-да, кейин секин, қўрқа-писа лабларини қўмirlатди. Хўжакент тумани марказий шифохонаси хирурги Ҳамидулло ака тажрибали, моҳир жарроҳ эди. У бўғизни тикиш жараённида товуш аъзоларини сақлаб қолиш учун керакли ишларни қилган, шу боис беморнинг гапира олиш қобилияти бут эди.

— М...мен... қ...қаердаман? — дея сўради бемор каравоти ёнида турган ҳамширадан. Товуш чиқарганда томоги ачишиб оғриди шекилли, юзлари буришиб кетди.

— Сиз Хўжакент касалхонасидасиз, — деди бийрон товушда ҳамшира, — икки ҳафта илгари отдан йиқилиб жароҳат олгансиз.

— Ҳ... ҳа..., — дея чўзиқ нафас чиқарди бемор ва жимиб қолди.

Эрталабки муолажадан сўнг даволовчи врач у билан сухбатлашишга уринди. Бироқ жароҳатланган одам шифокорнинг саволларига жавоб бермади. Лекин врачнинг нима деганини тушунгани айтидан билиниб турарди.

Икки кундан сўнг врачлар рухсати билан палатага капитан Адҳам Солиев кирди.

— Аҳволингиз яхши, — деди у беморнинг қўзига тикилиб, — энди икки-учта саволимизга жавоб берсангиз.

Нотаниш одам бошини аста ирғаб, розилигини билдирди.

— Аввало, исми-шарифингиз, турар жойингиз?

— Х... ҳеч... Эсимга к...келмаяпти, — деди бемор,— к...кимлигим..ни эс...слай ол..мадим. М...менга от...дан й... йқил...ган...сиз д...дей..ишиди...

— Ҳа, сиз Ҳўжакент тумани юқорисидаги чорраҳада, ДАН постидаги навбатчи милиция ходими рӯпарасига тоғ томондан қорабайир от миниб келгансиз. Сўнг кутилмаганда шу ерда бўғзингизга пичоқ тортиб юборгансиз. Бу ҳаракатингиздан чўчиган от сизни олиб қочган, қирқ-эллик метр нарида турган машина йўловчиси от йўлини тўсган. Кейин бошингиз билан асфальтга йиқилгансиз...

Адҳам Солиев ярадорга бўлган воқеани ипидан игнаси гача сўзлаб берди.

Афсуслар бўлсинким, жабрдийда ҳайдовчи буларнинг бирортасини ҳам эслай олмади... У на ўзининг кимлигини биларди, на бошидан ўтган воқеаларни хотирларди.

* * *

Солиҳа Бекмирзанинг шампан шишаси томон узатилган қўли енгидан тутди-да:

— Қўйинг ўшани, — деди кулиб, — молдован виноси бор экан-ку... Ўша дуруст...

Бекмирза унга вино, ўзига ароқ қўйди...

— Худойим ҳамиша ҳаммамизни, ҳалқимизга, ҳаққимизга, ҳақиқатга ҳамнафас, хиёнатдан холи, ҳамиятлиларга ҳамдуст, ҳақиқий холиқларга ҳамдаму ҳамроҳласин!

— Ҳамфикр, ҳамқадаммиз! — дея жаранглаб кулди Солиҳа қадаҳ үриштиришаркан. Чинни садосидай бу кулгу қадаҳ жарангими ёки Солиҳанинг овозими, Бекмирза англолмай қолди... Солиҳа гарчи русча ўқиган эса-да, ўзбекчани ҳам жуда нозик ҳис қиласар, гаплари қочирим, енгил ҳазилга бой эди. Ўша куни жуда ёзилиб ўтиришди. Қайтаётгандарни Солиҳанинг овози бироз титраб:

— Анча йиллар бұлди, Бекмирза ака, бундай очи-либ-сочилиб үтирганимга, — деди.

Бекмирза савдогар одам әмасми, Солиҳа, гарчи умумий зиёфатлардан қочмаса-да, лекин, әркак зоти билан чиндан ҳам якка-ёлғиз, айниқса, дастурхон устидан суҳбат қурмаслигини билиб олган эди.

— Раҳмат, Солиҳа, тұғрисини айтсам... Мен ҳам бундай... Ёзилиб үтирганимга анча бұлди-ёв?..

Әрта тонгда уйғонди-ю ёнини пайпаслаб... Солиҳани қидирди! Ҳатто «Солиҳа» деб қақириб ҳам юборди. Хайриятки, Моҳигул ҳали күз очмаган эди... Ташқарида келин супириш-сидириш билан банд. Болалар әрта тонгдаги шириң уйқуда. Бекмирза аста үрнидан туриб кийинди-да, ҳовлиға чиқди. Эрта күз тонги... Ишкомларда тизилиб ётган пақырдай-пақырдай узум бошлари доно мүйсафиддай салобатли суқунатға ғарқ... Қаердадир зарғалдоқ сайради. Бекмирзанинг келинидай саҳархез жувонларгина ҳовлиларни тартибға келтириши бошлашган. Бекмирза сағар ҳавосидан симириб-симириб нафас оларкан, бирдан бақыргиси келди. Мана шу сокин дунёни ларзага солиб ҳайқирса, манави сервикор узум бошлари наъра зарбидан чұрт-чұрт узилиб, ер билтте бұлса...

У чұнтак телефонни олиб, Солиҳага құнғироқ қилди.

— Солиҳа, узр, тонгда безовта қилдим...

— Яхшимисиз, Бекмирза ака?.. Яхши дам олдингизми?

— Раҳмат. Жуда әрта туаркансиз... Балконда бұлсанғиз керак...

Солиҳа майин күлди. Бекмирза унинг юzlари қулганда аллақандай бошқача ёришиб кетишини хаёлиға келтирди. Эх, бу юzlар... Шу пайтгача қаерларда юргандинг, Бекмирза? Ахир шу юzlар, күzlар, қарашларсиз ҳаётнинг мазмұни ночор, умр аллақандай бемақсад әмасмиди?

— Солиҳа... Агар вақтингиз бұлса...

— Қачон? — аёлнинг овози яна титраб кетди.

— Тушдан кейин... Телефон қиласман.

— Майли.

«Наҳот, ёши әлликдан ошған одам шу даражада үзини йүқтөді? — хаёлидан үтди Бекмирзанинг, — нима бу? Наҳот, уша — достонларда куйланған, Маж-

нуну Фарҳодларни адо қилган туйғу қариган чоғимда мени таңлаган бўлса? Ахир бундай гузал туйғу, қайноқ интилиш, олдинда гуриллаб ёнаётган гулханга ўзини ташлаб, роҳатланиб... ёниш кайфияти қаердан пайдо бўлди? Фақат Оллоҳнинг ўзи инъом этиши мумкин бўлган муқаддас туйғу — муҳаббат туйфуси шу эканми?..»

* * *

Жароҳатланиш туфайли мия фаолиятида ўзгариш рўй берган, оқибатда ўз шахсини аниқлай олмаётган шикастланувчининг фотосурати кўпайтирилиб, барча шаҳарлар ва туманлар паспорт бўлимларига юборилди. Одатда паспорт бўлимларида сақланиб қолган паспорт нусхалари, фотосуратлар орқали бундай одамларнинг шахси аниқланарди. Таассуфлар бўлсинки, бир ойлик муддат ичида бирорта ҳам шаҳар ёки тумандан жабрланувчининг шахсига оид маълумот топилмади. Газеталарда эълон қилинган фотосуратлардан ҳам бир иш чиқмади. Аввало, бу одамнинг юзи жароҳатлар боис таниб бўлмас даражада ўзгарган, иккинчидан, бу одам Кирғизистон ёки Тожикистон фуқароси бўлиши ҳам мумкин эди.

Қўшни мамлакатларнинг чегара туманларига ҳам бу ҳақда тегишли ахборотлар юборилди. Бироқ, осмондан тушдими, ердан чиқдими, бу одам ҳақида бирон-бир арзигулик маълумот пайдо бўлмасди...

— Агар отимни эслай олганимда эди, — деб қолди бемор ташқаридаги ўриндиқда Адҳам Солиев билан суҳбатлашиб ўтиаркан, — кейин бошқасини секинаста хотирлармидим...

— Тушларингизда ҳам йилт этган, диққатга сазовор нарса чиқмаяптими?

— Кечакунда туш кўрдим... — Эслай бошлади нотаниш одам, — кенг ҳовли... Аллақандай аёл... Ўрта бўй, ёши қирқлардан ўтган... Мен томонга қўл силтайди... Бошида оқ рўмол... Ҳайрон бўлдим... Кучада ариқ... Тўлиб-тошиб оқаяпти... Ариқда... кема... Қофоз кемача майдада тўлқинлар узра чўкиб-кутарилиб, чўкиб-кутарилиб сузяпти. Бирдан ўша аёл менга яқинлашди, ҳатто қайноқ нафаси юзимга урилди. «Соҳил яқин, соҳил яқин», дея шивирлади у қулоғимга. Сўнг ҳовли, аёл —

ҳаммаси кафтдек нарсага айланди-да, қофоз кемага юк-ланди... Кема оқишида давом этди... Шу...

- Ҳеч бир нарсани эслатмадими бу аёл, ҳовли...
- Афсуски, йўқ...

* * *

Тушдан кейин Бекмирза машинага Солиҳани ўтқазиб, Қамчиқ довони томонга ўрлади.

- Бир оз кеч қайтамиз, майлимис?

— Ихтиёрингиз, мен уйга айтиб қўяй, бўлмаса, — дея Солиҳа уяли телефончасини сумкасидан чиқариб, рақам терди, — ая, уйдамисиз? Ҳа... Ҳозир бир жойга текширишга борадиган бўлиб қолдик. Кечроқ қайтаман. Ҳавотир олманглар. Камолиддин қаерда? Мактабдан келдими? Келса, бугун кечгача ҳеч ёққа чиқарманг. Ҳа, ҳа... Ӯшанда кўнглим тўқ бўлади. Ҳўп, куришгунча...

Довон остонасида ўнгга бурилиб, Чодак водийси тарафга юришиди. Тоғ этагидаги паст-баланд йўллар, у ер-бу ердан шарқираб оқиб ётган сойлар, қатор-қатор дам олиш масканлари...

— Чодакни кичик бир қишлоқ деб юрадим, — деди Солиҳа, — жуда кенг масканлар, шинам жойлар экан-ку?!

— Ҳа, биз у ёқда сал зерикиб қолсак, Шоҳимардон, Сўх, Арслонбоб, Ӯшга югуравериб, бу томонларга кам келамиз, — жавоб берди Бекмирза. — Аслида Чодак жуда баҳаво, ёқимли маскан...

Юксак чўққилар этагидаги қишлоқнинг энг четида жойлашган уйга кириб келишиди. Машина сигнал бериши билан темир дарвоза ланг очилди ва машина кенг, баҳаво, атрофини бўйдор тераклар қуршаган ҳовли қўйнига жо бўлди. Бекмирза аввал айтиб қўйгани боис уйдагилар ўтиришга яхши тайёргарлик куриб қўйишган экан. Тошдан-тошга урилиб, шарқираб оқаётган сой соҳилидаги меҳмонхона европача усулда жиҳозланган, безатилган эди. Атроф муздай салқин, сайдан эсаётган роҳатбахш шабода очиқ дераза пардаларини ўйноқлаяпти...

Солиҳа фарбона тарбия кўрмаганми, столнинг бе-затилишига қараб тан берди: чинакам европача тарзда тузалган!

- Бу ерда... — дея саволомуз Бекмирзага қаради у.

— Уй эгасининг хотини украин. Йигит Киевда ҳарбий хизматда бўлиб, ўша ердан уйланиб қайтган. Келин ихтисоси буйича кулинар. Шу боис одатда европалик меҳмонларни шу ерга олиб келишади...

Ўтган галгидай Бекмирза ароқ, Солиҳа асл Краснодар виносидан ичишди. Солиҳанинг юзларига қизил югуриб, кўзлари чақнади.

— Ота-онам ўқитувчи эдилар, — деди у, — Биз тўрт нафар боланинг барчасини рус мактабида ўқитишди. Ўша пайтларда шунаقا русум бор эди зиёли оиласларда. Акам рус аёлига уйланган. Икки фарзанди бор. Истиқлолдан сўнг хотинига эргашиб Россияга кучиб кетди. Сингилларим ўз турмуши, бола-чақаси, рўзгори билан банд. Бу орада отам вафот этдилар. Турмуш уртотим оғир касалга чалинди. Олти йил бормаган шифохонамиз, кўрсатмаган докторимиз қолмади. Имкони борича ҳаётини чўзишга уриндик. Лекин дард бешафқат экан. Ўғлим ўн ёшга тўлган куни у киши оламдан ўтдилар. Аслида у киши билан беш-тўрт йил кўнгилдагидай яшаганмиз, холос. Тўйимиздан сўнг икки йил ўтгач, Камолиддин туғилди. Камолиддин иккига тўлганда шу касалга гирифтор бўлдилар. Отам вафот этгач, болам билан уйимизга қайтдим. Акамнинг ватанга қайтиши даргумон, чунки ёшлари эллик бешда. Ўғлини уйлаб, қизини чиқаришган. Ҳаммаси бир жойда, Москва атрофларида яшашади. Сингилларим ҳаммаси уйлижойлик. Аям, «уйимиз чироғини шу Камолиддин ёқиб ўтиради», деган ниятда уйни унинг номига расмийлаштириб қўйдилар.

— Ахир...

— Тушундим, — дея ҳазин жилмайди Солиҳа, — турмуш қуриш ҳақида гапирмоқчисиз. Йўқ, ёшим энди ўтди...

— Ундей деманг, сиз... Сиз ҳозир ҳам ўн саккиз яшар қиздай гўзалсиз! Не-не эркаклар орзу қилишади сизни...

— Кўнгил кексайган, Бекмирза ака, кўнгил. Рости, мен ҳеч қачон бегона эркак билан бунақа... Ўтиришларга чиқмаганман. Гарчи русча тарбияланган, ҳаёт тарзим европача бўлса-да, бу замонавий либос ичидаги тана, кўнгил ўша ўн тўққизинчи аср ўзбек аёлига тегишли...

Бу орада қуёш уй тепасидаги қоя ортига юмалаб

кетди. Атрофини шом қоронгиси босди. Уй эгаси, украйн аёл қовурилган кийик гүшти олиб кирди. Солиҳанинг зўрлаши билан у ҳам стол четига ўтириб, биринки пиёла вино ичди. Солиҳанинг русча латифалари, ҳангомаларига у ҳам қушилиб, даврани қизитди. Бекмирзани ҳеч қачон бу ерда аёл киши билан кўрмаган эди... Солиҳани унинг хотини деса, олис Фарғонадан ёлғиз хотини билан бу ерга дам олгани келадиган ўзбек жуда-жуда кам. Солиҳа эса «анақа» жувонларга ўхшамайди.

— Кечирасиз, Бек ака, — деди у, — опани биз билан таништирмадингиз.

— Солиҳаён... Бирга ишлаймиз...

Шу аснода кутилмагандан кўча тарафдан машина сигнали эшитилди. Кимдир дарвозани шитоб билан тақиллата бошлади.

* * *

— Ая, дадамнинг уйдан чиқиб кетганларига ҳам бир ойдан ошди... Сизга... Мабодо, бирор хат-хабар бўлмадими?

— Ие, ўғлим, буни нега мендан сўраяпсан?! Бор, анови... Фардан суриштири!

— Ҳм... У ҳам бехабар экан...

— Ҳа, демак, борибсан-да аячангнинг ҳузурига? Яхши... Яхши ўғлим... Қучоқлашиб, ўпишиб кўришгандирсизлар... Даданг исқоти ҳам чиққандир танга топган тентакдай тиржайиб...

— Жон ая, қизишманг, у ҳам билмас экан дедимку, ахир...

— Бормаган эканми ўйнашиникига?

— Йўқ.

— Бўлиши мумкин эмас. Ахир, унда... Қаерда?.. Қаёққа боради?

— Тунов куни Муртазо амаким ҳам суриштирганди. Улар ҳам... Анавиникига боришибди... Лекин, дадам у ерга қадам босмаган! У хотин ҳам жуда ташвишда...

— Ордона қолсин ташвиши билан! Лекин, у ерда эмас экан... Қаерда, қаерда ахир, бир ойдан бўён?!

— Ҳаммамиз ана шундан хавотирдамиз-да, ая... Милицияга хабар берайлик десак... Нозик масала... Оиласиз обрўйига путур етади. Ҳар хил бўлмағур гаплар тарқалади эл орасида... Сиздан берухсат бўлса-да, қўшни вилоятларга одам юбордик, изляяпти. Лекин...

— Хүш, нега чайналасан?

— Ўзимизда, Андижон, Намангандаги моргларда бўлдим... У ерларда ҳам йўқ... Отининг ҳам дараги чиқмади... Охири, амакилар билан маслаҳатлашиб яна бирор ой кутишга қарор қилдик. Балки, Россиядадир... Қозоғистонда булиши мумкин... Барча жойлардаги таниш-билишларга, ўз одамларимизга хабар етказдик... Ишқилиб, омон бўлса кифоя бизга!

— Айтганинг келсин. Ахир, одам, боласи сомон ичига тушиб қолган игна эмас...

* * *

Эрта тонгда Чодакдан Фарғонага қайтишди. Тунда беканинг аллақаёқдан келган сархуш эри ҳам уларнинг дастурхонига қўшилганди. «Очиқ дарвозани муннча тақиллатасиз» дея бека эрини ичкарига киритиши билан, эр қутурган арслондай аёлига ташланди. «Ким билан ўтирибсан?! Нима қилаётгандинг?», «Меҳмонлар олдида эдим!», «Қанақа меҳмон?» Бекмирза қараса, вадаванг эр гапни чувалаб, вазиятни чалкаштиради. «Хе, Омонбой, биз эдик меҳмон» дея у ташқарига чиқди. «Ие, Бекмирза ака, бормисиз?» Эри кириб меҳмонлар олдига ўтиргач, хотин яна овқатга уннади... Тун ярмидан оғганда Омонбой ниҳоят ўтирган жойида ухлаб қолди. Бека жаврай-жаврай уни ётоғига судрагандай олиб кириб кетди. Бир оз ўтгач қайтиб чиқиб Бекмирзани бир четга имлади-да «Жойни... қандай солай?» дея суради. «Курпа-тушак берсангиз бўлди... Ўзимиз...» Ичкилик таъсирида юзлари хўрозвининг тожисидай қизарган Бекмирзанинг тирноғигача лоларанг бўлди... Солиҳа иккаласига алоҳида-алоҳида ўрин тушади. У чироқни учирив ечинишга тутинди, аммо юлдузлар фиж-фиж осмон нури деразадан ичкарига оқар ва лорсиллаган тана, бўлиқ кўкракларни фира-шира ёритарди. Бир оздан сўнг Бекмирза Солиҳанинг ёнига ўтди... Солиҳа йиғлади... У ҳаётида илк марта бегона эркак билан бир тушакда ётмоқда эди. «Билмадим, — деди у ҳиқиллаб, кўз ёшларини Бекмирзанинг кенг кўкрагига суркаркан. — Нимангизга учдим... Лекин... Рости, бир куришда ёқтириб қолиш... Ҳеч сабабсиз... Нега шундай бўлди? Кўзларингизга қарадиму... Чукиб кетдим шу кўзларга... Мұхаббат деганлари, ўша ҳеч сабабсиз, кутилмаганда бирдан алнга оладиган илоҳий туйғу шу

эканми? Билмадим, аммо, мен сизсиз яшай олмайман. Ўша кундан кейин, рости, сизни суриштиридим, ахтардим. Оилангиз, болаларингиз, ҳатто, невараларингиз борлигини билдим. Шундай мустаҳкам, оиласа ёриб кириш даҳшатини ҳам... тушундим! Аммо, юрак қўймади... Ҳолбуки, мен ёш қизча эмасман... Наҳот, наҳот, умр ўтиб, ёш қирққа етганда илк марта шу ёндиргувчи туйғу қаърига қуласам... Ё худо, ўзинг кечир...»

Тонг саҳарда оҳиста келиб деразадан меҳмонлар ётган хонага мўралаган бека эркак билан аёлнинг алоҳида-алоҳида ётишганини куриб тонг қотди. «Шундай экан, нега бир хонада ётишди булар?»

Ўша кунлари Бекмирза янги уйланган куёвдай кувончи ичига сифмай, порлаб юрарди. Деярли ҳар куни кечкурун Солиҳа билан учрашишар, висол учун Бекмирза шаҳар четидан битта уй сотиб олган, уни бекаму куст жиҳозлаб қўйган эди. Орадан икки ойлар чамаси ўтиб, Бекмирза ўзининг савдо ишлари билан Россияга жўнаб кетди. Яхшиямки, худо раҳмати Эдисон телефон деган нарсани Бекмирза ва Солиҳанинг фамини еб ихтиро қилган экан...

Ҳар куни бир эмас, икки эмас, беш-үн карра ўзаро мулоқотлар... Бунинг устига энг кутилмаган дақиқаларда... Масалан, Солиҳа хўжайин олдига кирган ёки йиғилишда бўлган маҳалларда телефонни учриб қуяди. Лекин учришдан аввал Бекмирзага қўнғироқ қилиб, ҳозир телефонни учриши, чунки хўжайин олдига киришини айтади. Кейин хўжайин олдида юрагини ҳовчлаб ўтиради. «Тезроқ тугасайди бу мажлиси қургур...» Хўжайин олдидан чиқиши ёки мажлис тугаши билан телефонга ёпишади... «Мана, ҳозир тугади йиғилиш...» «Ҳм, мунча чўзмаса йиғилишни раҳбарингиз. Бир соат ҳам бўладими мажлис! Бир соат-а!» «Ҳой мусулмон, ахир, соатлаб давом этадиган мажлислар борлигидан наҳот бехабар бўлсангиз!» Гоҳо, телефонда гаплашаётган пайтларида Солиҳанинг ёнида бирор кимсанинг овози эшитилиб қолса кўринг! «Ким бу рўпарангизда... Пишқираётган!» «Ҳой! Хизматдошим, ахир!» Ёки аксинча Солиҳа бирдан қизишади: «Ёнингизда ҳиринглаётган хоним ким бўлади сизга?» «Ҳой, инсон, телевизор ахир бу! Мана овозини кўтараман, эшитинг!»

Хуллас, Бекмирза бир ой юрадиган жойида ўн беш кун тезкор ҳаракат қилади-да, ишини битириб-битир-

май ортга югуради... Атайлаб, шаҳарга кечга яқин кириб келади-да, висолгоҳдан Солиҳага қўнгироқ қилади...

Бекмирза, юқорида айтиб ўтилганидек, «ишқий саргузаштлар» бобида қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар орасида шубҳадан холи одам эди. Бу йигитнинг бегона аёлларга хушомад қилиш у ёқда турсин, тишининг оқини бекорга кўрсатганини бирор билмайди. Шундай инсоннинг кутилмагандан узгариб қолиши, кўзларидаги аллақандай доимий мунг ўрнини баҳтиёронга чақнаш эгаллагани, қадди-қомати тортилиб, ҳаракатлари чаққонлашганини дўстлар албатта сезишиди.

— Кейинги пайтларда тўйган тойчоқдай гижинглаб қолдими, Бекмирза? — деган гап-сўзлар ҳам оралаб қолди улар орасида.

— Ҳа, энди. Омад келса шундай бўлади-да, дустим... Кейинги ҳафтанинг ўзида икки вагон юқ чиқарди Россияга... Шаҳарнинг катта бир туманида элликка яқин савдо дўконини товуқ гўшти, қуйилтирилган сут, хилма-хил ширинликлар билан шу одам таъминлаяпти...

Бироқ, яқин одамининг юриш-туришидаги ўзгаришни энг аввало албатта хотини пайқаган эди... Кўпинча ярим тунда, сал ширакайф, ҳорғин, лекин масрур қиёфада уйга қайтган эрдан анқиган фаранг атири ҳидлари қандай «узаро савдо учрашуви» натижаси эмаслигини Моҳигул пайқар, лекин ўз одатига кўра арқонни узун ташлаган эди. Нафси ламбирини айтганда, Моҳигул ақлли, бирон-бир масалада дарров бир хуласа ясайвермайдиган, салга ловулламайдиган аёллардан эди. У аввало Бекмирзанинг теварак-атрофидан излади эридаги ўзгаришлар сабабкорини. Фирма дўконларидағи сотувчи аёллар, ҳатто фаррошларнинг ҳам юриштуришини синчиклаб ўрганди. Сўнг таниш-билиш аёллар давраси билан қизиқди. Лекин бу доираларда Бекмирза билан бирорта ҳам аёл ўртасида оддий муносабатлардан ўзга ҳеч нарса йўқ эди. Бекмирзадаги ўзгаришларни ҳамкасб, ҳамсуҳбат аёллар ҳам сезишган ва бу ҳолнинг сабабини излаб, Моҳигулдан гап олишга ҳаракат қиласиганлар ҳам йўқ эмас эди.

— Бекмирза акамни хўб парваришлайсиз-да, Моҳигулхон, қаранг, қандай ёш, кўркам бу киши. Ҳолбуки, элликдан ошганларига анча бўлди-ёв. Албатта, сиздай умр йўлдоши ёnlарида экан, қариждими эр...

— Ҳм, озгина нотобликлари бор эди... Россиядаги кучли дүхтирларга күрсатиб, шифо топдилар-да, айланай...

— Ҳа... Саломат бўлсинлар, уйда хўжайин соғ бўлса, ишимизнинг юришгани шу...

Баъзан Моҳигулнинг уйқуси қочар, ҳали — яrim тунда аллақаёқдан сархуш ва шодон қиёфада қайтиб, бирпасда қотиб ухлаб қолган эрининг юзларига, томоқлари, очиқ елкаларига узоқ термилиб қоларди. «Нима бўлди, бу одамга? Наҳот ёши бир жойга етган бир даврда кимгadir илакишган бўлса?! Ҳа, эркак зоти ўзи шунаقا дейишарди. Мен ахир... Ахир, ҳаётимни баҳш этдим шу инсонга! Ота-онам, қариндошларимдан воз кечсам кечдимки, ундан узоқлашмадим. Саккиз нафар етимни боқиб, ўстириб, уйли-жойли қилишда елқадош бўлдим. Не-не машақатлар, қийинчиликларга чидадим. Шу оила, шу одам учун яшадим-ку, ахир, худойим!»

Моҳигулнинг кўзларидан шашқатор ёш қуйилар, ёстиқ жиққа ҳўл бўларди... Аммо, тонгда ҳамишагидек ўрнидан туар, келини келтирган чойни одатдагидек ичиб, эрни одатдагидек ишга кузатиб қоларди... Ёши элликдан ошган аёлнинг эрини рашк қилиб фавро кутаргани ҳангомаси эшитар қулоққа яхши эмас... Қани, сабр қилсин-чи, бу ишларнинг ҳам таги кўриниб қолар. Бироқ дўконда ҳам, меҳмонда ҳам, уйда ҳам Моҳигулнинг энди ягона ташвиши бир нарса — Бекмирзанинг айни маҳалда қаердалигини ўйлаш, билиш бўлиб қолган эди! Қачон, қай маҳал — хоҳ яrim тун, хоҳ туш пайти бўлсин, Бекмирзага кўнфироқ қилса, қўл телефонга фақат эрининг ўзи жавоб берар, ҳозир қаерда, қандай иш билан машғуллигини батафсил тушунтиради. Бир куни Моҳигул унинг, «Соҳибнинг уйидаман» деган жавобидан сўнг «Э, яхши, Адолатхон (Соҳибнинг хотини) уйдамилар, бир... Сўрашиб қўйай, озгина гапим ҳам бор эди», деб қолди. «Ҳм... Соҳиб, хотининг шу ердами? Бизнинг хўжайин сўраяпти... Моҳи! Мана, ҳозир...» Бекмирзанинг баҳтига у айни шу вақтда чиндан ҳам Соҳибнинг уйида эди. Шундан кейин Бекмирза Моҳига телефонда асло, «фалончининг олдида ёки уйидаман», деган гапни гапирмай кўйди...

Солиҳа билан муносабатлари ҳақида Бекмирза энг қадрдан ўртоқларига ҳам тиш ёрмаган, Солиҳа эса тилига ўта мустаҳкам эди. Эр баъзан ўзига Моҳигулнинг аллақандай бегона, лекин синчков назар билан яширинча термилиб қолганини сезар ва... унга юраги ачишарди! Ҳа, дилида хотинига нисбатан ҳеч қандай гараз ёки ёмонликни сезмас, аммо юракдаги илгариги меҳр ҳам қайгадир гумдон бўлган, унинг ўрнини не ажабки, хотинга ачиниш туйғуси эгаллаган эди! Лекин, кимгадир юрагинг ачишса, бу ҳам уша одамга нисбатан мавжуд меҳрнинг бир куриниши дейдилар. Зеро, ёмон курган ёки тақдирига мутлақо бепарво бўлганинг одамга қараб юрагинг эзилмайди-ку! Ажабтовор эса-да, лекин, Солиҳага нисбатан меҳр-муҳабатга тўла қалбнинг бир четида Моҳигул ҳам яшар эди!

* * *

Солиҳа кечки пайт идорадан чиқди. Ташқарида қиши изифирини юзларни ялайди. Йўл четлари тизза бўйи, юзаси ахлатлардан қорайган қор билан қопланган. У бекат томон шоша-пиша бораркан, кимнингдир овози эшитилди.

— Солиҳаҳон!

У ортга ўгирилди. Ёши элликлардан ошган, тўладан келган, қимматбаҳо швед пўстинига үралган бир аёл идораси томонидан Солиҳага қараб келарди. Солиҳа индамай аёлни кутиб турди. Аёл унга яқинлашди-да, тўхтаб бир муддат Солиҳага бошдан-оёқ назар солди.

— Сиз экансиз-да, Солиҳаҳон!

— Ҳа, менман, кечирасиз, менда ишингиз бормиди?

— Ҳм... Мен Бекмирза акангизнинг хотини бўламан!

Бегазаб, гина-кудуратсиз оддийгина, мулойим оҳангда айтилган сўзлар... Солиҳа оёқларидан мадор кетиб, кузи тинганини ҳис қилди. Нақ бўлмаса йўлак четидаги қор босган скамейкага ўтириб қолаёзди... Лекин зум ўтмай ўзини ўнглади. «Ҳа, бу учрашув албатта рўй бериши керак эди! Мана ў! Мана уша аёл! Ўзингни йўқотма, Солиҳа! Ахир бу орада икки-уч кишининг шаъни, ор-номуси турибди! Ўзингни бос!»

— Ҳа, келинг, опа... — деди у оҳиста ва аллақандай синиқ жилмайиб.

Моҳигул яна унга бошдан-оёқ разм солишда давом этди. «Чиройли аёл экан! Үлмагурнинг ловуллашини! Ҳа, ҳар қандай босиқ эркакни ҳам йўлдан уришга ярайди! Наҳот, Бекмирза ака ёши бир жойга етганда шу йўлга кирган!»

Моҳигул Бекмирза билан Солиҳанинг муносабатлари қай даражага етганини ҳали яхши билмас, фақат бир дугонасининг «Бекмирза ака божхонадаги Солиҳа деган жувоннинг олдига кўп борармиш...» деган фийбатнамо гапи туфайли Солиҳани излаб топган эди. Бундоқ олганда, Бекмирза билан Солиҳанинг муомалалари даражасини аслида ҳеч ким билмас, иккаласи ҳам тилига пишиқ, ўта эҳтиёткор эдилар. Лекин, баъзан йилт этган учкун қоронғи хонани ёритиб юборганидек, у ер-бу ерда иккаловини тасодифан кўриб қолган одамлар ўзларича нималарнидир тасаввур қилишар, натижада исботсиз, фийбат мақомидаги гап-сўзлар ҳамчувалашиб ултурган эди. Моҳигулнинг дугонаси аслида шу асоссиз фийбатлардан гула кўтарган эди, холос.

Моҳигул Солиҳага яқинлашиб, елкасидан олиб куришди.

— Вой, Солиҳахон... Бекмирза акангиз жуда кўп гапирадилар сизни... Шу ердан ўтиб кетаётгандим... Кўрибоқ танидим... Бекмирза акангиз таърифлаганидан ҳам ортиқ экансиз!

Солиҳа бир зумда ҳаммасига тушунди ва енгил тортиди. Йўқ, Бекмирза Солиҳа ҳақида хотинига оғиз ҳам очмаган! Солиҳанинг бунга имони комил. Лекин, ораларидағи муносабат ҳақидағи шивир-шивирлар эпкини аёлнинг ҳам қулоғига етган. Ва бу хотин энди ўзича «разведка» қилмоқчи...

— Кечирасиз, опа... Қайси Бекмирза ака?..

Моҳигул ҳайрон бўлиб, унинг афтига қаради.

— Бекмирза Икромов! Тижоратчи. Баланд бўйли, келишган одам. Идораларингга бориб туради-ку...

— Э, бўлди! Жавдот Абдуллаевичнинг ўртоқлари! Ҳа, ҳа, идорамизга келиб туришади. Жавдот Абдуллаевичнинг котибаси тоби айнаб, ишга чиқмай юрган кезлари бир ойча у кишининг қабулхонасида ишлаб турдим. Ушанда икки-уч марта келган эдилар... Сиз турмуш ўртоқлари бўласизми?

— Ҳа, айланай... — Моҳигул Солиҳанинг құлтиғидан олиб ёнма-ён юриб кетди. Йүл-йұлакай Бекмирза билан бирга үқиганлари, турмушлари, болалари, не-варапары ҳақида роса эзмаланиб гапирди. Солиҳани автобусга чиқарип юборгач, үша ердаги үриндиқта үтириб, қишиз изғирининг қарамай анча хаёлга толди. «Йүқ, бу аёл эмас у билан юрган! Күзга яқын жувон экан, божхонанинг үзида — үша Жавдот Абдуллаевичга үхшаганлардан ортмас! Бекмирза аҳмоқмиди, үзи құлига қараб турған улуғларнинг... анақасига илашиб! Бир зумда тагини супуриб қўйишларига ақли етади, ахир...»

* * *

— Солиҳа! Жон қизим. Бирпас мен билан үтири... — деди Машхура ая аллақандай тараддуланиб. Ишдан қайтаётиб, Бекмирза билан құл телефонда бугун құшни Қирғизистонга, Арслонбоб томонларға боришни келишиб олган Солиҳа аясини авзойидан бирор... жицдий гап борлигини тушунди-ю, итоаткорона бош эгиб, стулга чўқди.

— Биламан, ёшсан... Бир нарса деб бўлмайди... Аммо?

— Гапираверинг, ая...

— Ўзингдан қолар гап йўқ... Мен кексайдим... Аканг у ёқда... Қанча тагли-тугли жойлардан совчилар келди. Унамадинг. Энди...

Кампир дастурхон попутини бармоқлари орасида қайира-қайира, бир-икки ютинди. Солиҳадан садо чиқмади.

— Суриштириб билдим үшани! — Машхура ая бирдан тутоқди. — Ёши элликдан ошган, неварали одам экан! Сенга икки дунёда ҳам уйланмайди у! Қайси ақлинг билан шу... Шу алфозга кирдинг, қизим! Ахир, керак бўлса ундан ёш, бақувват, оиласиз, бадавлат йигитлар тўлиб ётиби-ку! Нимасига учдинг буни?

— Ая!

— Нима ая?! Нима?! Эртага ташлаб кетади сени! Номингни булғаганинг қолади, холос, қизим!

— Аяжон... — Солиҳа онасини құлларини ушлаб үзига тортиди, сўнг томирлари кўм-кўк бўртиб, у ер-бу ерига доғлар тушган бармоқларига қайноқ лабларини босди... Бир зумда онанинг құллари кўз ўшларидан шаллабо бўлди... — Жоним аям! Менга ҳеч нарсаси керак эмас унинг! Үзи керак, холос! Майли, ташлаб кетсин.

Бирок, мен уни ташлаб кетолмайман. Биласиз, мактабда, университетда, то турмушга чиққунимга қадар бирор йигит билан... Ҳалигидай... Юрмадим! Ҳолбуки биз каби қызларни юриш-туришларини үзингиз яхши биласиз! Бутунлай европача тарбия күрганимга қарамай, үзимга совчи келишини күтдим. Ұша... Акам рус қызига уйланғандан сұнг дадам иккалантис «Энди қызларимиз нима бұлади?» дея қаттық ташвишда қолғанингизни жуда яхши тушунардим. Сизларни хижолатта қўймаслик учун қызлик иффати, ор-номусимни бир Шарқ қизидай мустаҳкам асралдим. Сизлар топган одамга турмушга чиқдим. Минг афсус, умри қисқа экан... Шу ўғилни бизга ҳадя қилиб, бу оламдан ўтиб кетди. Бирон-бир гап эшилдингизми шундан сұнг мен ҳақимда? Йўқ! Чунки, ҳеч нарса кўнглимни ёритмаган эди. Ва насиб экан, чинакам муҳаббат ҳисси ёшим улғайгандага қалбимни тўлдирди... Мен баҳтлиман, онажон! Менга ундан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Мен унинг на кечаси, на эртаси билан қизиқаман. У ҳозир меники! Аёл киши учун ишонч билан шундай дея олишдан ўзга баҳт йўқ, аяжон! Ҳа, ёшим қирқقا боряпти. Аммо, кўнглим ўн олти яшар қиз кўнглидай, ахир, онажон!

* * *

Бу одамнинг қариндош-уруғлари, таниш-билишлари ё водий ҳудудларида умуман йўқ эди, ёки номаълум сабабларга кўра ҳеч ким уни танишни истамасди. Нотаниш одам деярли бутунлай соғайиб кетди. Судмедицина экспертизаси унинг жисмонан бир оз ногирон, лекин муомала лаёқатига яроқли эканлигини эътироф этди... Текшириш хулосаларига кўра, у 50—55 ёшлар чамасида, меҳнатга яроқсиз бўлса-да, ички аъзолари соғлом одам эди.

— Менинг исмим Улуғбек бўлса керак, — деди у бир куни, — кеча туш кўрдим. Ёш бола эмишман. Кимдир, балки онам бўлса керак, «Улуғбек» деб чақирди. Негадир онамдан қўрқдим, катта олма дараҳтига беркиндим. Онам чопиб келди-да, тарсакилаб, етаклаб кетди. Мен йиғлаб, ортидан судралгандай борар эдим...

Мутахассис психолог, ҳатто, үзларича «ҳамма нарсани биламан», деб юрган қўлбола руҳшунос, фол-

бинлар ҳам у билан суҳбатлашиб бирор тайинли фикр айта олмадилар.

— Миясида аллақандай ғалаён... Ҳеч нарсани англаб бўлмайди, — дейишди улар.

Туман, ҳатто вилоят ички ишлар идораларида бундай ҳодисага илк марта дуч келишлари эди. Касалхонада ётиб туришнинг ортиқ иложи қолмагач, уни вилоят марказидаги қариялар уйига олиб бориши. Исм-фамилиясини Улуғбек Аҳмедов деб қўйиб, вақтингчалик паспорт бериши. Лекин янги Улуғбек Аҳмедов қариялар уйида бир ҳафта ҳам ётмади.

— Кечирасизлар, — деди у милициядагиларга учрашиб, — у ер менга тўғри келмайди. Аллақандай пиёниста чоллар борми-ей. Туни билан қий-чув, мастрлар машнати...

Улуғбек Аҳмедовга пойабзал фабрикаси ётоқхонасидан жой топиб бериши. Давлат томонидан бериладиган тўловлардан ташқари отининг сотувидан ҳам қўлига мўмайгина пул тушган, агар босиқлик билан, эҳтиёт бўлиб сарфласа, анчага етадиган маблағи бор эди. У уч-тўрт ой ўша ерда яшади. Кейин ғала-ғовурлар пасайиб, ўзи билан бирорларнинг унча ҳам иши бўлмаётганлигини фаҳмлагач, Улуғбек Аҳмедов номига шаҳар четидаги кўп қаватли уйлардан бирида икки хонали квартира сотиб олиб, ўша ёқقا кўчди. Шу номга давлат нафақаси расмийлаштирилди ва у тўлақонли фуқаро сифатида яшай бошлади. Участка милиционерининг ахборотига қараганда, Улугбек Аҳмедов уйидан кам чиқар, деярли ҳеч ким билан гаплашмас, уззукун аллақаёқдаги эски бозорда топиб келган телевизорига тикилиб ўтиргани-ўтирган эди...

* * *

— Кеча хотинингиз билан учрашдик, — деди кечки пайт дийдор уйига борган Солиҳа, — аввалига жуда қўрқиб кетдим. Кейин гапларига диққат билан қулоқ солсам, унинг ҳеч нарсадан хабари йўқлиги, фақат аллақандай тахмин, тайинсиз гаплар туфайлигина мени ахтариб топганини англадим...

Бекмирза бирдан бўшашиб қолди. Демак, ҳар қанча сир сақлашмасин, ўзаро муносабатларни ҳар қанча пардалашмасин, барибир борини беркитиб бўлмас экан-

да! Демак, кимлардир уларни қаерлардадир бирга күришган ва... Ва тегишли хulosалар чиқаришган!

— Шундайми? — деди у Солиҳанинг кўзларига тикилиб, — хўш, нима деди у энди?

— Айтдим-ку, ҳеч нарсадан хабарсиз, фақат... Кимлардир тахмин қилиб, шу тахминдан уни ҳам хабардор қилишган, холос.

Бекмирзанинг мияси яшин тезлигида ишлади. Моҳигул эшитган нарсадан дарров хulosса чиқариб, бўлса-бўлмаса ҳайқираверадиганлар тоифасидан эмас... Агар у Солиҳани излаб топган бўлса, бирор бир асосли хабар олганки, шу ишга қўл урган. Акс ҳолда, ўзи танимаган аёлни излаб топмас эди. Демак, қулида ё асосли далиллар бўлган, ё анчадан буён эрини кузатиб юриб бир хulosага келган. Кейинги тўққиз-ўн ой давомида Бекмирза шу пайтгача қилмаган одат чиқарган: уйга кўпинча кеч келади. Хотин буни албатта эътиборга олган, лекин ўз одатига кўра подадан олдин чанг чиқаришни эп кўрмаган. Балки, аста яқин-атроф, таниш-билишлардан эрининг юриш-туришидаги ўзгаришлар сабабини суриштирган. Албатта, Моҳигул «кеча эримни ким билан кўрдингиз?» дея учраган одамнинг ёқасидан оладиган тентаклардан эмас. Устамонлик билан сұхбатдошга сездирмай, керакли ахборот олиш одати унга отасидан утган. Ҳарҳолда қайнота раҳматлик сездирмай сир олишга устаси фаранг эди. Ҳа, Солиҳага учрагунча Моҳигулнинг қулида етарли далиллар бўлган. Аммо шунда ҳам ўта босиқлик билан муомала қилган... Энди нима қилиш керак?! Қандай йўл тутсин Бекмирза? Аслида у ҳамма тарафлама ноҳақ, оиласига, кўз очиб кўрган хотинига хиёнат қилган номуссиз банда... Шунда Бекмирза илк марта қилиб қўйган ишини нақадар жиддий, деярли ҳал этиб бўлмас муаммолигини ҳис этди...

Ахир, Солиҳадан айрилиш...Айрилиш, бу... бу фақат зим-зиё, йилт этган нурсиз бўшлиқ, ўлим...

Моҳигулдан ажralиш-чи?... Қалбда деярли оғриқ йўқ... фақат болалар ва неваралар олдида кучли хижолат ҳисси. Одамлар оғзидаги гап-сўзлардан чўчиш... Йўқ, чўчиш деб бўлмайди, озгина тортиниш, холос...

Ё раббий! Наҳот, қисқа вақт ичида Солиҳа бутун вужуди, ақли ва қалбини бутунлай эгаллаб, бўйсунди-



риб олди?! Лекин, унинг ўзи-чи? Ўзи Бекмирза учун бирор нарсадан кеча оладими?

Бекмирза Солиҳанинг соchlарини узоқ силади. «Жоним», деди, «Жаҳоним», деди, «Дунёдаги боримсан» деди, «Сенсиз дунё йўқ менга», деди... Шу тун икковлон квартирада қолиб кетишиди. Бекмирза тонгда қўзини очганида стол устига дастурхон тузалган, қайноқ чой мунтазир эди. Ювениб, кийиниб олган Солиҳа ёнида утирас, майин, ипакдек қуллари Бекмирзанинг соchlари аро бетиним шўнғирди. Бекмирза Солиҳани белидан тортиб, яна лабларига лабини босди.

— Йўқ, сендан ўзга ҳеч ким йўқ, Солиҳа...

— Бекмирза ака. Бу ишлар... на урф-одат, на динимизга тўғри келди. Аммо, ишонинг, мен учун сиз бор — дунё бор, сиз йўқсиз — ўша кун мен ҳам ўлган бўлман.

Шу куни кечки пайт уйга кириб келганида Моҳигул ҳеч нарса бўлмагандай, гўё Бекмирза одатдагидай, ишдан қайтаётгандай кутиб олди. Ҳатто «Кеча қаерда қолдингиз?», деб ҳам сўрамади. Бекмирза уйдагилар билан ҳар галгидай омонлашди, невараларини эркалади. Тоҳирнинг «Кеча кўринмадингиз, дада, биламан ишингиз кўп, аммо... Манави қўл телефонни шунаقا-га чиқарган-ку», дея ўпкалашига бир нарсалар дея мин-филлаб қўяқолди.

Кечки овқатдан сўнг ҳаммалари жойларига тарқаб кетишиди. Уйдаги Моҳигул ўрнатган тартибга мувофиқ неваралар ҳаммалари оналари билан бирга ўзларини-кига кириб кетишиди. Кенг ойнаванд хонада эр-хотин ёлғиз қолишиди. Моҳигул ҳам бир оз ўтириди-да, «қайнокроқ чой қиласми?» деган таклифга рад жавоби олгач, ётоғига йўналди.

Бекмирза телевизорнинг қулоғини у ёққа буради, бу ёққа буради. Ҳеч қаерда қўним топмади. Аслида у бирон-бир яхши курсатув ахтаргани ҳам йўқ, миясини чирмаб олган ўй-хаёллар гирдобида талпинаётган одамнинг табиий ҳаракати эди, холос, бу.

Ҳа, бугун эрталаб у қатъий қарорга келди: Солиҳага уйланади! Бу муносабатларнинг ягона ва қатъий ечими фақат шунда! Бекмирза оиласи учун қиладиган ишини бажариб бўлди, болаларни уйлади, чиқарди, иш билан таъминлади, тирикчилигини тайин қилди, бу ёфи энди уларнинг ўзларига боғлиқ... Тўғри, Севара-

нинг турмуши бесаранжом, күёв ичкиликка берилиб кетди. Аммо Бекмирзага аёнки, бу ҳолга күпроқ қизининг ўзи ва Моҳи айбдор...

Қариндош-уруғларнинг айтадиган гаплари олдиндан Бекмирзага аён: «Қариганда эсини ебди...» Лекин бу сўзларда на нафрат, на ғазаб оҳангি бўлади. Гўё «фалончининг машинаси йўл четидаги чуқурга тушиб кетибди» деган каби. Тўғри, айримларнинг шивиридан бадҳоҳлик, бирор бошига тушган шуришдан кўнгил тўлиш каби ҳиссиятлар ҳам сезилиб қолади. Аммо бу ишга Моҳининг сингилларидан ташқари бирорта тирик жон чин кўнгилдан қайтурмайди. Дўстлар! Дўстлар борми ўзи?! Агар чинакам, уша китоблардаги ҳалол, беғараз, доимо сени қўллаб-қўлтиқлаб юрадиган дўст бўлса, у ҳозир қандай маслаҳат берган бўларди? Ва умуман ҳақлими бирорта одам шундай ҳолда маслаҳат беришга?! Уша ҳинд афсона фильмлари, «Рамаяна» ёки «Маҳобҳарат»дагига ўхшаш донишмандни қандай топасан дунёда? Бу қилдан ингичка, шиша қадаҳданда нафис, аммо атомдан кучли туйғуни жиловлашни ким, қайси илм ўргатади, ахир?

Моҳи икки хотинлик ҳаёт можароларини яхши ҳис қиласди. Чунки, 60-йиллар ўрталарида шаҳар савдо аҳллари орасида қушхотинлик бир урф бўлган, уша йиллари дадаси ҳам дўконидаги жувонга уйланиб олганди. У йиллар можаролари ҳақида Бекмирзага аҳён-аҳён гапириб ҳам қолар, айтишича, онаси ўшанда дўзахда азоб чекаётгандай яшаган экан.

— Агар кечқурун дадам келмаса, аям эрталабгача мижжа қоқмасди «Ҳой, ухланг, ахир» десам, «Мен у билан ётганига қизғонмайман... бирорта ёмон ниятли нокас тунда шикаст етказмаса дадангга деб қурқаман, холос», дерди.

Кейинча аста-секин ҳаммаси жой-жойига тушиб қайнота иккинчи хотин билан ажрашган, яна оиласига қайтиб, тинч яшайверган. Лекин у пайтлари қайнота 25—35 ёшли, етилган йигит эди. Бекмирза эса эллиқдан ошганда дуч келди бу муаммога.

Ҳа, бу иш билан Бекмирза асосан битта одамга — Моҳига жабр қиласди. Болалар нима, ўз кунларини куриб кетишаверади. Моҳининг қалби пораланади, унинг учун икки йўл қолади, ё онасидай шу вазиятга кўникиш ва эрнинг оиласига қайтишини кутиш, ё эрнинг ашаддий

дushmaniga айланиб, оиладаги барча ҳақ-хуқуқлардан маҳрум этиш, болалар ва невараларни отага қарши оёқлантириш... Моҳи албатта иккинчи йўлни танласа керак.

Оғир ўйлар силсиласида ҳолдан тойган Бекмирза ётоққа кирганда Моҳигул аллақачон қотиб ухлаб қолган эди. У чойшабга ўралиб, бир сиким бўлиб ётган хотинига қаради-ю, бирдан бошқа аёл кўз ўнгига келди. Унинг тўшакда ётишининг ўзида қанча малоҳат, шеър бор эди, ахир...

* * *

Солиҳа ўзини ишқ дарёсига ташлади-ю, қирғоққа қарамади ҳам. Севиш, севилиш ҳисси илк бора қалбини забт этган жувон унинг тўлқинларида яйрар, қулоч отиб сузарди. Тўғри, бегоналар, қўни-қўшнилар бу босиқ, кўркам аёл ҳаётида юз берган ўзгаришни сезгандари йўқ. У одатдагидек ишга бориб, келиб, кўп қатори тирикчилик кўйида юрган бева эди, холос. Она ҳам бир-икки қилган танбеҳи самара бермагач жим қолди. У энди «Неварам бу гапдан хабар топмаса, эзилмаса бўлди», деган фикрда бутун диққат-эътиборини болага қаратганди. Солиҳа ҳам ўзини фарзанди олдида айбдордай ҳис қилас, имкони борича унга яхши муоммала булар, айтганини дарров бажаарди.

Бир куни у ишдан кейин бозорга борди. Айланиб юриб, Бекмирзанинг дўкони олдидан чиқиб қолди-да, беихтиёр ичкарига кирди. Ҳамма дўконлар қатори торгина, кийим-кечаклар зич осиб ташланган хона тўрида ёши ўттизларга бориб қолган кўҳликкина бир жувон ўтиради.

— Келинг, опа, — дея жилмайиб Солиҳа томон бир-икки одим отди у, — кўринг, сизбоп нарсаларимиз бор.

Туришлари, овози ҳам отасига жуда-жуда ўҳшайди! Кутимаганда Солиҳа қалбида бу жувонга нисбатан қандайдир илиқлик ҳис этди.

— Менга табиий матодан тикилган ич қўйлак керак эди, — дея жувоннинг кўзларига қаради у. Оҳ, бу кўзлар айни Бекмирзанинг кўзлари-я! Севара бир зумда пештахта устини хилма-хил ич кийимлар билан тулдирди. Уларнинг ҳар бирига баҳо берди. «У ёқ-бу ёқ деймиз-у, барибир озроқ қиммат бўлса-да, Фарбнинг

ҳақиқий товарини олаверинг, опажон. Аёл учун ич кийимдан нозик нарса йўқ...»

Севара тўғри гапираётганини Солиҳа яхши тушунарди. Мато нархи масаласида ҳам у фирромлик кўрсатмади. Солиҳа харидни сумкасига жойлаб бўлгач:

— Дўкон ўзингизникими? — деб сўради.

— Дадамларники, — дея бирдан шашти тушди Севарапинг. Чунки шундан сўнг «Қайси дадангиз? Қайнотангизникими?» деган савол бўлиши ҳам мумкин-да. Бироқ, бу жувон бошқа ҳеч нарса сўрамади. Негадир Севарага яна бир термилди-да, хайрлашиб дўконни тарқ этди.

Эртасига Бекмирзага «бозордаги дўконингизга кирдим, қизингизни кўрдим» деган эди, у қизариб кетди... Назарида Солиҳа бу билан ёшлари ўртасидаги фарқقا ишора қилгандай эди... Ахир, Севара билан Солиҳанинг ёшлари орасидаги фарқ жуда катта эмас.

— Қизингиз менга жуда ёқди, шундай ақлли, мулоим, инсоф-диёнатли... Ўзингизга ўхшайди.

— Ҳа, шу қизим менга қўйиб қўйгандек ўхшайди. Афсуски...

— Ҳа, турмушини айтасизми?.. Кеча ўйланиб қолдим. Ўша қуёви томонда бизга қарашли маҳалла оқсоқоли бор — Сулаймон ака...

— Э, шунақами, кўп гаплашганмиз у одам билан... Ким бўлади сизларга?

— Онамнинг укалари, тоғам... Бир шу одам билан гаплашиб кўрай-чи. Балки...

— Майли, ўзингиз биласиз...

* * *

— Абдурашиднинг туғилган кунини Мингчинорда ўтказадиган бўлдик. Эртага тушдан кейин жиламиз, тайёр тур.

Тоҳир гушакни жойига қўяр экан, мамнун жилмайди. Эртага зарур иши ҳам йўқ, ўзи анчадан буён шаҳарда чанг босиб, зерикиб ётган эди. Бунинг устига уйда ҳам кейинги бир-икки йил ичиде аллақандай но-тинч кайфият ҳукмрон. Дадаси билан аяси ўртасидаги муносабатлар негадир танглашган. Тўғри орада ҳали бирор-бир жанжал-тупалон ёки бақириш-чақириш юз бергани йўқ. Аммо эр-хотиннинг ўзаро муомалалари илгаригидек эмаслигини оиласлагилар яхши тушунади-

лар. Дадаси күпинча уйга кеч келади, баъзан аллақаёқ-ларда қолиб ҳам кетади... Аянинг эса дарди ичида. Болаларига оғиз очмайди-ю, баъзан ҳатто дастурхон устида ўй суриб қолишлари, хаёли паришонлиги иситмани ошкор қилиб қўяди...

Дадасидаги ўзгаришлар ҳам Тоҳирнинг, ҳам Севаранинг назаридан четда қолгани йўқ. Кайфиятидаги кутаринкилик, ҳаракатларидаги аллақандай йигитларга хос жўшқинлик, кийим-бош танлашда пайдо бўлган ўзгача нозик таъб, кишини аллақандай ўйлар, тахминларга судрайди-ю, аммо ўша нуқтадан «астағфурулло» айтиб, ортга чекинилади.

Зеро, Бекмирза акадай одам бунақа ножоиз, ношаърий ишлардан доимо етти қадам нарида юриши, бошқалар-ку майли, фарзандларига ҳам ойдай равшан... На Тоҳир, Севарага бу ҳақда оғиз очади, на Севара акасига миқ эта олади. Орада онанинг ўз ич-этини егани қоляпти, холос.

Мингчинор илгари жуда гавжум жой эди. Шаҳардан анча олис, баҳаво. Юзлаб чинорларнинг улкан шохлари тангадай офтоб нурини ҳам тўсиб ётадиган салқин, шинам чойхоналарга бой бу маскан улфатчилик учун жуда боп эди. Боф пастида Шаҳрихонсой шарқираб оқар, сой ёқалари доим чўмилувчилар билан гавжум бўларди. Кейинги йилларда шаҳардан узоқлиги боис бу ернинг ишқибозлари сафи сийраклашган, аммо, барибир Мингчинор ҳали файзини йўқотмаган эди.

Тоҳирнинг тўрт-беш нафар синашта улфатлари бор, уларнинг деярли барчаси савдо ходими. Биргина Абдурашид божхона тизимида ишлайди. Қалин чинорлар соясидаги сўрига жой тўшалиб, савдогарларнинг ширин сұҳбатига ярашган дастурхон тузалган эди. Улфатлар лўла болишларни биқинга тираб, ёнбошлашганларича ичкиликка ўзларини уришди.

Аския, қий-чув, қаҳ-қаҳа... Бир икки соатда улфатлар роса маромига етишдилар. Ким гапирган, ким буни уққан — ҳеч кимса фарқига етмайди. Тоҳир, «бир оз айлануб, бошни жойига келтириб қайтай» деганича урнидан турди.

— Тўхта, бирга айланамиз! — дея ётган жойидан кўзғалди Абдурашид, — бир йўла ошдан ҳам хабар олайликчи...

Икки дүст ўзаро сұхбат қурғанларына, соң ёқалаб оқим бүйлаб деярлы бир чақирик масофани юриб қўйғанларини сезмай қолишиди. Соң соҳилдаги улкан қоратоллар шундоқ сувга бош эгиб ётган жойдан аёл кишининг жонон кулгуси эшитилди.

— Аёллар бор экан, ортга қайтайлик, — деди Тоҳир.

— Нима бўпти? — дея беписандлик билан гапирди Абдурашид, — ўтиб кетаверамиз...

Қоратоллар тагига қизил атлас тўшаклар тўшалган. Ўртада дастурхон... Бир эркак ва бир аёл чўмилиш кийимида сұхбат қуриб ётишибди.

— Ие! Тўхта, Тоҳир! Секин... Секин ортга юр... — деди ҳаяжонланиб Абдурашид.

— Ҳа, нима бўлди?!

— Бу... Бизда... Бошқармада ишлайдиган Солиҳа опаку... Қўй, кўзи тушмасин...

Шундай дея Абдурашид Тоҳирнинг қўлидан тортди. Аммо, Тоҳир михлангандай жойида қотиб қолган эди. «Бошқарма»да ишлайдиган Солиҳа опа ёнида Тоҳир не кўз билан кўрсинг-ки... ўз отаси ётарди! У бир зумда ўзига келди ва ранги оқариб ортга ташланди.

— Юр! Кетдик!

Бу орада Абдурашид ҳам Бекмирза акани таниб ултурганди. Бироқ йигитнинг мияси яшин тезлигидан ишлади ва у ўзини Тоҳирнинг отасини кўрмаганга солди.

Тоҳир тез-тез юриб ош пиширилаётган ўчоклар олдига келди ва Абдурашидга қараб:

— Абдурашид! Менинг зарур ишим чиқиб қолди! Кетдим! — деди-ю, унинг жавобини кутмаёқ машинаси томон йўналди.

Абдурашид ҳам унга осилиб ўтирмади...

Тоҳирнинг феъл-авторида онасидан шундоқ ўтган жиҳатлар мул эди... Хусусан, бирор масала юзасидан хулоса чиқаришда... Эртаси куни кечки пайт у Абдурашидинг олдига борди.

— Кеча кўрдинг-у, оғайни... Дадамни танидинг ҳам... Айт-чи, у аёл ким эди?

— Мен яхши танимайман, — дея минфирилди Абдурашид. — Лекин икки-уч йилдан буён бошқармада ишлайди.

— Ўғил болача гапир, эй Рашид! Неча йиллик оғайнимиз, ахир! Бу хотинча фийбат деб ўйласанг хато

қиласан! Икки йилдан буён оиласизда ҳукм сурәтган нотинчликнинг сабаби ҳам шу аёл!

— Рости, мен бу аёлни яхши билмайман, — дея минифирлашда давом этди Абдурашид, — отанг билан эса кеча биринчи марта кўрдим... Идорада отанг билан Солиҳа опа ҳақида ис ҳам чиққани йўқ...

— Ҳеч ким билмайдими? Ростдан-а?

— Э, ўзим қотиб қолдим уларни куриб! Солиҳа опани ҳеч ким, шундай... Бегона эркак билан юради деб хаёлига ҳам келтирмайди.

Лекин, кўп ўтмай Тоҳир сўраб-суриштириб ҳамма нарсанинг тагига етди. Отаси нафақат Солиҳа опа билан юради, балки у билан эскичасига никоҳ ўқитиб, уйланиб ҳам олган экан!.. Бундай вазиятда ўғил учун ягона йўл — кар, кўр ва соқов бўлиши эди, холос. Тоҳир ҳаммасини ичига ютди.

Аммо, ўша кундан бошлаб, савдодан тушган пуллардан ўзига алоҳида қисм ажратиб, бу пулларни ўзи муомалага кирита бошлади. Кўп ўтмай унинг шахсан ўзига қарашли маблағ ҳам чўнггина бўлиб қолди...

* * *

Бекмирза билан Солиҳанинг никоҳини аёлнинг онаси-ю, сингиллари, яна бир-икки одам биларди, холос. Минг надоматким, дунёда икки севишган қалб муносабатларини яширишдан ҳам мушкул иш кам бўлади. Бу муносабатлар сомон тагидаги чўғдай олдинига билинар-билинмас тутун чиқариб туради. Кейин тутун қуюқлашиб, сомон остидаги иссиқ кучаяди. Агар шундай пайтларда ўт олаёзган сомон тўдасига сув сепилиб фалокатнинг олди олинмаса кейин кеч бўлади... Солиҳанинг онаси буни яхши тушунарди. Аммо, бирор чора кўришга иложсиз эди. Шундай кунларнинг бирида кейинги пайтларда Солиҳанинг шур нарсаларни кўпроқ тановул қилаётганига эътибор берди-ю, юраги шувиллаб кетди. Наҳотки?!...

Кампир бир кеч, бола ухлагандан сўнг телевизор куриб ўтирган қизига яқинлашди-да, унинг ҳали оқ ораламаган, майин соchlарини силади.

— Ҳа, аяжон, — дея онасини қоқсуяк қўлларини ушлади Солиҳа, — тинчликми?

— Бизда тинчлик қизим, тинчлик, — дея қизи ёнидаги креслога чўкди Машхура ая, — ўзингда-чи?

— Ҳаммаси яхши! Аяжон! Ҳатто жудаям яхши! — Солиҳа шарақлаб кулди ва ёш боладай онасининг бўйнидан кучоқлаб, юзларидан чўлп-чўлп ўпди.

— Вой, Солиҳа! Қўйвор дейман, қўйвор! — дея қизининг қучоғида типирчилади она, — жинни бўпсан! Жинни!

У ўрнидан туриб Солиҳадан нарироқдаги стулга бо-риб ўтирди. Солиҳа мақтov эшитган ёш қизчадай тўйиб-тўйиб, яйраб куларди.

— Солиҳа! Кулоқ сол менга! Бас қилгин энди тухум қўйган товуқдай қақиллашни...

— Ҳа, нима бўлди, аяжон?!

— Менга қара, қизим, касални яширсанг иситмаси ошкор қилади... Сезиб юрибман...

— Нимани, аяжон?

— Нимани?! Нимани?! Бўйингда бўлганини айтаман! Нима қиласан, шу ёшингда, бунинг устига тайинсиз, ишончсиз никоҳдан бола орттириб! Бу гапни сенга мен айтмасам ким айтади, ахир?!

Солиҳа бирдан жиддий тортди. Ўрнидан туриб сочларини тартибга келтирган бўлди-да, дераза ёнига борди. Шаҳар узра юлдузлар чараклайди. Кўчаларда ҳаракат сийрак. Кўп қаватли уйларнинг аксариятида чироқлар ўчган...

Онаси тўғри айтяпти. Ҳозирги вазифаси, ишлаб турган жойи, жамиятдаги мавқеига сира-сира тўғри келмайди бу иши. Ўша — бўйида бўлганлигини сезган кундан бўён юраги қарама-қарши туйгулар талошида ўртанади. Албатта, ҳозир ўтган аср эмас. Шарт-шароитлар бошқача. Одамлар бирмунча эркин яшашга ўрганишган. Лекин бола туғилса, унинг отаси кимлиги, ўртадаги муносабатлар — барча-барчасини очиб ташлашга тўғри келади. Бекмирзанинг оиласи, қариндошурugi, Солиҳанинг қариндошлари бу ўта нозик ишга қандай муносабат билдиришларининг ўзи бир олам. Аммо масаланинг иккинчи томони — жамиятнинг бу воқеага баҳо бериш ҳодисаси ўта муҳим. Бекмирзанинг-ку жиловладиган, юриш-туришига баҳо берадиган идораси йўқ.

Аммо Солиҳа жиддий идоранинг масъул ходими. Унинг бу иши албатта баҳоланади ва тегишли хуласалар чиқарилади.... Ишдан кетиши аниқ!

Ҳали Бекмирза бу сирдан воқиф эмас. У нима дер-кин? У албатта боланинг туғилиши тарафдори бўлади! Солиҳанинг кўнглида уни бирор бошқа қарорга келиши ҳақида заррача ҳам шубҳа йўқ. Агарда Бекмирзага билдирилмай... Йўқ, йўқ, у билсин, ўзи бир қарорга келсин. Кейин Солиҳа бирор ечимга тұхтайди...

— Бекмирза ака билмайдилар ҳозир. Бу... Бу ишни,— деди аясига ўтирилиб Солиҳа. — Бир маслаҳатлашиб кўрайлик-чи...

— Бекмирза, Бекмирза, — тұнғиллади Машхура ая,— Ростини айтсам, ҳамон ёқтирмайман қуёвингни... Майли, кўнглинг шу одамни хоҳлабди. Сен энди ёш қизча эмассан. Ихтиёering ўзингда... Аммо, болани... йўқ қил! Яхшилик олиб келмайди у сенга!

* * *

Кейинги пайтларда дўконлардан келаётган даромаднинг баракаси учди. Айниқса, Тоҳир бошқараётган дўкон деярли фойда бермай қўйди.

— Тоҳир! Кейинги беш ой ичиде дўконга салкам эллик миллион сўмлик товар келтирдик. Ҳаммаси бозоргир, ўтадиган моллар... Аммо, ўғлим бу... Тушум кам-ку!

— Қанақасига, ая?

— Мана қизларнинг маоши, йўлкира харажатлари, дўконнинг ўз харажати, яъни чироқ, музлатгич, ва ҳоказо... Мана шулардан ошиб, камида икки миллион соғ даромад тушиши керак эди... Сенда бор-йуғи 600—700 минг сўм даромад бор, холос....

— Демак, бўлгани шу экан-да, ая! Агар менга ишон-масангиз, марҳамат, бушатиб қуяқоламан дўконни!

— Ҳай, ҳай! Мунча қизишмасанг, ўғлим! Мен бирор нарса дедимми? Тўғри, савдо ҳам ёмғирга ушаган нарса — бир келса пақирлаб қуяди, келмаса ойлаб томчи томмайди осмондан... Лекин, ҳисоб-китоб бўлгани яхши эмасми, ўғлим...

— Ҳозирча шундай бўляпти, ая, ўша сиз айтган — ёмғир пақирлаб қуядиган пайт ҳам келиб қолар...

— Оғзингга шакар, ўғлим... Мен энди... Бир сураб кўрай дедим-да...

Моҳигул Тоҳирнинг дўконидан чиқиб, уйга жўнар экан, юраги баттар сиқилди. Ҳа, беш ойда дўконга сарфланган эллик миллиондан ўлиб қолганда 2—3

миллион фойда түшмаган экан, бу ерда бир гап бор. Наҳотки, Тоҳир... Жигаридан бўлган боласи уни алда-япти?! Севаранинг чумчук уясидай дўкончаси ойига бир-икки миллион соф фойда берётган бир маҳалда ҳайҳотдай қўш дўкондан атиги бир миллион-ярим миллион тушиши шубҳали... Тоҳир нега бундай... бирдан ўзгарди? Кейинги пайтларда аяси билан очилиб-сочилиб гаплашмайди ҳам. Доимо аллақандай тунд, ичимдан топ... Ўзи дадасининг қилиқлари етиб ортаётганди... Буниси энди ўлган устига тепган бўлди. Ҳа, Бекмирза ўзгарди, жуда кескин, жуда ёмон ўзгарди... Унинг кимгадир ўларча шайдо бўлгани, қолаверса, эҳтимол... уйланиб олгани кейинги пайтларда айниқса яққол сезилиб қолди. Лекин, ким экан ўша аёл?! Моҳигул қанча-қанча шубҳалар, гумонлар, суриштирувлардан кейин барибир ўша — божхонадаги Солиҳага тўхталган эди. Шу аёлгина Бекмирзанинг бошини айлантириши мумкин... Лекин... бу қуруқ тахмин, холос...

Қандай баҳтли эдик, икки-уч йил аввал! Ҳаммаси шу — Бекмирзанинг айнишидан бошланди, ахир...

Ҳали Моҳигул Бекмирзага орадаги муносабатлар, юрагини ўртаётган шубҳалар ҳақида тиш ёргани йўқ. Зеро, юрагининг бир четида «бу ўткинчи ҳою-ҳавас... Бир оз қизишиб юради-да яна ўз уйи, ўлан тушагига қайтади. Икки севимли фарзанд, бири-биридан суюкли набираларни кимга, нимага алмаштиради, ахир! Эси борку унинг! Шу боис мендан сабр, тоқат, чидам зарур. Ахир, секин тутаётган чўғни пуфлаб қизитсанг, ҳўл ўтин ҳам ёнади. Сабр қилсанг чўғ ўзи учади», деган қарор мустаҳкам ўрин олган эди. Лекин, ким ўзи ўша сирли рақиба? Ёш жувонмикин? Албатта, ёш бўлса керак. Ахир Бекмирзанинг миллионларига маҳлиё бўлганлар озми? Эҳ, Бекмирза ака! Бекмирза ака! Ушанда институтда Моҳигулнинг йўлини пойлаганлар саноқсиз эди, ахир. У баридан воз кечиб, Бекмирзани танлади. Лекин, Бекмирза-чи? Уни севганмиди? Но-маълум... У ҳеч қачон «Моҳи, сени севаман» деб айтмаган. Мана, ўттиз йилдан ошди, Моҳигул шу икрорни кутиб яшайди. Аммо, шу бир оғиз сўзга хасислик қилди Бекмирза. Нега айтмади? Наҳот, шу қадар қиммат бу бир оғиз сўз?!

Маршрут таксида кетаётганлар орқа ўриндиқда утирган аёлга ўгринча қараб кўйишарди. Аёлнинг кўзларидан дув-дув ёш оқар, аммо у буни сезмасди...

* * *

Овқатдан кейин Бекмирза диван-ҳобгоҳга ёнбошлади. Телевизор навбатдаги сериаллардан бирини бепар, миллионлаб «сериалхўр»лардан бирига айланган Бекмирза бунисининг ҳам бирор сериясини утказиб юбормаслик пайида эди. Мана қитмир телевизорчилар сериал бошланиши билан орага сукқан реклама дастури ҳам поёнига етди. Шу аснода хонага Моҳигул кириб келди.

— Ҳа, «сериалхўр»ликни бошладингизми, дадаси?

— Ахир... Бусиз уйқу келадими, Моҳи...

Моҳигул эри ёнига чўкди. Қўлларини унинг елкаларига қўйди.

— Қаранг-а, — деди у ҳам телевизордан кўз узмай,— манави одам аллақачон бошқа хотин билан яшайди. Хотини, қариндош-уруғлари билишади. Хотин ҳам бу ҳолга мотам чекиб, дод-фарёд кўтараётгани йўқ. Аксинча, нариги барзанги билан очиқдан-очиқ дон олишиб юраверади... Қизиқ ҳаёт. На ор-номус, на рашк ва на эл-юрт гап-сўзидан чўчиш бор буларда...

— Ҳм, — дея ёнбошга ағдарилди Бекмирза бу тагзаминли иддаодан негадир хавфсираб, — буларда одатий ҳол шекилли бу қўриниш...

— Ўзимизда ҳам кам эмас бунақа ҳолатлар...

Бекмирзанинг юраги «шув» этди. Наҳотки...

— Тоҳирнинг кайфияти бузуқ кейинги ойларда... Негадир... Нияти айнинганга ўхшайди. Тушумдан бир қисмини очиқдан-очиқ ұмариб қоляпти. Ё бирор кимсадан қарз бўлган, биздан яширинча ўшанга тўляяпти, ё...

— Хўш? — Бекмирза ўрнидан турди.

— Мен аста суриштириб, аниқлаб курдим. Хотини ҳеч нарса билмайди. Ундан кўнглим тўқ. Содда, покиза жувон, қилвирилик, хуфёна ишнинг ёнига ҳам йўламайди. Ҳисоб-китобларимга қараганда, Тоҳир ҳар ой дўкондан тушаётган даромаднинг 300—400 мингини чегириб қоляпти!

— Йўғе! — кўзлари дум-думалоқ бўлди Бекмирзанинг, — Тоҳир-а! Бўлиши мумкин эмас!

— Текшириб кўринг, дадаси. Лекин, ётифи билан, унинг нафсониятига тегмай, кўнглини оғритмай бир сира суриштиринг-чи...

— Қачондан бери у... Шундай қиляпти?

- Назаримда.. Бир йилдан ошди...
— Ахир... нега шу пайтгача... Нега айтмадинг?!
- Сизни учратиш амри маҳол бўлиб қолди-ку, дадаси. Тонг саҳарда чиқиб кетасиз, ярим тундан сўнг, ҳамма ухлаганда ўғри мушукдай кириб келасиз, ё умуман қайтмайсиз...
- Бўлди! Кўп алжима! Ишим кўплиги ҳаммага бўлмаса ҳам сенга аён ахир!

«Ҳа, биламиз ишингиз кўплиги-ю, у ишнинг нималигини! Аллақайси бир бузуқининг кучогида ором оласиз, уйдаги рўй берадиган ўпирилишдан эса бехабарсиз!» Бу гаплар Моҳигулнинг ичидан ўтди, аммо ташига чиқармади...

Эртаси кун қуёш уфқقا оғган пайтда дўконда отаси пайдо бўлганини кўриб, Тоҳир ҳаммасини тушунди. Чамаси, аяси бўлган ишдан отасини воқиф этган... Сотувчи қизларга жавоб бериб юбориб, ота-бала дўкон ичидаги ёлғиз қолишиди.

— Битта муздайроқ сув оч, — дея буюрди Бекмирза. Иковлон бир стакандан сув ичишди.

— Нега аянг... Дўконда муаммо пайдо бўлди деб айтади... — дея ўғлининг кўзига тикилди Бекмирза.

— Қанақа муаммо экан? — Отасидан назарини олиб қочмади Тоҳир.

— Ойига икки юз-уч юз минг сўм маблағ изсиз фойиб бўлаяпти экан-ку!

— Нега изсиз фойиб бўларкан, дада! Бу маблағлар менинг ўз ҳисоб рақамимга тушиб, ўша ердан сарфланяпти!

— Ие, ўз ҳисоб рақаминг ҳам пайдо бўлдими? Қанақасига...

— Дада! Келинг очиқчасига гаплашайлик! Мени кечиринг. Аммо, рост гап кўпинча аччиқ бўлади. Биласиз, ёшим ўттизга етди... Уч нафар болам, хотиним бор... Ўтган йили бир воқеанинг гувоҳи бўлдим-у, шу... Ишни бошлаганман...

Тоҳир ҳаяжондан қизариб, нафаси тиқилиб гапи-ролмай қолди... Бекмирза рўй беражак хунук тўқнашув олдидан нафас ростлашга ҳам қодир эмас, уни ҳам кучли ҳаяжон чулғаб олган эди.

— Рости... Сизнинг иккинчи рўзгорингиз ҳақида аниқ-тиниқ билиб олганимдан сўнг шу ишга қўл ур-

дим... У аёлни ҳам, биздан яширинча сотиб олган уйингизни ҳам яхши биламан... Бечора аям! Ахир, энг оғир кунларингизда шу аёл қўлтифингиздан олган ягона инсон бўлган эди... Шуми оқибати?! Мени, мен шаккок ўғлингизни кечиринг, кечиринг... Лекин... Наҳот шундай... иш, тўғриси, хиёнатга қийналмай қўл урдингиз, дада! Эртага Севара билса не ҳолга тушади? Неварадар нима дейди? Жон дада. Ҳалиям кеч эмас... Қайтинг бу йўлдан! Аямни билмайди, деб ўйлайсизми? Жуда яхши билади! Аммо, ўзига хос босиқлиги, етти ўлчаб бир кесиши боис, ҳаммасини ичига ютиб юрибди! Наҳот, элликдан ошганда шундай... Йулга кирасиз! Ҳеч ким ўйламаган, тасаввур қила олмайдиган ҳол-ку бу!

Кетма-кет түқмоқ зарбидай урилган аччиқ гаплар Бекмирзанинг эсхонасини ўйнатиб юборди. Айтмоқчи бўлган аччиқ-тизиқ гаплари ҳам бир зумда ёдидан кутарилди. У нима дейишини ҳам билмай гангид қолаверди...

* * *

— Ҳой, божхоначи! — Аёл кишининг ўткир, деярли чинқириқ оҳангидаги бақириши автобусдан тушиб уйи томон бурилган Солиҳани тұхтатди. У ортга ўғирилди. Севара! Бекмирзанинг қизи! Кузлари ўйнаб, юзлари қип-қизил бўлган бу аёл ўлжасига ташланган бўри мисол Солиҳанинг устига бостириб келди. — Сенга бузуқлик қилгани ёшроғи қуриб кетганими?! Нега менинг дадамга ёпишдинг?! Пули кўп, деб ўйладингми? Ҳе, ўша сендақа пулга учни...

Севара бақирганича Солиҳанинг соchlарига ёпишди. Юзига чанг солди. Итариб ариқ ёқасига қулатди ва тепа бошлади... Бекатдаги одамлар югуриб келиб, уларни ажратишиди. Солиҳа ҳали ўзига келгани йўқ, нима булаётгани, дўконига кирганда ўзида жуда илиқ таассурот қолдирган бу кўркам жувоннинг нега ўзига ташланганигини ҳам англаб улгурмаганди. Севара бақиришчақиришда давом этар, ўзини ушлаб турган одамлар қўлидан юлқиниб чиқиб, яна Солиҳага отиларди... Кўплашиб уни бир четга суришди. Солиҳа уст-бошини қоқиб, унга ўгирилди-да:

— Ташқи кўриниши алдамчи бўлади, деб тўғри айтган эканлар, — деди оҳиста. — Сизни дўконингизда кўрганимда бошқача хulosага келган эдим. Афсус...

Шундай дея уйи томон йўналди. Севара шовқин солганича ортда қолди. Солиҳага эргашмади. Солиҳа уйга кирибоқ, уст-бошини ҳам ечмай, ўзини диванга отди...

Ҳар куни ишдан хушхандон қайтадиган қизининг бугун кайфияти бузуқлигини Машҳура опа дарров сезган бўлса-да, сир бой бермади. Югурбиб-елиб Солиҳа яхши кўрадиган манти тайёрлади. Даствурхонни кўнгилдагидек тузади.

— Солиҳа! Чарчадингми, қизим? — Солиҳа гужанак бўлиб ётган диван четига аста ўтириб, қизининг соч-ларини силади, — Тур ўрнингдан... Суйган таоминг — манти тайёрладим... Тур, икки дона егин...

Солиҳанинг шу пайтгача таранг тордай дириллаб турган асаблари бўшаши. У ўрнидан қўзғалиб онаси ни қучоқлади-да, ҳунграб юборди.

— Аяжон... Аяжоним... У... У мени урди... На отам, на сиз бирор шапалоқ рано кўргансизлар... У эса урди... Итариб ерга йиқитди, тепди...

— Нима?! Ким?! Қайси яшшамагур?! — Кампир сапчиб ўрнидан турди. — Уша... Бекмирзами? Кўнглим сезганди-я ўзи унинг кимлигини! Айтувдим. Огоҳлантиргандим-а, жон қизим!

— Йўқ, у эмас. Ая... — Солиҳа бекатда бўлиб ўтган можарони қисқагина қилиб онасига айтиб берди. Кампир қизини яна қучоқлаб, соchlарини силади, упди, юпатди.

Бир оздан кейин Солиҳа ухлаб қолди. Манти ҳам қозонда қолиб кетди. Кампир бир пиёла чой устида ўзича узоқ мулоҳаза қилди. Бир кунмас-бир кун Бекмирзанинг ё хотини, ё қизи келиб Солиҳа билан жанжал бошлиши тайин гап эди, албатта. Бунақа ишлар ҳеч қачон силлиқ ўтиб кетмайди. Лекин қирон олгур қизи одамлар орасида Солиҳани қаттиқ хижолат қилибди-да... Яхшиямки, ўша ерда кўни-кўшнилардан ҳеч ким йўқ экан... Энди нима қилиш мумкин? Солиҳа ҳеч қачон улар билан тенг бўлиб, юлишиб ўтиrmайди. Ҳалику, қизи келибди, эртага хотинининг ўзи келса-чи, косовини кутариб! Ҳаммаёқда гап-сўз, идорада нотинчлик. Маҳалладаги фийбатчиларга худо берган... Йўқ, бу ишга барҳам бериш керак! Охири ҳам яхшиликка олиб келмайди бу юриш! Агар Машҳура опа бугунги юмдалашишдан гула кутариб Бекмирзанинг қизи олдига

шовқинлаб борса, үзи уятга қолади. Эшигтан қулоққа яхши эмас...

Эрталаб қизини ишга кузатгач, Машхура опа Бекмирзани излади, суриштириб билса, савдо ишлари билан бир ҳафтача илгари Россияга кетган экан. Демак, Бекмирза ҳали булиб үтган воқеадан бехабар. Кампир ҳозирча сабр қилиш, Бекмирзанинг қайтишини кутишга қарор қилди.

* * *

Севара бирор гапни ичига ютиб кета оладиган аёл эмасди. Отасининг божхонада ишлайдиган бир хотинга уйланиб олганлиги хабарини эшидди-ю, дўконга қулф уриб, акасининг олдига чопди.

— Ака! Ростми шу гап? — дея Тоҳирни дўкон ортидаги торгина хонасига бостириб кирди у.

— Ҳой! Ҳой! Ўзингни бос! Тинчликми?

— Қанақа тинчлик бўлсин? Дадамиз қариган чоғида ёш хотин олиб, майшат суряпти экан-ку! Ҳомиласи бормиш у манжалақининг!

— Ким экан у? — ўсмоқчилади Тоҳир стол устидаги хитой чинни чойнагидан ярқироқ пиёлага кўк чой қуйиб синглисига узатаркан. — Дарров хулоса чиқараверма.

— Вилоят божхонасида ишлайдиган Солиҳа деган аёл экан! — «Лиқ», этиб бир қултум чой ютди-ю, яна бобиллаб кетди Севара. — Ёши қирқларга борган, эри йўқ... Ӯлганми, шундан зерикиб қочворганми, номаълум. Битта ўғли бор, қўшмачи онаси ҳам «ёш» эр хотинга парвона!

— Ҳай, ҳай! Яна айтаман ўзингни бос! Билиб-бilmай шақиллайверма! — овозини кутарди Тоҳир, — онасига нега тил теккисасан? Ахир...

— Онаси ўлиб, онасиз қолсин у бузуқи! Қирқ йиллик рузгоримизни бузади-ю, биз уни сизлайликми?

— Ўзи нимага келдинг олдимга! Гапинг бўлса айт! Шовқин кутарма бу ерда!

Ака-сингил яна бир оз машмаша қилишиб чарчашди. Тоҳир Севарани яхши билади — бир ўт олса қуйиб адо бўлгунча тинчимайди.

— Бу ишдан хабар топганимга бир йилдан ошди,— дея Тоҳир гап бошлади-ю, яна Севаранинг оғзидан отилиб чиққан гина-кудуратлар оқимига кўмилди.

— Лекин, сабр қилдим, аям билмасин дедим. Бу

бир ўткинчи ҳавасдир балким. Эрта-индин у хотиндан күнгли совийди-да, яна ҳаммаси жойига тушиб кетади... Нима кераги бор можаро қутаришни? Иккинчидан, у киши отамиз... Ҳа, синглим... падари бузрукворни тергашга ҳаққимиз йўқ. Сабр лозим, ҳа, сабр...

— Шуми менга айтадиган гапингиз! — акасига ёвқа-раш қилиб ўрнидан турди Севара, — Ўзи, сиз эркакларни... Ҳаммангиз бир гурсиз!

У акасининг олдидан шитоб билан чиқди-ю, таксига ўтириб божхона томон жўнади.

Солиҳа ишдан чиқиб уйга кетган экан. У навбатчи милиционердан Солиҳа қанақа пальто кийганини суриштириб олди-да, Солиҳаларнинг уйи томонга ҳайдашга буюрди таксини. Автобекатда тұхтаб, уйини суриштиришга киришганди-ки, автобус тұхтаб ундан Солиҳа тушиб келди... Ўзига келиб атрофга аланглаб қараса, воқеани кўрган такси шофёри «оч қорним-тинч қулоғим» ҳикматига амал қилиб, аллақачон жуфтакни ростлаб қолган экан...

Ҳовлилари дарвозаси остонасидан ҳатлади-ю онасининг олдига чопди.

— Аяжон! Жон ая! Бу нима деган гап, ахир! Керакмас бунақа ота менга!

— Ҳай, ҳай! Жон қизим, ўзингни бос! Нима бўлди?

— Вой... Ҳиқ-ҳиқ... Аххир... Хотини бор экан-ку дадамнинг! Вой, ая, ўлганим яхши бундан...

Моҳигул уввос солиб йиғлаётган қизини куч билан ичкарига тортди.

— Ҳой, жиннимисан?! Юр, бу ёқقا-ей! Нима, бу гапни мени билмайди деб ўйлайсанми? Ўша божхонадаги Солиҳани айтяпсанми?

Севара бирдан йиғисини тұхтатди. Аясига бир зум бақрайиб қараб турди-да, яна уввос солди.

— Ҳа, бу уйда менгина ҳеч нарсани билмайман, мен гумроҳ, аҳмоқман! Жоним ачиб, юрагим оғриганидан нималар қилмадим бугун мен жинни! Булар эса ҳамма нарсани мендан сир тутишган! Э, боринглар, нима бўлсанг, бўл-эй!

* * *

У яна неchanчи бор ўзини ойнага солди... Пешонада, иккала юзда узун-узун чизиклар... Бу қора излар

асфалт йўлнинг туртиб чиқсан тошларидан қолган... У юзи билан эллик-олтмиш метр судралиб боргандада пайдо бўлган излар. Ўнг қошининг бурун томонда бармоқнинг бир бўғинидай жойи туксиз, қизариб турибди, тош шилган тери ўрни... Бурун синиб, ўркачли бўлиб қолган, соч оппоқ оқариб кетган, оқ соқолмўйлов...

«Йўқ, бирон-бир танишим ҳам танимайди мени... Мутлақо үзимга ухшамайман. Бунинг устига оқсоқ ҳам бўлиб қолганман... Овозим ҳам қандайдир ўзгарган...»

Телефон қилса ҳозир... У танирмикан?! Таниса... Таниса қандай муомала қиласкин? Энди у илгаригидай этагини қоқса пул тўкиладиган бойвачча эмас. Ойига ўн икки минг сўм нафақа олиб, аранг кун кечираётган ногирон... Тўғри, уйдагилардан яшириб у ер-бу ерга қўйганлари бор. Аммо ҳақини олиш учун ўзини танитиши, кимлигини исботлаб бериш шарт. Россиядаги дўстлари билан олди-берди муносабатларида ҳам шу муаммо тусиқ. Аввало ўзлигини исботлаш керак! Аммо у буни истамайди. Майли, оила, бола-чақа учун у энди йўқ, ўлган, қаердадир ном-нишонсиз кўмилган... Ё, худо, ахир жонидан азиз бўлган фарзандлари юз ўгиришди-я. «Сиз отамисиз? Йўқ, сизни ота дейишга ҳам ҳазар қиласман!» Наҳот, шунча йиллар улар учун яшаб, бор меҳрини уларга бағишлиб, охири топгани совуқ, аллақандай ирганиш ҳиссига тұла нафрат бўлди?..

Ойна рўпарасидаги тилиб-тилиб ташланган юздаги қинғир-қийшиқ ариқчаларда сув — куз ёшлари оқа бошлади. Тўғри, ўзи ҳам паҳтадай оппоқ эмас... Аммо, не ажабки, шугина иш, ёши улғайган бир пайтда қалбига ташриф буюрган муҳаббат ҳисси шу қадар кучли нафратга лойиқ...

У... У нима деркин? Майли, болаларидан кутмаганини олди, умр бирдан тус-туполон бўлди, ишонилган, авайланган байроқлар ер билан битта бўлди, тупроққа қориши. Аммо, мана шу қуюқ зулмат аро ёлғиз нур энди ўша... Агар у ҳам... У ҳам бошқалардай муомала қилса, яшашнинг ҳожати, қизиги қолмайди ҳисоб...

* * *

Эртасига Солиҳа ишга бормади. Бир тарафдан кечаги воқеа таъсирида асаблари таранглашиб, аллане-

чук тоби қочган бұлса, иккінчи тарафдан, Севара ёки Моҳигулнинг идорага шовқинлаб, жанжал күтариб бо-ришларидан чүчиidi. Эрталаб чой ҳам ичмади, үглини мактабга, онасини бозор-ұчарга кузатди-ю, яна үзини диванга ташлади. Энди нима бұлади? Бу қандай үсал иш, шармандағарчилик... Солиҳа чидай олмайди... «Худойим, қаердан ҳам қалбимга шу үтни солдинг? Энди у мени күйдіриб, буткул адо қилади, шекилли».

Дераза қаршиисидаги ўрикнинг яланғоч шохига чумчук қўнди. Ликиллаганича ичкарига қаради. Оч бұлса керак... Ҳа, атрофни қор қоплаган, жониворларга қийин, бирор уларни боқмайди, үzlари қор титиб, егулик топадилар. Ҳа, Солиҳа ҳам шундай, шу ёлғиз чумчукдай ахир. Бир қушга ҳам дон, ҳам сув керак, деганлар. Солиҳа эса одам-ку. Унга ҳам яшаш, яшаганда ҳам баҳтли яшаш ҳуқуқи берилган. Бир марта бериладиган умрда ҳеч бұлмаса бир карра баҳтли бўлишга ҳаққи борми? Аввалги эрига ота-онаси таклифи билан теккан. Тўғри, ёмон яшашмади. Эр-хотинлик муносабатлари, рўзгор, қайнота-қайнона билан муомала — ҳаммаси рисоладагидек эди. Эрини ундан-бундан рашқ қилган ҳоллари ҳам бўлган. Эри ҳам баъзан қаердалиги, ким билан келганлигини суриштириб қолар — у ҳам рашқ қиласади. Лекин бирга яшашган беш йил давомида эри бирор марта ҳам узоқ сафарга бордими, йўқми, ҳарҳолда Солиҳа уни кутгани, соғинганини эслай олмайди. Орада бир-икки кундан ўн-үн беш кунгача кўришмаган пайтлари ҳам бўлган. Бироқ ҳижрон деган оғриқни на эр, на Солиҳа ҳис қилишган... У оламдан ўтганда Солиҳа куймади эмас, күйди. Аммо ҳаётдаги энг катта қадриятини йўқотган киши тарзида эмас, балки яқин одамидан ажрашган бир мотамзода сифатида күйди, холос. Орадан икки-уч ой ўтгач бу туйғу ҳам эскирган атир ҳидидай атрофга сингиб, йўқолиб кетди...

Бекмирзани эса бир кун кўрмаса юраги ўртанади. Мана, бирга бўлганларига иқки йилдан ошди. Кўнгли бетиним уни қўмсайди. Кўчадаги Бекмирзага ялт этиб қараган ҳар бир аёлдан тортиб идорасидаги фаррошгача қизғанади. Бекмирза болалари билан тунаган куни Солиҳада уйку бўлмайди. Ҳа, севги шундай ўтли, күйдургувчи, жон олгувчи ва жон бергувчи туйғу эканки, унинг насиб этгани ҳам баҳтсизлик...

Шу аснода телефон жириングлади. Бекмирза!

— Солиҳа! Яхшимисиз? Уйлар тинчми? Ая, Камолиддин яхшимилар?

— Салом, Бекмирза ака! Яхшимисиз... Бекмирза ака... — Солиҳа тұsatдан үзи ҳам кутмаган ҳолда тұлиқиб ийғлаб юборди. — Ҳик, ҳиқ... Бекмирза ака... Жон, Бекмирза ака... Келинг... Тез келинг!..

— Нима бұлди? Солиҳа! Нима гап?

— Кече... Қизингиз келди... Мени... Мени урди...

— Нима?! — Бекмирза бақириб юборганини үзи ҳам сезмай қолди, — урди! Нега уради??!

— Келинг... Келинг...

— Яхши, сиз үзингизда бұлинг. Мен бугуноқ Фарғонага учаман.

Солиҳа гүшакни жойига қўйди-ю, танасида аллақандай енгиллик сезди ва кўп ўтмай ухлаб қолди.

* * *

Тоҳир хотини ва болалари телевизордаги навбатдағи сериал қўйнига сингиб кетишган маҳали аясининг ҳузурига йўл олди. Моҳигул опа үз хонасида, телевизор қаршисидаги диванда мунғайибгина ўтирап, ойнаи жаҳон нималарнидир вағиллар, аммо опанинг назари, ўй-хаёли бутунлай бошқа оламда эди. Ичкарига кирган Тоҳирга тил учиди «кел» деб қўйди-ю, яна үз оламига чўкди. Тоҳир ҳам индамай креслога ўрнаштида телевизорга термилди. Аллақандай корейс сериали, қирқ бешинчи қисми... Бу сериални ҳали бирор марта ҳам онаси билан кўрмаган. Демак, яқин икки ойдан буён ишдан келади-ю, шоша-пиша овқатланиб үз хонасига кириб кетади... Севара ҳам шу... Она эса ёлғиз шу сериал-у, үз фамлари билан хонасида ёлғиз қолаверди. Отанинг аҳволи эса маълум... Тоҳир оиласа тегишли сирни үзим ташиб юрибман, деб ўйлаганди. Бугун эса Севара бу юзаки сокинликни портлатиб юборди. У келасолиб онасига ҳам учраган, бўлган воқеани тўкиб солган чамаси...

— Ая, — деди у ниҳоят юрак ютиб, — Севара... Айтдими?

— Севара? — хаёлнинг үз оламидан узди она, — Нима? Ҳа, анови гап... Айтди! Лекин попугини пасайтириб қўйдим.

— Ахир... Бир ҳисобда...

— Эҳ, жон болам... Бу гапдан хабар топганимга бир йил тұлди. Аввал бориб үша аёл билан учрашган ҳам эдим. Назаримда, тұғри сұз, ҳалол хотинга үхшади. Кейин баъзи мулоҳазалар билан улар ўртасидаги муносабатлар биз үйлаган даражада әмас, деган холосага келувдим. Аммо, күп ўтмай ҳаммасини билдім. Кейин күп үйладым... Хүш, жанжал-түполон күтариб нимага әришаман? Тинч, тотув ойламизни бутун шаҳарға шарманда қиласынан, холос. Ёшим әлликдан ошган бұлса. Бир томондан ёш жувон билан әр талашгандай бұла-ман. Тушунган тушунади, тушунмаган кети билан кулади, ахир! Дадаң аллақачон у аёлни никоҳлаб олган. Яқын орада фарзанд ҳам күриб қолишар...

— Ая!!!

— Нима дейсан, болам? Бориб үша аёл билан юмдалашайми, бақириб-чақириб, беҳаё сүзлар билан сұкинайми? Тирноктарым билан афт-ангорини бежайми? Нима қыл дейсан?! Нима?

Тоҳир стол устидаги дастурхон шокиласини ҳимарганича жим қолди. Моҳигулнинг юзига қарай олмади. Бир муддат юрагини кучли хаяжон қоплади. Аъзои бадани қизиб, томирларда қон жүш урар, иложи бұлса олдидаги столни бир тепиб ағдариб, күчага чиқиб кетгүдек эди...

— Ая, — дея ниҳоят үзини босиб олиб, аста сұз бошлади у, — Аввало бағрингизнинг кенглигига, мардоқиля эканизга шукур. Үрнингизда бошқа аёл бұлғанда... Билмадим, бу рұзғор ҳозир шу алфозда турармиди ё аллақачон чириган матодай титилиб кетармиди? Үзингиз қай ахволдасиз-у... Рұзғорни, бизни үйлагансиз, истиҳола қылгансиз...

Тоҳирнинг күзларыда ёш йилтиради.

— Мен, минг бора узр... Воқеадан хабар топишим билан үзимча «ишбилармөнлик» қилиб, сиздан сүроқсиз, алоҳида ҳисоб рақами очғандым... Үша сиз шубҳаланиб юрган кезлари... Бир неча миллион сүмни долларға айлантириб шу ҳисоб рақамиға қойған эдим... Мени кечириң... Мен нодон, ҳали ҳам ёш бола эканман. Лекин, дадамнинг бу қилиғи... Мен ҳеч ҳам кечирмайман! Севара умуман юз үгиради дадамдан!

— Йүқ, үғлим, ишни бу қадар чуқурлаштирмантар. Ҳар бир жонзор, ҳатто дарёдаги балиқ ҳам адаша-

ди, дейишади. Вақт келиб, ҳаммаси жойига тушади. Үзинг эса ҳалиги «счётынг» учун хижолат бўлма... Аллақачон пайти келганди... Болаларингга, тўйларингга буюрсин...

Тоҳир ўрнидан даст туриб ташқарига чопиб чиқиб кетди. Зум ўтмай уйқусираган Севарапи етаклаб кириб келди.

— Ая! — дейишди ака-сингил онага боқиб, — Бу уй-жойлар сизники! Биз ҳам, невараларингиз ҳам сизникимиз!

* * *

Эртасига эрталаб Солиҳа идорасига қўнғироқ қилди: Уни йўқлаб ҳеч ким келмабди. «Хайрият, инсоф берган бўлсин» дея ичидан енгил тин олди жувон. Кечаги руҳий зуриқишилар таъсири бир зумда ҳавога учеб кетгандек бўлди. Қўнгли кутилмагандан... Яшнаб кетди! «Наҳот, шу қадар енгилтак аёлман-а! — негадир ҳиринглаб кулиб юборди у. — Намунча хурсанд бўлмасам?» Кўп ўтмай кутилмаган шодлик сабабини яна ўзи англади: Бекмирза келяпти!..

Орадан бирор соатлар ўтгач чиндан ҳам Бекмирза уйга кириб келди. У қандай келди, эшик қўнғироғини чалдими-йўқми, эшикни ким очди, ким уни кутиб олди — Солиҳа билмайди. Фақат сўнгсиз бўсалар кўмган лаблари, юзлари, бўйинлари, соchlари, «Бекмирза ака... Бекмирза ака...» дея ўтли шивирлаётган бутун бадани Бекмирза келгани, бир кам дунё тўлганидан дарак берарди, холос...

Бирдан кечаги жанжал, чеккан изтироблари ҳеч нарсалиги аён бўлди. Сариқ чақалик қиммати йўқ гаплар, аллақандай телбанамо аёлнинг жунбушлари — ҳамма-ҳаммаси бир пул! Бекмирза шу ерда, унинг қучоғида— қолган ҳаммаси ўтаверсин!..

Эшик қўнғироғи жиринглаганида Солиҳа сапчиб ўрнидан турди.

— Вой ўлай! Аям келдилар!

У шоша-пиша кийинди-да, эшик томонга чопди.

Ая Бекмирзанинг келгани хабарини эшитиб ўз уйига кириб кетди. Энди у кечгача хонасидан чиқмайди. Бекмирза ҳар доимгидай нокулай аҳволга тушди ва кўп ўтмай Солиҳани етаклаб ташқарига чиқди.

Осмон тунд, шимолдан қора булувлар бостириб

келарди. Бекмирзанинг машинасига ўтириб, шаҳар таш-қарисидаги дала ҳовлига жұнаб кетиши. Анчадан бери борилмаган дала ҳовли хоналари муздай эди. Голланд пеккаси хоналарни иситганча бир тутам қиши куни ҳам оёқлади. Телевизор күриб ўтириб овқатланиши. Со-лиха уйга құнғироқ қилиб, аясига бугун боролмаслигини айтиб қўйгач, яна тұшакка ташланиши.

— Хуллас, нима бўлди? — деди ярим тунда Бекмирза Солиҳанинг соchlарини силаркан.

— Айтарли гап йўқ... Ўзим... Сизни соғингандим, холос, — дея олди Солиҳа...

* * *

У чошгоҳда уйига кириб борди. Кўнглида ўн-ўн беш кун сафарда юрган кишининг ўз хонадонига талпиниши йўқ. Унинг ўрнини совуқ, аллақандай бадхоҳ ва ёқимсиз туйғу — бегонасираш қоплаган. Ҳатто шу хонадон ва унинг аъзоларига нисбатан ёқтираслик, қандайдир ирганиш ҳисси юракнинг бир четини эзади.

Кўча дарвозасини келини очди. Очди-ю, негадир бир зум эсанкиради, каловланди, оғирлигини у ёқданбу ёққа солди, юзи бир оқариб, бир қизарди... Бечора келин, у юрагидаги нарсани ҳеч яшириб ўрганмаган. Кечаки хонадонда булиб ўтган воқеа, эри билан қайн-синглиси отадан воз кечганлари, қайнананинг босиқлик билан келинга бўлган воқеани тушунтириши ва икки аёлнинг бир-бирларини қучоқлаб, чин дилдан кўз ёш қилишлари қалбини қанчалик ўртаган бўлса, ҳозирда рўпарасида турган одамнинг салобати, қайноқ истараси яна унинг fazablарини кунпаякун қилиб юборганди.

— Келинг, дада, — дея олди у ниҳоят. Бекмирза оstonадан ичкарига ҳатлаши билан келин дарров қўлидаги халтачани олди ва айвон тарафга юрди.

— Тинч ўтирибсизларми, келин? — деди унинг ортидан эргашаркан Бекмирза.

— Шукур, дада...

Бекмирза ичкарига кирди ва эр-хотин яшайдиган хона эшигига қўл узатди. Эшик таппа-тақ берк... Ҳеч қачон беркитилмаган эшик. Афтидан, Бекмирзанинг келиши боис беркитилган...

— Қайнанангиз қаердалар?

— Эрталаб фирманинг ишлари билан чиқиб кетишганди...

— Ҳм, майли... Битта чой қўйинг қизим...

Келин чойга уннади. Бекмирза уй айвонида у ёқданбу ёқда бир оз юриб турди-да, кейин ўз уйи эшиги олдига келди. Бутун кучини ўнг оёғига тўплаб, зарб билан эшикни тепган эди, эшик «турс-тарс» овоз чиқариб, ўртаси ичкарига бир қаричча букилиб қолди. Эшикнинг ўртаси — қийшайган жойидан қулф тили ҳам кўринди. Иккинчи зарбага эшик дош беролмади. Бекмирза ичкарига кирди. Югуриб келган келин индамай эшик тагларини супуриб кетди.

У чой кўтариб келганда Бекмирза уст-боши, оёқ кийимларини ҳам ечмай диванда чўзилиб ётарди. Келинининг, «мана чой», деганига аранг бош қимиirlатди-ю, ўриндан қўзғалмади.

Моҳигул тушлик арафасида дарвозадан кирибօқ, келиннинг хавотирли қараши, оёқ олишдан Бекмирзанинг уйга қайтганини сезди. Пачоқланган эшик эса унинг фикри юз фоиз ҳақлигидан далолат эди. Аёл индамай ичкарига кирди. Кираверишдаги диванда кучакийими билан ялпайиб ётган эрига парво ҳам қилмади. Ечиниб уй халатига үралди-да, яна ташқарига чиқиб, ҳовли ишларига уннаб кетди. На келиндан садо чиқди, на ундан ва на диванда уйғоқ ётган Бекмирзадан. Қайнона-келин бирмунча муддат ошхонада куймаланиб, ниманидир пиширишиб-ю, келиннинг уйи тарафга ўтиб кетишиди. Шу орада мактабдан қайтган неваралар шовқин-сурон билан уларнинг атрофини ўрашди.

Яна бир оз ўтиб, келин айвонга чиқди.

— Дада, тушлик қилиб оласизми?

— Йўқ, қизим, раҳмат...

Шу аснода у нариги тарафдан, «дадангнинг қорни тўқ, анавининг энаси ҳам жуда пазанда эмиш», каби учирин кутганди. Йўқ, яна ўша порох омборидаги каби мудҳиш сокинлик, фалаёнсизлик...

Ниҳоят, кеч кирди. Дарвоза очилиб, хонадон янги «Мерседес»ни ўз қучогига олди. Машинасидан тушган Тоҳир ота-она уйи тарафга қиё ҳам боқмай, ўзи томонга ўтиб кетди. Кетидан уйга кириб келган Севара ҳам чаққон одимларда иккинчи қаватга кутарилиб, болалари қийқириғига кўмилди.

— Дада, кечки овқат пишиб... Олиб келайми? — яна ўша аҳмоқона ийманиш ила юзини ердан олмай минфиirlади келин.

— Йүқ, қизим, раҳмат...

Кечки овқат тугаб Тоҳир ҳам, Севара ҳам ўз хоналарига кириб кетишди. Моҳигул ётоқхонага қайтмади... Эрталаб болалар мактабга жұнашгач, яна келин ийманыбина эшик қоқди:

— Дада, бизникіга чиқаркансиз...

Бекмирза бирдан портлади:

— Ичкарига кириб айт, бу ёққа чиқышсин, аблалар! Агар... — тишиларини ғижирлатди у. — Ҳозир үткүяман ҳаммасига! Қани бирортаси аралашсинги! Бор! Җақыр!

У ёнидаги чой тұла чойнакни күтарди-ю, зарб билан Моҳигулнинг пардоз ойнасига урди! Келин жонхолатда чопиб чиқиб кетди. Зум үтмай у чала-пула кийинганича күча дарвозаси томонға үзини урди. Афтидан қайнона, «Сиз бир-икки соат айланиб келинг», дея күчага йүллади шекилли, бегонани. Майли, гувоҳсиз бұлса — гувоҳсиз гаплашамиз!

Бир оздан сұнг хонага узун-қисқа бұлиб Моҳигул, Тоҳир ва Севара кириб келишди. Уй поли пардоз ойнаси, чойнак синиқлари, чой шамаси қолдиқлари билан битта бұлиб ётарди.

— Хүш, — дея Тоҳирга үшқирди Бекмирза. — Сен кимсан үзи?!

— Мен аввало худонинг ожиз бир бандасиман, дада...

— Сени дунёга келтирған ким деяпман?!

— Сиз ва аям, дада...

— Ҳамиша әсингда тут: Сен менинг зурёдимсан, менинг уруғимдан унгансан, мен бұлмасам, сен ҳам йүқ әдинг... Хүш, ундиридим, үстиридим, үқитдим, ишли, үй-жойли қылдим. Яна нима истайсан мендан?! Ҳаётими-ни бахш этдим сенларға, нима энди күксимдаги юрагимни юлиб жонимни ҳам берайми? Шуни истайсанларми?

— Жонингизни оладиганлар бор! Үшаларға беринг жонингизни! — Бирдан чинқирди Севара. — Беринг ҳамма нарсамизни үша тасқарага! Күчаларда уятдан бош күтараолмай қолдик! Ёшингиз олтмишга яқинлашганда ярашадими шу сизга! Дада дейишишга номус қиламан энди сизни! «Сенларға ҳаётимни бахш этдим» әмиш, ахир, аям сизга бахш этмадими бутун ҳаётини!

Аям бўлмаганда сиз... Сиз шу... Шу нарсаларга эришмасдингиз! Йўқ, кечириб бўлмайди сизнинг хиёнатингизни! Кечириб бўлмайди!

Севара уввос солиб йиғлашга тушди... Орага бирмунча муддат сукунат чўқди. Ҳеч ким Севарапи юпатмади, ўзи ҳиқиллай-ҳиқиллай кўз ёшларини қуритди...

— Хўжайнин, — деб оҳиста сўз бошлади Моҳигул,— тўғри, ҳар ким суйган ошини ичади. Ҳамманинг бунга ҳаққи бор. Менинг оиласага, сизга садоқатимга заррача шубҳангиз борми? Бирор ишни рухсатингизсиз ёки маслаҳатлашмай қилдимми? Дадангиз, аянгиз раҳматлик билан қандай яхши яшадик... Икки гулдай фарзандни ўстирдик... Албатта, ҳозир «Менинг гуноҳим нима?» десам ярашмайди... Гуноҳим — ёшим ўтганлиги... Буни биламан... Лекин... Лекин майли эди, бошқалардай яшиниб-пусиниб ёш жувонлар билан юраверсангиз. Бу... ахлатни емаган эркак йўқ... Бироқ, ёш олтмишга етганда, замонавий Мирзакаримбой каби уйланиб олиш... Лекин ўша ҳам хотини ўлгандан сўнг уйланган эди. Мен ҳали тирикман-ку! Сизни калтабин... Бурнидан нарисини куролмайди, дея олмайман. Сиз... Сиз унга уйланишдан аввал тирноқча бўлса-да, мулоҳаза қилгансиз, деб ишонаман... Лекин, ўша йўлни танлагансиз...

Мен бир муштипар аёлман. Ташлаб кетсангиз ҳам ҳеч нарса қилолмайман. Бу қўлимдан келмайди. Лекин, икки фарзандим, қатор набираларим бор. Ӯшаларни уйлайман... Рузғорга ҳаром аралашдими — барака кетади. Келинг, бу гапларни қўяйлик... Сиз барибир оиласа қайтмайсиз. Шунинг учун, яхшиликча бир иш қилайлик: бор-будимизни, уйлар, дуконлар, банкдаги пуллар, уйдаги йиққан нарсаларимиз, хуллас, ҳамма нарсамизни тўргта бўламиш. Бир қисми сизники, уч қисми бизники бўлади! Кейин ким билан яшайсиз, қандай яшайсиз — ихтиёрингиз!

* * *

Солиҳа идорада ўзига нисбатан муносабат аллақандай ўзгарганини сезиб юради. Яхшиямки, бу ерда аёллар кам. Битта-иккита мутахассис-у, иш юритувчи, котиба қизлар... Уларнинг деярли ҳаммаси Солиҳадан ёш, фақат, илгари аллақайси редакцияларда ишлаб юриб, божхона тизимида матбуот хизмати ташкил топгач,

шу даргоҳга ўрнашиб олган Каримахонгина у билан тенгдош. Лекин, икковлон яқин ҳам эмас, сабаби Каримахон күпинча божхона ишини ёритиш мақсадидаги сафарларда бўлади. Уйи, оиласи бор... Бир куни шу аёл Солиҳанинг кабинетига кириб келди. У ёқ-бу ёқдан сұхбатлашиб ўтириб, бирдан гап оҳангини узгартирида:

— Солиҳон! Тинчликми, ўзи? — дея унинг юзларига тикилди.

Солиҳа аввалига савол моҳиятини тушунмади, сұнг Кариманинг нимага ишора қилаётганлигини англаб қизариб кетди...

— Нима... масалада?

— Сизни турмуш қурди дейишяпти, — Карима гап айлантиришни ёқтирмасди. — Бекмирза акага теккан эмишсиз.

Солиҳа бир муддат жимиб қолди. Сұнг Кариманинг күзларига кўзини тикиб:

— Мен ҳам аёл кишиман. Буни устига ўз ҳаётимга ўзим хўжайинман. Ҳа, у киши билан турмуш қурдим... Эскичасига... — деди оҳиста.

Карима бир муддат жим қолди.

— У кишининг нариги оиласи-чи?

— Билишади! — деди қатъий оҳангда Солиҳа, — ҳаммаси келишилган!

— Ҳм... нима ҳам дердим... Замон ҳозир ўзи шунақа... Ишқилиб, раҳбарият бирор нарса демаса бўлди.

— Ҳозирча индашгани йўқ... Жуда зарур бўлса ишини олар-да!

— Йўқ, ундей деманг... Сиз яхши мутахассис, идорага фойдаси тегадиган ходимсиз... Фақат Бекмирза аканинг нариги оиласи жанжал кутарса... Идора обруйига путур етади. Раҳбарлар шундан ҳайиқишиди, холос. Умуман бу кўнгил иши... — дея бирдан юмшади Карима. — Идорадан ташқаридаги ҳаётимизга аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Бекмирза акани яхши биламан, чиндан ҳам виждонли, соф кўнгил, қисқаси, тоза одам. Сиз ҳам бир неча йилдан бўён кўз унгимдасиз, юзингизга айтавераман — покиза аёлсиз! Икковингизнинг топишганингиз жуда маъқул. Фақат... Бекмирза аканинг оиласи муаммоси бор...

— Туғри айтдингиз, Каримахон, бу кўнгил иши. Бекмирза аканинг пулу молига учганим йўқ. Худо

гувоҳ... — Бирдан Солиҳанинг кўзларида ёш милтиллади. — Ёшим бир жойга борганда... Биласизми, ўзим ҳам ҳайронман... Ёш қизчадай бирдан... Бутун борлиғим билан шу одамни... — Солиҳа «севиб қолдим» деган сўз ўрнига бошқа сўз излаб қолди, — шу одамни...

— Севиб қолдингиз! — Бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди Карима ва ўрнидан туриб Солиҳани қучоқлаб ўпди. — Кутлуғ бўлсин! Яшайверинг у билан! Бирон нарса бўлса мен кафил!

Шундан кейин идорада Солиҳага нисбатан бўлган ўзгариш секин-аста тарқаган чанг-тўзондай тарқаб йўқ бўлиб кетди. Кейинча Солиҳага маълум бўлишича, Карима бу суҳбатни раҳбариятнинг топшириғи билан ўтказган, у ижобий ахборот етказгач, раҳбарият ҳам шу билан хотиржам бўлган экан...

* * *

Улуғбек Аҳмедов кўчага жуда кам чиқар, қўни-қўшнилар билан алоқаси ҳам деярли йўқ эди. Ҳеч ким уни йўқлаб келмас, ўзини ҳам бирор кишиникига борганини бирор ҳали кўргани йўқ... Шу боис эшик қўнғироги бехос жиринглаганда телевизор қаршисидаги диванда ёнбошлаб ётган Улуғбек aka чучиб тушди. Ўрнидан туриб эски бозордан олган бухоро чонини елкага ташлаганича коридорга чиқди.

Ташқарида қўшни аёл Нодира билан етилган бир қиз туришарди. Эшик очилгач, қиз Улуғбекнинг юзига ялт этиб қаради-ю, сесканиб кетди... Кейин беихтиёр шошганича Нодиранинг қўлидан тортди.

— Йўқ! Йўқ! Дадам эмас бу одам!

— Ҳа, майли, майли, мунча ҳовлиқасиз! — дея қизга ишора қилди Нодира, — отаси Россияга кетганича уч-тўрт йилдан бери дарак йўқ... Кеча, шунаقا, бир қўшнимиз бор деб сиз ҳақингизда гапирган эдим, оборасиз деб қўймади...

— Ҳечқиси йўқ, бўлади-да, — деди Улуғбек хайрмазурни ҳам насия қилиб пиллапоядан шошганича пастга отилган қизнинг ортидан қараб қоларкан.

— Кечирасиз, — деди хижолат бўлиб Нодира, — мен бунаقا шошқолоқлигини билмабман бу қизни...

— Майли, майли... — дея Улуғбек эшикни ёпиб ичкарига қайтди. Яна ўзини ойнага солди. «Наҳот, одам

күркүвлик даражада бадбашара бўлсам! Ҳа, бу тилингган юзлар... Билмаган одам пичоқ билан тилингган дея ўйлаши ҳам мумкин. Бунинг устига пачоқ бурун...»

У чукур «үф» тортиб яна ўзини диванга ташлади. Кейинги бир йил ичида жуда ҳам зерикди. Илгари ҳар бир дақиқаси саноқли, кечаю кундуз ҳаракатда бўлган одам учун турт девор ичига қамалиб олиш, бекорчиликдан ортиқ азоб йўқ. Нима қилсин, ахир? Уйлаб ўйининг тагига ета олмайди. Оила билан алоқа энди бутунлай узилди. Яна ўзини танитса, яна ўша диққи-нафас, ҳар бир дақиқаси азобдан иборат ҳаётга қайтиши керак. Ёлғиз умиди, ягона илинжи эса — у! Улуғбек у борлиги учун ҳам шу дунёда яшаб, у нафас олаётган ҳаводан симириб юрибди. Агар у йўқ бўлса, Улуғбек бу дунёда бир дақиқа ҳам яшай олмайди!..

Улуғбек үрнидан санчиб туриб кетди. Қанчалар соғинди уни! Ҳозир бир дақиқа шу аёлнинг этакларини ўпиш учун жондан кечишга ҳам тайёр у. Аммо, у қандай қабул қиласкин бу... бадбашарани! Юрагидаги эски туйгуларни ҳам учирив юбормасмикин? Үтган бешолти ой ичиди қанчадан-қанча хаёлларни бошидан ўтказмади Улуғбек... У билан бирга яшаш хусусида қанчадан-қанча режаларни тузмади... Фақат... Охирги ойлари аёл ўзини четта ола бошлаганди... Бу албатта кўнгил қайтганидан эмас, эркакнинг аҳволини яҳшилаш учун эди... Буни Улуғбек тушунарди.

Лекин... узини танитгандан сүнг ҳам шу муносабат давом этсачи...

Улуғбек хона ичиди яна (нечанчи бор!) у ёқдан-бу ёқса юра бошлади... Сунг телефон олдига келди-да яна (нечанчи бор!) таниш рақамларни терди.

— Алё! Кимсиз?

Бир-икки дақиқа телефоннинг одатий фувуллаши, аёл кишининг нафас олиш эшитилди.

— Кимсиз? Гапириңг!

Уулғбек овоз чиқаётган гүшакни юзларига суртди...
Бетиним, қайноқ бұсалар олди гүшакдан...

六六六

Йўқ, бу сўзлар Бекмирзага булутсиз осмонда тұстадан янграган момақалдириқдай таъсир қилмади. Нечамарта хаёлига келган, неча марта ўзи айтишга шайланған гаплар бу! Бироқ, шу даҳшатли сўзлар яланғоч

ҳолда ўртага ташлангач, ҳамма бирдан қотиб қолди. Севара билан Тоҳир бундай таклифни умуман кутмаган эдилар. Улар ҳали ҳам, Севара йиги-сиги, Тоҳир бирон-бир оқилона тадбир ишлатиш йўли билан отаона никоҳини сақлаб қолиш, оиласинг парокандалигига йўл қўймаслик ниятида эдилар, холос. Онанинг оғзидан чиққан сўзлар бехос бошга урилган тўқмоқ зарбидай уларни гангитиб қўйди...

Бекмирза бирдан оёғидан мажол кетганини ҳис қилди ва секингина ёнидаги креслога чуқди. Тоҳир ҳам bemажол диванга ўтириб қолди. Ҳаммаларига ниҳоятда узоқ туолган, лекин аслида икки-уч сонияча давом этган сукутни яна Севара бузди.

— Ая! Нима деяпсиз, ўзи? Қанақа булиш?! Биз сира ҳам рози эмасмиз... Ҳеч қанақа булиш бўлмайди! Тоҳир aka! Гапиринг буларга! Нима қилишмоқчи булар! Жон ая! Ўзингизни босиб олинг.

— Ҳали ҳам мен жуда босиқ аёлман, қизим. Сизлар эшитаётган хulosага келгунча минг бир чифриқдан ўтказганман айтадиган гапларимни. Ҳақиқий аҳволни — даданг у аёл билан қандай... — Моҳигулнинг овози титраб кетди, — и...иноқ яшашини сизлар билмайсизлар. Бу... ажралиш фикрига даданг мендан бир йил илгари келгани ҳам сизларга ноаён, аммо мен сезгман... Ё, нотўғри айтаяпманми, хўжайин? Айтишлари-ча яқинда... ука, ўгай ука ҳам курасизлар! Аҳвол шу даражага етган! Ҳа!

Бекмирза бир замбил лойга айланган эди... Наҳотки? Наҳот, Моҳи буларнинг ҳаммасини билган... билган ва сукут сақлаган! Тоҳир билан Севара ҳам лол эдилар...

Очиқ форточкадан хонага ташқарининг изфирин ҳавоси киришга шайланар, аммо ичкаридаги иссиқ изфиринга йўл бермас эди. Қаердадир машина узун сигнал чалди. Аллақандай кишилар баланд овозларда гаплашиб, кўча дарвозаси олдидан ўтиб кетишиди.

Севара онасига яқинлашиб, маҳкам қучоқлади, юзларидан «чўлп-чўлп» ўпди-да, кўз ёшларини арта-арта ташқарига чиқиб кетди. Ортидан Тоҳир ҳам қўзғалди...

— Аяжон, — деди у ҳам онаси қархисида бош эгид. — Биз бу ишларга аралашолмаймиз. Нима бўлса ўзларинг ҳал қилинглар... Нима қарорга келсаларингиз — шунга розимиз!

Шундай дея у ҳам хонани тарк этди. Фарзандлар креслода тошдай қотган ота томонга қиё ҳам боқишимади.

— М... мени кечир, Моҳи... — ниҳоят тилга кирди Бекмирза. — Тұғриси, итлик қылдим... сен ҳақсан. Лекин... Моҳи, ажралиш масаласида шошилма... Үйлаб күр. Отанг тақдирини ҳам эсла...

— Отам унда жуда ёш эди! Үнги тушуниш ва кечириш осон эди... Сиз эса нариги дунёни үйлайдиган даврингизда шунақа қабиҳликка құл урдингиз.

— Бу қабиҳлик әмас, Моҳи! Агар мен үша аёл билан күнгилхушлик учунгина юриб, сен айтгандай хоҳлаган пайтимда ташлаб, бошқасига илакишиб кетаверсам қабиҳлик бұларди. Ишон, мен ҳеч қачон сенга хиёнат қылмаган әдим. Шу аёл истисно бўлди! Сен билан ҳам юрганмиз ёшлиқда... Сайрлар, учрашувлар, театрлар... Аммо...

У «ҳақиқий муҳаббат қанақалигини билмаганмиз» демоқчи эди-ю, тилини тийди.

— Ҳақиқий муҳаббат әмас эди, бу демоқчисиз-да. Йўқ, хўжайин, эҳтимол сиз ўзингиздаги сохта туйфуларни ўшанда муҳаббат деб үйлагандирсиз. Лекин, Моҳигул сизни... Қандай бўлсангиз шундогингизча севган! Чин дилдан севган! Ота-онасининг норозилиги ҳам уни бу йўлдан қайтаролмаган!

Бекмирза қалбидаги туйфуларни бу аёлга тушунтириш беҳуда эканлигини ҳис қилди. Ҳожати ҳам йўқ бунинг! Буни нафақат Моҳигул, дунёning бирорта тирик бандаси тушунмайди. Буни фақат үша... Солиҳа билади ва ҳис этади холос...

— Моҳи! — деди у қатъий оҳангда. — Ажралиш масаласини қўй! Кўтарма буни! Майли, мол-мулкларни сен айтганча бўлайлик... Кўнгилларинг тинч бўлсин. Мен розиман. Аммо, ажралишга ва уйдан кетишга кўнмайман!

— Мен иккинчи хотин бўлиб яшамайман!

— Моҳи... Қизишка... Тўғри, мен ноҳақман, сенга хиёнат қылдим, абллаҳман! Аммо, менга фурсат бер....— Сен ахир, ақлли аёлсан... Ҳаётда нималар бўлмайди, ахир! Үйлаб кўр...

Эртаси кундан мол-мулкларни ҳисоб-китобига киришдилар. Шаҳар марказидаги дўкон Севарага ўтказилди. Мавзелардаги икки дўкон Тоҳир номига рас-

мийлаштирилди. Уй-жойлар тұлигича Моҳигулга берилди. Аммо, юқоридаги икки хона Бекмирзага ажратылды ва у бу хонадон айзоси сифатида шу ерда доимий яшаш мақомига эга бўлди. Моҳигул билан ажралиш номаълум муддатга кечиктирилди. Бекмирзага тегишли қисмлардан келадиган фойдадан унга ҳар ой маълум миқдорда ҳақ тўланадиган бўлди.

Оиланинг ички сири ҳисобланган бу гап-сўзлар ташқарига чиқмади. «Бош ёрилса бурк ичид» деганларидай қуни-қўшини, қариндош-уруғлар оиласидаги аллақандай безовталикини ҳис этишди-ю, аммо ҳақиқатда нималар рўй берганини англашолмадилар... Бекмирза ҳақиқатда оила бошлиғлигидан қулатилди. Унинг үрнини Моҳигул эгаллади.

* * *

Она ҳамон қизининг севгисини омонат деб билар, назарида бугун бўлмаса эртага Бемирза албатта Солиҳани ташлаб кетадиганга ўхшарди. «Неварали одам бошқа аёл билан чин дилдан никоҳ қуармиди? Ҳаёлида нима бор унинг — ёлғиз худога аён! Қизим эсини йиғиб олса бўларди...» Ёши қирққа яқинлашган аёлнинг ҳомиладор бўлиши ва устига-устак туфмоқчи эканлиги қип-қизил аҳмоқлик эди назарида.

Солиҳа кечқурунлари ишдан уйга қайтишга ҳам бе зиллаб қолди. Ҳар куни ўша бир хил қўшиқ: «Болани олдир! Бу бола сенга яхшилик келтирмайди!» Шуна-қанги асаббузар кайфият кун-бакун ич-этини кемира ди. Нима қилсин? Онасининг гапида жон бор. Аввало қирқ яшар аёлнинг туфиши осон кечмайди. Үғли ўн бешга тўляпти. Йигирма тўрт ёшида, шарқона удумларга зид равишда анча кеч тукқан эди. У биринчи фарзандини... Майли, бу-ку бир гап бўлар... Аммо, ишхонада нима дейишади? Ҳали ҳам бирор билиб, бирор билмайди унинг иккинчи хотин бўлиб эрга текканини... Ҳомиладорлик, туғиши эса ҳаммасини ошкор қила ди. Раҳбарият нима дейди, қонуний никоҳдан ўтмасдан оиласи бир одам билан эскича турмуш қурган, боз устига фарзанд кўрган ходимга муносабат қандай бўлади? Обрўли, жиддий идорада бунақанги аёлнинг ишлаб юришига индамай қараб тураверишмаса керак... Лекин, Бекмирза... Бекмирзанинг ўша «Бекмирза ака... Фарзанд кўрамиз!» деган сўзни эшитгандан сўнг ёш

йигитдай қийқиргани, бұсалар ва сов-ғаларга күмгани, ҳар куни албатта бир карра Солиҳанинг қорнига қулоқларини босиб, «ҳаракат қиляпти, шекилли... Алё, ўғлим, катта бўляпсанми?» дея шодланишлари олдида ҳаммаси ўтаверсин... Майли, ишсиз қолсин, уйда ўтирусин, бола боқсин... Бекмирзанинг бир зумлик қувончини хирадаштиришга арзийдими бу иш, бу обрў!

Кеча кечқурун «висол уйи»га кириб келган Бекмирзанинг кайфияти суст эди. Солиҳа ижикилаб ўтирамади, овқатдан сўнг Бекмирзанинг ўзи хонадонида бўлган воқеаларни гапириб берди.

— Демак... А...аёлингиз ҳамма нарсани биларканми? — деди Солиҳа алланечук товуши титраб.

— Ҳамма нарсани, — тасдиқлади Бекмирза, — ҳатто, ҳомиладор бўлганингизни ҳам... Солиҳа бошини этганича анча муддат ўйланиб қолди.

— Энди нима бўларкин? — деди у ниҳоят... Негадир Бекмирзанинг қулларидан ушлади.

Бекмирза унинг қўллари титраётганни сезиб елкасидан қучоқлади.

— Бир ота фарзандлари учун нималар қилиши лозим бўлса, ҳаммасини бажардим, — дея сўз бошлади у қатъий оҳангда, — хотиним учун ҳам керагидан ортиқ даражада хизмат қилдим. Тўғрисини айтиш керак, у яхши хотин, яхши она, яхши уй бекаси... Лекин, кўнгил деган нарсага буюриб бўлмаса нима қилай?! Ёшим бир жойга борганда муҳаббат деган чинакам туйғу бор вужудим, ихтиёrimни эгаллади... Ахир худо бўлса кўриб, билиб тургандир бу ҳолни! Лекин бузуқлик, ўйнашибозлик қилмадим, кўнгил хуши учун юрмадим... Аслида шундай қилсан хотин ҳам, болалар ҳам парво қилишмасди... Ахир, неча-неча ўртоқларимнинг куни яширин исловатхоналарда ўтади. Болалари, оиласи билмайди деб ўйлайсизми? Жуда яхши билишади... Аммо, одат шу, эркакликнинг таомили деб билишади бу жирканч ҳолни ва индамай чидашади!.. Мен нима қилдим? Ўша оғайниларимга ўхшаб топганимни енгилтак аёллар оғушига иргитмадим, буни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмадим.

Улар туйфуларимнинг жiddийлигидан чучишади, уларни даҳшатга солган, қўрқитаётган ҳам худди шу—Сизни чинакам яхши қўрганим!

Шуларнинг кўнгли жойига тушсин, «Дадамнинг

топган-тутгани эртага... бошқага ўтиб кетади» дея юракларини ўйнатаётган ташвишдан кутулсин деб дўконларни номларига хатлаб бердим, уй-жойни хотиннинг номига ўтказдим, ўзим ўз уйимда «квартирант» бўлиб қолдим... Мени кечирасиз-у, Солиҳа, яна нима қилиш им керак, ахир?!

Солиҳа Бекмирзанинг ҳаяжондан қизарган юзларини аста силай бошлади. Бекмирза унинг оппоқ, майин кафтларини ўпди.

— Мен учун... Дунёда сиз бор бўлсангиз кифоя,— деди Солиҳа. — Бошқа ҳеч нарса, ҳа, ҳеч нарса керак эмас... Биргина ташвишим шу ўғлим... Назаримда, юрагим тарс иккига бўлинган... Бири сизники, бири фарзандимнинг қўлида. Бу дунёда уяладиган бўлсам фақат ўғлимдан уяламан...

— Ахир бу ҳаёт, Солиҳа. Ҳаммамиз ҳам тирик инсонмиз, ҳамиша ҳис-ҳаяжонларга, орзу-умидларга лиқ тұла одам боласимиз... Мен ишонаман, у албатта, ҳаммасини тушунади, сизга бўлган бир меҳри икки бўлади...

— Айтганингиз келсин...

Эртаси тушликдан сўнг навбатчи милиционер идора эшиги олдидаги постдан телефон қилди.

— Сизни Севара деган аёл сўраяпти. Узингиз яхши билармишсиз уни...

Солиҳани қўлидаги телефон ҳам, қули ҳам, ўзи ҳам бир зумда музга айланди: яна Севара!

— Айтинг, кутиб турсин, мен ўзим тушаман! — деди у бир оздан сўнг...

Солиҳа қўллари қалтираб, анчагача жойида безовта қиёфада ўтириб қолди. Нима қилсин? Ҳозир бу урушқоқ аёлнинг ёнига чиқса, идора олдида бир корҳол рўй бериши аниқ. Ўтган галгидай бирдан устига ирғишлиб, ура бошласа-чи?! Ана шармандалик! Бир амаллаб, ялиниб-ёлвориб бўлса-да уни четроқ жойга сургашнинг иложи бўлармикан?.. Кутилмаганда хаёлига идораларидаги журналист аёл Каримахон келди. Ўша бир галги сұхбатдан сўнг Солиҳанинг бу аёлга ҳурмати ошган, кўришганларида салом-аликлари ҳам аллақандай илиқ эди. Шу опадан бир маслаҳат сўрасинми?

Солиҳанинг баҳтига Каримахон кабинетида экан.

— Вой! Ҳеч келмайдиган одам! Бизниям ҳисобга олибсиз-да! — дея у шўх-шаддод қиёфада Солиҳага

кучоқ очди. Икковлон бир оз хол-аҳвол сұрашға, Солиҳа мақсадга күчди.

— Жуда... қизиқ аҳволга тушиб қолдим, Каримахон. Аҳволим... Оиласый аҳволим сизга аён...

— Хүш? Хүш?

— Бекмирза аканинг қизи келибди... Ҳозир ташқарида турибди... Мени чақи्रяпти...

— Нима гапи бор экан? Э, шошманг... Ҳа-я... — Каримахон бир зум ўйланиб қолди, — илгари ҳам... күришганимисизлар?

— Ҳа, бир гал... Урушқоқ аёл экан...

— Майли! Юринг, бирга тушамиз! — деди Карима. У чиндан ҳам зийрак хотин эди. Солиҳанинг ўз олдига мадад сұраб кирганини дарров тушунди ва хизматдош муҳофазасига шай ҳолда у билан бирга пастга тушди.

Севара ичида үзини совуқда куттириб қўйган ўттай онаси бошига қарғишилар ёғдирганича беш қаватли бино олдидаги қор босган йўлларда у ёқдан-бу ёқса юриб турувди. Ичкаридан Солиҳа билан бирга яна бир басавлат аёл чиқиб келганини кўриб баттар энсаси қотди. «Шерик ҳам етаклаб оптилар бу хоним! Шеригингни ҳам экиб қўяман, ўша!»

— Ҳой! Мунча куттирмасангиз! Ҳе, ўша... Сенинг олдингга башарангни томоша қиласман деб учеб келганим йўқ. Ҳе, башаранг курсин сени!

Карима хизмат формасида эди. У икки-уч тез қадам ташлади-да, Севаранинг қулидан ушлади.

— Бу давлат идораси, синглим! Овозингизни бошка жойда кутарасиз! Ё эшик тагидаги милиционерни чақирайми?!

Севаранинг бирдан уни учди. Ўйларида болалиқдан хукмрон бир кайфият — яширин новвойчилик туфайли суриштирув идоралари ходимларидан чучиш, ҳайи-қиши туйфуси унинг қон-қонига сингиб кетганди. Ҳозир ҳам манови басавлат, формали аёлнинг милиционерни чақириши, унга буюриши мумкинлиги лоп этиб ёдига келди-ю, бўшашиб кетди....

Бунақа аёлларни кўп кўрган, тажрибали Карима Севарани сувга тушган нондай бирдан бўшашганини сезди-ю, Солиҳага қараб кўз қисди.

— Солиҳа! Нима, гапи бўлса, ҳув, нариги фонтан ёнида айтсин! Бирон номаъқулчилик қилса, мана милиционер шай турибди!

Севара индамай фонтан томон йұналди. Солиқа ҳам унга әргашди.

— Келинг, нима гапингиз бор эди, менга... — деди Солиқа сокин оқанғда.

— Нима гаплигини жуда яхши биласиз, опа! — күтилмаганда яна қони қайнади Севараппинг, лекин, беш қаватли бино тарафға күзи тушди-ю яна бұшаши.

— Опа, қирқ үйлік турмушни барбод қылдингиз. Отамизни тортиб олдингиз. Онам бечора аддои тамом бұлди... Аммо, ҳеч нарса деганимиз йүқ. Жанжал қилмадик, мелисама-мелиса, судма-суд югурмадик...

Солиқа индамай турди, аммо, унинг ҳам томирла-рида қон жүш уриб борарди.

— Энди әшитсак, фарзанд ҳам құрмоқчи экансиз-лар! — дея овозини баландлатди Севара, — Агар шу иш бұладиган бұлса — биз ҳам қараб турмаймиз! Оёғимиз етган жойгача борамиз!

— Бизнинг фарзанд құришимиз бу бизнинг иши-миз, дадангизнинг хоҳиши...

— Ҳароми бола, ҳароми уканинг бети қурсин! — Севара яна овозини баландлатди-ю, аммо беш қаватли бинога қараб яна нафаси ичига тушди.

— Ҳароми демант ҳали туғилмаган болани! Шаъ-рий никоҳимиз бор!

— Ҳеч қанақа шаърий-маърий никоҳингни бил-майман! Ҳароми у! Сен эса бузуқи, фоҳишасан!

Севара энди үзини, вазиятни бутқул әсдан чиқа-риб бақиришга, шалоқ тарзда қарғашға тушди. Яхши-ямки, Карима идора қабулхонасида уларни кузатиб турған экан. У шошиб ташқарига чиқиши билан Сева-ра фонтан ёнидан күча томонға юрди. Аммо, бақи-риш-чақиришни бас қилмади.

— Бузуқи! Ҳароми болангни йүқот!

Солиқа фонтан атрофидаги үриндиқлардан бирига беҳол үтириб қолған, алам ва хұрлықдан дир-дир қалтиардид...

— Шарманда бұлдик! — дея қарши олди уйда уни онаси, — Ановини қизи келиб, бутун маҳаллани бо-шиға күтарди. Қий-чув, бақириқ, түполон қилди... Қа-риганда бошимға шунақа ишлар тушади деб тушимға ҳам кирмаганди!

Солиқа миқ этмай уйға кирди-ю, үзини диванга отди. Демак, у маҳаллага ҳам келибди-да! Нафсиlam-

рини айтганда Солиҳанинг Бекмирзага турмушга чиқиши маҳалла учун сир эмасди. Ўртада никоҳ ўқилгани, шаръян улар ҳақиқий эр-хотин эканликлари оқсоқоллар, онахонларга маълум эди. Шу боис Бекмирзанинг ўзи ҳам, машинаси ҳам бу ерда пайдо бўлса ҳеч ким ажабланмасди. Лекин, шаллақи қизнинг жанжал кўтариши қанча-қанча гийбатчи тилларга эрк беради...

— Ҳой, қизим! Сенга минг марта айтганман, бу ишнинг охири яхшиликка бормайди деб. Анови қиз-ку худо урган шаллақи экан — онаси қанақа худо билади... Эртага униси ҳам бошимга бостириб келмаса дейман? Йўқот шу болани! Олдириб ташла!

Солиҳа иккала қўли билан қулоқларни беркитди. Аммо қалласида «Олдириб ташла! Олдириб ташла!» деган чақириқ зувиллаб айланиб юарди...

Эртаси ишга бориб стулга ўтириши билан телефон жиринглади.

— Ҳой қанжиқ, сенмисан?! Олдириб ташла ҳаромингни!!! Туғилса ҳам тирик қўймаймиз итваччани!

Солиҳа гўшакни жойига ирғитди. Йўқ, Севаранинг овози эмас бу...

* * *

Бекмирза кейинги пайтларда зерикиш нималигини билмади, аксинча, у баҳтиёр эди. Юраги ўзгача завқшавқقا тўлган бу одам ҳар куни «висолхона»га борар, телевизор кўрар, дастурхон тузар, Солиҳани кутар эди. Солиҳа ишдан чиқибоқ, шу ёққа шошар, то тун яримлагунча Бекмирза билан ширин дамларни ўтказарди. Баъзан у «висолхона»да қолиб ҳам кетар, лекин ўғли ва онасидан бу «бўш»лиги учун кейин қаттиқ хижолат чекарди... Бекмирза Солиҳани уйига ташлаб қўйгач, кўпинча «висолхона»га қайтар, кундузги соат тўққизунга қадар шу ерда ухлар эди. Уйида эса энди уни ҳеч ким кутмас, қачон келиб кетса ўз ихтиёри... Фақат келинигина чой-пойидан хабар олиб, ўрин-тўшагини тузатиб қўярди.

Бироқ ишлаб ўрганган одам бекорчиликка чидамас экан, кўп ўтмай у ишни соғинганини ҳис қилди. Кун бўйи ниманидир йўқотган одамдай у ёққа боради, бу ёққа боради — қўнгли таскин топмайди.

— Тоҳир! — дея чақириди у ўғлини бир куни эрталаб. Тоҳир кейинги ойларда пайдо бўлган одатига кўра,

индамай дарвозахонага йұналаётган эди. Отасининг төвүшини эшитиб ортга бурилди. Ичкарига кириб, дадаси билан саломлашди. Бирок, кайфиятида ҳеч қандай үзгариш бўлмади. Гўё куча таниш бир одам билан саломлашгандай тутди ўзини.

— Хўш, ишлар қалай, ўғлим?

— Бир нави...

— Менга қара, ярамас! — бирдан портлади Бекмирза, — нима, дадам үлди деб ўйляяпсанми?! Ўтирина бу ёққа! Ҳар учала дўконда ҳам катта-катта улушим бор! Ҳар бир қадамингни суриштиришга ҳақлиман!

— Мен бир нарса деяпманми?..

— Нега демайсан?! Дейишинг учун чорладим бу ерга!

Тоҳир ноилож отаси рўпарасига ўтириб, дўконларда кейинги икки ой ичидаги қилингандаги ишлар ҳисобини бера бошлади. Шу орада юқоридан Севара тушиб келди. Айвонда отасига ҳисобот берадиган Тоҳирни кўриб, уларга яқинлашди. Лекин, дадасига салом бермади. Кейин бўлаётган сұхбат моҳиятини англаб олгач, бирдан жангга ҳозирланган хўроздай тикрайди.

— Бу ишларини суриштиришга нима ҳаққингиз бор? Керак бўлса ана акциядорлар йиғилиши ўтказамиш. Ўшанда нима дардингиз бўлса тўкаверасиз!

Бекмирза бошини кўтариб, қизининг кўзларига тикилди. Бу совуқ чақнаган кўзларда нафрат ва жоҳилона сурбетликдан ўзга ҳеч нарса акс этмас эди. «Шу сурбет, ўзини гўё она ҳимоясида деб ўйлаб отага ташланадиган қиз — менинг қизимми?» У ҳозир бир оғиз гап отса, бу гап пороҳ омборига тушадиган лагча чўғ ролини ўташини сезди ва ўғлига:

— Бўпти, боравер... — дея қўл силтади. Тоҳир ҳам бирдан енгил тортиб, илкис осмонга учган қушдай лип этиб ташқарига отилди.

* * *

Моҳигул ҳали ҳам одатдагидек тунлари эри уйга келгунча мижжа қоқмасди. То кўча дарвозаси машина чироғидан ёришиб, ё Тоҳир, ё неваралардан бири эшикни очиши, машинанинг ичкарига кириши, Бекмирзанинг машинадан тушиб, ётоғига йўналишини кўрмагунча унда уйқу йўқ эди. Бекмирза келмаган тун-

лари беором ётар, баъзан гӯшакни кўтариб унинг «сотка»сига қўнфироқ қилишдан аранг ўзини тутиб қоларди. Зеро, у Бекмирзани нафақат эр, балки қаровга муҳтоҷ ёш боласидай яхши кўрарди. Бироқ, эрталаб ҳовлида кўришиб қолишиша, қисқа саломлашиш билан кифояланишар, нонушта эса, бошқа эди...

Бир кун кечки пайт ишдан қайтган Моҳигул ўзини беҳол ҳис қилди, озгина истимаси кўтарилиди. Қиши ҳавоси — шамоллабди шекилли. Кечкурун таомга чиқмагач, Севара югуриб хузурига кириб келди.

— Нима бўлди, ая? Тинчликми?

— Тинчлик, озгина шамоллабман...

— Қани, мана ҳароратини ўлчайлик-чи... Вой бў! Ҳарорат 39 даражага кўтарилибди-ю! Нима дори ичдингиз?

— Ҳой, ҳовлиқмагин, болам... Иситмани туширадиган дори ичдим... Менга ҳозир тинчлик керак... Бор, болаларнинг олдига чиқ...

Бироқ Севара ташқарига чиқиб ваҳима кўтарди шекилли, Тоҳир, келин, неваралар ичкарига югуриб киришди. Уларни базур тинчлантириб, эндиғина ўрнига чўзилган эди, йиғма каравот, кўрпа-тўшак кўтариб Севара хонага бостириб кирди.

— Мен бугун шу ерда ётаман! Бўлмаса кўнглим тинчимайди!

— Ҳўп, майли, ёт, болам...

Аксига олиб, шу тун Бекмирза уйга келмади. Моҳигул кўча дарвозасидан кўз узмай тонг оттириди. Эрталаб ҳам истимаси тушмади. Уйга врач чақиртиришди.

— Бир оз шамоллаганлар... Уйни ҳадеб очиб-ёпа-верманглар. Ёш болалар кирмасин. Икки-уч кунда ўтиб кетади...

Эртаси кун кечгача ҳам, кечкурун ҳам Бекмирза кўринмади. Моҳигулнинг кўзи кўча дарвозасидан узилмаганини Тоҳир сезган эди. Кечаси у отасининг қўл телефонига қўнфироқ қилди.

— Дада, яхшимисиз? Аямнинг тоби қочиб қолди..

— Қачондан бери?

— Икки кун бўлди... Истимаси тушмаяпти...

Орадан бирор соатлар чамаси вақт ўтгач кўча дарвозаси олдида машина тўхтатди. Дарвоза одатдагидек машина чироғидан нурафшон бўлди. Тоҳир чопиб чиқиб, дарвозани очди. Бекмирза машинадан тушибоқ, Моҳигулнинг хонаси томон шошди.

— Тинчликми? Нима бўлди, Моҳи?

У Моҳигулнинг ёнига ўтириб, хотинининг пешонасига қўлини қўйди. Иссик... «Қани эди шу қўлларни пешонамдан олмаса!...» Моҳигул ўзини тутиб қололмади — қўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Тоҳир юзини ўгириб, ташқарига йўналди... Моҳигул Бекмирзанинг қўлларидан ушлади. Оҳ, қанчалар қадрдон, қанчалар таниш ва ёқимли...

Бекмирза нималардир деди, Моҳигулнинг юzlари, соchlарини силади... Моҳигул ухлаб қолди. Эрталаб кўзи ни очса Бекмирза хонада йўқ. Атрофида Севара тимирскilаниб юрибди.

— Истимангиз тушибди, ая!

— Даданг қани, қизим?

— Дадам?! — қошларини керди Севара. — Кеча келмаганмиди?

— Ҳа, келган эди.

Севара бир зумда ташқариларни «разведка» қилиб қайтди.

— Ном-нишон ҳам йўқ!

Моҳигул яна ўзини ёстиққа ташлади...

* * *

Кун чошгоҳдан оғиб қолган, идорадаги баъзи пишиқ-пухталар аллақачон тушлик тараддуидиа у ёқ-бу ёқса қўнғироқ ҳам қилиб ултуришган. Албатта, тушликни бирор тадбиркор, бадавлат савдогар билан баҳам кўраётган божхона ходими улфатига ҳам, ўзига ҳам мақтov ололмайди. Аксинча, «фалон божхона ходими фалон савдогар билан фалон ресторонда оғизбурун ўпишиб, ичкиликка бўкиб ётишибди», деган мужда «фалончи фалончиевни ишдан озод қилиш тўғрисида»ги буйруқнинг дебочаси бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу боис божхона ходимига таниш тадбиркор бирор масъул ходимнинг таклифига мувоғиқ ошхонада яхши тушлик уюштиради-ю, ўзини у ердан четга олади. Уч-тўрт нафар ҳамкасб тайёрига бориб, еб-ичиб қайтадилар, холос...

Ўз ишларига кўмилиб ўтирган Солиҳа эшик очилиши билан яlt этиб ўша томонга қаради. У кабинети эшиги ҳар тақиллаганда, ҳар очилганда оstonада фақат Бекмирзани кўриш умидида шошиб эшик тарафга ўгириларди. Йўқ, бу сафар ҳам оstonада Бекмирза эмас...

дугонаси Карима ҳар галгидай шұх-шодон қиёфада ич-карига баҳор шамолидай ёпирилиб кирди.

— Үтирибсизми қоғозга күмилиб, үртөкжон! Э, туринг үрнингиздан! Силкининг! Сакранг! Токи, барча юрак эзадиган ишлар чангдай соврилиб кетсин!

Икковлон қучоқлашиб, үпишиб күришдилар. Кейинги пайтда Солиҳа идорасыда ёлғиз шу аёлга сұяна-диган ҳолга етган эсада, хамон кам күришардилар. Сабаби, Солиҳанинг иши фақат кабинетда үтади, Кариманинг эса аксарият вақти хизмат сафарларида, телестудия, газеталар таҳририятларида кечади. Икки бир-бирига яқын аёл үтириб, хол-аҳвол сұрашгунларича ҳам ярим соатдан күп вақт үтиб, тушлик пайти келиб қолди.

— Солиҳахон! — деди Карима унинг күлиға күлини босиб. — Тушликка бир жойға борамиз! Чет, лекин шинам, озода, овқатлари рисоладагидай маскан... Бир одам хизматимизда бұлади.

— Кім? Қанақа одам? — хүшёр тортди Солиҳа.

— Кім бұларди? — күзини шұх қысади Карима. — Бир кетворған, жонон йигит-да!

— Э, қүйинг, Карима! Нима деяпсиз?

Карима юмалагудай бұлиб кулди.

— Э, кеча сафарда биттасини илаштирганман. Ұзи оддий иш... Газетага икки сатр ёзсам ҳам бұлади, ёзмасам ҳам... Шунға үша ошқовоқ «ёзманг!» деб этагимга осилиб олган. Үша үштирияпти. Лекин, құрқманғ үзи биз билан үтирайди, күришмайди ҳам.

Карима танлаган кафе дарҳақиқат, хұрандалар сий-рак эса-да, шинам, тинч жой экан.

— Солиҳа! Үн граммдан яхшигина вино ичамиз! — дея Карима яна Солиҳанинг күлини ушлади.

— Йұғ-е! Иш пайти...

— Шунақа дастурхонни ташлаб, ишга кетаверадими ақыл одам! — дея яна қаҳ-қаҳ урди Карима, — иккаламизга ҳам жавоб сұраганман хұжайниндан!

Құрқам дастурхон устида бир-бирларига баҳт-саодат тилаб қадаҳлар қутаришди. Қон бошға тепиб, юзлар қизарди, бири-биридан үткір латифаларни ёйиб ташлади Карима, Солиҳа эса күлгидан чарчамади...

— Солиҳа! Дугонажон... — дея Солиҳанинг күли устига қүлини қўйди бир вақт Карима, — кеча Жавдот Абдуллаевич мени чақириб бир гап айтдилар.

Солиҳа бир зумда ўзига келди, озгина кайф шодлиги қаёққадир учиб кетди. Кариғанинг гап оҳангидаги айтадиган фикри жиддийлиги, бугунги зиёфат айнан ана шу гапни айтиш учун ўюнтирилганлигини у дарров сезди.

— Айтаверинг, Каримахон, — дея олди у бир ютиниб.

— Анави... Бекмирза аканинг қизи... Севара Жавдот Абдуллаевич номига шикоят хати ёзган... Хуллас, ўзингиз тушунасиз... Ўттиз йиллик турмушни бузди... Онам ёлғиз, касалванд... Бунинг устига сизни.... Фарзанд кутаяпти, дея ёзган.


Карима бир муддат жим қолди.

— Идорамизнинг жиддийлиги, обруси хақида, агар... агар фарзанд кўрсангиз, шу идорага яхши гап бўлмаслиги хусусида сизга гапириб ўтиришга ҳожат йўқ... Тўғри, бу ҳар кимнинг шахсий иши, ўз ҳаёти. Аммо, биласиз-ку, ҳалиям уша совет даврида миямизга сингиб кетган тушунчалар ўлгани йўқ... Шахсий ҳаёт билан идора ўртасидаги фарқ биз истаган даражада йўқолмаган. Бир одам идорада яхши ходим, аъло даражадаги мутахассис бўлиши, идора шу одамга муҳтоҷлиги аён бўлса-да...

Карима муносиб ташбеҳ излаб тўхталиб қолди.

— Аён бўлса-да... Лекин мана бундай нозик ҳолларда шахсий ҳаётдаги яхши ёки ёмон қилмиш албатта идора обрусига таъсир кўрсатади, деган тушунча ҳали онгларимизни тарк этгани йўқ.

Совет даврида, биласиз, бундай муаммолар дарров жамоа муҳокамасига ташланарди. Жамоа йиғилиши воқеа айбдори ёки айбдорларни қоралаб қарор қабул қилгач, маъмурият шу қарорга таяниб дарҳол буйруқ чиқарар, ходим ишдан кетар ёки бошқа бир жазога мустаҳиқ этиларди. Сиз ҳам, биз ҳам ёш эмасмиз — бундай воқеаларни кўрганмиз. Инсоннинг шахсий ҳаёти аслида жамоа, қолаверса, ҳокимият қўлида эди. Эсимда, биз редакцияда ишлардик, ҳали ёш эдим, турмушга ҳам чиқмаганман, аммо партия аъзолигига ўтгандим. Чунки, Сирдарёда пахта териб юриб, рекорд ўрнатганман, шу баҳона талабалик даврида ёқ партия аъзолигига номзод бўлиб олгандим. Шу боис, партия йиғилишларида қатнашишга мажбур эдим. Бир ходимимиз бўларди, ёши элликлардан ошган, касалвандроқ



одам эди. Бу киши эскитдан оиласи билан чиқишмас, хотини шу боис бўлса-бўлмаса, тўполон кўтариб муҳаррирнинг эшигини тепаверадиган муттаҳамроқ аёл эди. Бу одамнинг уйдан безгани, кечкурунлари ҳам редакцияда қолиб кетиши ҳаммага аён, аммо, хотинга бу гапларни айтиш мумкин эмас... Чунки, ўртада бешолти нафар фарзанд бор... Бунақа ҳолатда эрнинг ёнини муҳаррир у ёқда турсин, министри ҳам ололмасди... Хуллас, шу одам бошқа бир аёл билан топишган... Уйда топмаганини ўша аёлдан топган бўлса керакки, алоқалари мустаҳкамланиб кетган. Хотини бундан хабар топган ва аёлнинг манзилини ҳам аниқлаган... Кунлардан бир кун хотин эрнинг ишхонаси — редакцияга келиб хотин-қизлар қўмитаси аъзолари, партком секретарини бир жойга тўплаган. Кейин уларни эри билан яшаётган аёлнинг уйига етаклаб борган... Эшикни халиги аёл очиши билан ичкарига ёпирилиб киришган. Эркак ярим яланғоч... Ўринда ётган экан... Дарров акт тузишган. Уч кундан кейин партия мажлиси бўлди. Айбдор касалхонага ётиб олган экан, ўша ердан беморлик халатида олиб келишди... Хотини қий-чув солди, сўзга чиққанларнинг ҳаммаси хиёнаткор эрни тоза дўппослашди...

Айтилмаган гап қолмади...

Ўшанда охирги сўз берилганда айбдор ўрнидан туриб:

— Ҳа, сизлар ҳақсизлар, — деди, — лекин қайси маънода? Олти нафар болани ўйламади, ахлоқсизлик қилиб, коммунист номига доф туширди ва ҳоказо... Мен бу аёлга уйланганимда ўн саккиз яшар, фур йигитча эдим, ахир... Бошида яхши яшаганмиз. Аммо инсонда бир нарса бор, у на урф-одат, на жамиятнинг маълум қоидалари ва на оилани тан олади. У юрак эрки! Шу залда ўтирганларнинг тўқсон фоизи шу эркни жиловлаб, гижимлаб ўтиб кетишияпти. Ёки яширинча, муно-фиқларча пана-пастқамларда, хилват жойларда, пусибяшириниб, эркка йўл беришади... Ё гапим ёлғонми? Мен шу залда ўтирганлар орасида хотинига хиёнат қилмаган бирорта эркакни билмайман!

Зал тўлқинланиб кетди. Кўп эркаклар қизаришди, ерга қараб олишди.

— Юрак эрки деб мен хоҳлаган аёлни бирор қоронги бурчакда эзгилаб қолишни назарда тутаётганим йўқ...

Мен хотинимга уйланганимда хали айтганимдай ёш бола эдим... Йиллар үтди, мен хам улгайдим, ўз орзу-хәёллари, мақсадлари бор навқирон йигитга айландим. Менинг ҳам севгим, севилгим келди. Ҳолбуки эндигина йигирма беш ёшга кирганман, лекин түрт нафар фарзанд отаси эдим...

Үттиз ёшимда ўша сизлар мени ушлаган уйдаги аёлни топдим. Севдим, севилдим... Эскичасига никоҳ ўқитиб, бирга яшай бошладик...

Одамлар донг қотиб қолишиди. Демак, йигирма йилдан ортиқроқ вақтдан буён булар бирга экан-да! Ҳеч ким билмаганинин қаранг!

— Йўқ билишган! — деди айбдор. — Иккинчи хотинимнинг опаси, Россиядаги қариндошлари билишган. Биз отпуска пайтлари икки-уч карра биргаликда бориб ҳам келганмиз ўша томонларга! Бирга орттирган фарзандимиз ҳам ўша ерда тарбияланяпти, ўқияпти!

Залдан ғалати бир қийқириқ янгради, ҳамма ўша томонга қаради — айбдорнинг хотини жонҳолатда бақириб, хушидан кетган экан...

Сўнг бирдан залда тўполон кўпди. Ҳалиги одамнинг фарзандлари бехуш ётган она ерда қолиб, отага қараб ташланишиди. Қий-чув кутарилди. Кимдир президиумга қараб отган бутилка кекса муҳарриримизнинг қоқ юзига урилиб, кўзойнаги чилпарчин бўлди. Котиба бор овозда дод солиб, муҳаррирнинг устига ўзини отди. Хайриятки, партком секретари хушёр экан, дарров мұҳокама қилинаётган қўш хотинлини паналаб, қўшни хонага чиқариб юборишга муваффақ бўлди...

Эртасига мұҳокама яна давом этди.

— Партиядан үчиришларига ҳам, ишдан бўшатишларига ҳам розиман, — деди ҳалиги одам, — ёшим элликдан ошди. Тинчгина яшамоқчиман.

— Нега тинч яшар экансан, олти болани кўчага ташлаб қўйиб-а?! — дея яна зуғумни бошлади хотин. — Ҳой, одамлар, мана бу хотинбознинг хизматдош ва балки шишадошлари! Қани, нима чора кўрасизлар бунга?

Бирор у деди, бирор бу деди... Ҳамманинг оғзида хотинбозга лаънат, лекин кўнгилда унга ачиниш ва ҳамдардлик ҳисси... Ҳуллас, партиядан үчиридик, ишдан ҳайдадик... Кейин эшитсак, бирор ойдан сўнг у одамни қай бир баҳона билан ҳибсга ҳам олибдилар...

Үзи касалвандроқ эди, бир йил қамоқда ётиб чиқиб, үлди... Эркаклар фотиҳасига бориб келишди... ӽаша үрис хотин чиқариби... Россияядаги ўғли етиб келиб, чопон-дүппи кийган ҳолда маросим тепасида турди дейишиди... Шунақа фожиаларни ҳам кўрганмиз. Давлатнинг, сиёсатнинг шахсий ҳаётга аралашуви ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Коммунистик мафкура, совет тузуми бунга мисол. Шахсий ҳаёт, кўнгил можаролари, бирорни севиш ёки нафратланиш, бошқа минглаб ҳис-туйфулар, нозик кечинмалару, дил галаёнларини қонун билан чегаралаб бўладими, ахир! Қалб изтироблари, ширин энтишилар, қилдай ингичка туйгуларни қонунлаштириш, темир занжирлар билан ӯраб қўйишнинг имкони йўқ... Минг йиллардан буён дин худо номидан шу чегараларни тузиб, уларни бузувчиларга нисбатан шафқатсиз жазолар белгилаган. Аммо улар ҳар қадамда, ҳар бир одам ҳаётида узлуксиз бузилади... Кўнгил — бу руҳият, унинг на овози, на оғирлиги, на ранги, на шакл-шамойили бор. Аслида ҳаммамизни айни шу нарса бошқаради, лекин умр бўйи ӯша бошқарувчига қарши курашамиз, буюрган йўлига юрмаймиз, айтганини қилмаймиз... Ё худо! Нечун шу вазиятни барпо этдинг?!

Карима яна бир қадаҳ вино ичди-да, ошхона дерасидан кўриниб турган яланғоч ӯрик шоҳларига қараб қолди.

— Хуллас, кўнглим сиз билан, Солиҳа! Агар ӯрнингизда бўлганимда балки мен ҳам шу — кўнгил йўлини танлардим...

Аммо, юқорида айтганимдай, шикоят хатини олгач, раҳбарият безовта бўлиб қолди... Сиз ишchan, тезкор ходим, мулоҳазали аёлсиз. Идорада ӯз ӯрнингиз бор. Раҳбарлар сизни хафа қилиш ниятидан узоқ. Аммо, шикоятга ҳам жавоб қайтариш керак, ахир... Эътиборсиз қолдирилса, ӯзингизга маълум — қонун бузилади...

Ошхонада тушлик вақти тугаб, икковлон ёлғиз қолишганди. Ошхона ходимлари йифиштириш, идиш ювиш билан банд, дугоналарга хизмат кўрсатаётган официант қиз ҳар замонда улар тарафга муралаб қўяр, баъзан келиб, «камчилик йўқми?», деб кетарди.

— Хўп, мен нима қилишим керак? — деди астагина Солиҳа.

— ӽизингиз биласиз дугонажон... Мен бир нарса дея

олмайман... Тұғриси... Раҳбарларни туғилажак бола хижолатта соляпти, холос...

— Хұп, шу болани олдирсам тинчийманми?! Солиҳанинг миясига қон тепди...

Солиҳа ошхонадан чиқиб Карима билан совуққина хайрлашди-ю, идорага ҳам кирмай уйига кетди. Күча деразасини очиб ҳовлига киаркан, аллақандай бегона, намга түйинган ҳаводай оғир сукунатни сезди. Ҳар доим дарвоза очилиши билан уйдан ҳовлига, қизи истиқболига шошадиган она ҳам, эрталабдан бүён онани соғиниб қолган ўғил ҳам, ҳатто думини жилпанглатиб қархисига югурадиган кучукча Шарик ҳам қорасини күрсатиshmади. Лекин, хоналар чароғон, афтидан кампир ҳам, ўғил ҳам шу ерда эди. Бу ерда ҳам бирор күнгилхоллик юз берганини ҳис қилиб, Солиҳанинг юраги янада увишди. Оёқ-қулларидан мажол кетди. Бешолти туп узумга құтариған темир ишком тағидаги нам сүрига ўтириб қолди. Орадан ярим соатлар чамаси вакт ўтгач, она охири чидамади шекилли ташқарига чиқди. Пешонасини күк шойи қийик билан боғлаб олибди, ранги синиқ...

— Келдингми, болам?

— Ҳа... Қалайсизлар?

Она индамай қизи ёнига ўтирди-да, елкасидан қучиб, бағрига босди. Солиҳа тұлиб турған эди, она қучоғида сувга тушған муздай бирпасда бұшаши, эриди, күз ёшлари она күкрагини ҳұл қилди.

— Анави... Аёл келдими, она?..

— Ҳа, қизим... Яна шовқин-сурон құтарди. Дарвозамиз олдига одам йиғди... Ҳаммасигаям майли, аммо овознинг ўчгур шаллақынинг ўғлинг Камолиддинни қарғагани юрагимни тешіб ўтди... Шунда чидолмадим... Бир-икки оғиз гапириб инсофға чорловдим, урушқоқ итдай вангиллаб устимга ташланди... Үртамизга тушған Камолиддинни... — Кампир ҳиқиллаб йиғлаб юборди. — Тепди... Урди...

— Нима?! — Солиҳа ўрнидан сапчиб туриб уй ичига югурди. — Камолжон! Қаердасан, ўглим?!

Бобоси номини олган суюкли ўғил меҳмонхонадаги диванда ўтириб, телевизор күрарди. Ҳовлиққанча ичкарига чопиб кирған онасини күриб, ўрнидан ҳам қимирламади. Солиҳа ўғлини қучиб, юз-күзларидан ўпа кетди... Лекин нима ҳам десин? Нима деб сұрасин? Үн

бешга кириб юз-күzlари, қоматига йигитлик ранги уриб келаётган ўсмир ҳаммасини тушунарди, ахир...

— Жон ўғлим, Камолжон... Мени кечир... Ҳали катта бўласан, улғаясан, менинг ҳолимни тушунасан. Аммо, ҳозир аянгга терс қарама, ўғлим. Аянг у... Аҳмоқ вайсагандек ёмон аёл эмас... Ишон менга... У нима деган бўлса... Тезак ебди! Ҳаммаси ёлғон!

Асосан онасига суюниб ўсаётган Камолиддин ҳеч қачон Солиҳанинг йиғисига чидай олмасди. Бу гал ҳам дарров бўшаши.

— Ая... Аяжон, йиғламанг... У аёл ўзи аҳмоқ экан... Ҳали... Куради у! — Камолиддин Севаранинг ҳақоратларини кўнглига жуда оғир олган, ёш қалбida қандай қилиб бўлса-да бу жодугардан қасос олиш истаги алан-галанган эди. Шу билан бирга онаси қалбини эгаллаб олган кишига нисбатан юрагида аллақачонлардан буён фимирилаётган алам ва нафрат ҳисси кучайган, барча кўнгилсизликлар сабабкори ўша одам деган хулоса ҳам ўзининг, ҳам бувисининг кўнглидан мустаҳкам жой олган эди. Ҳалиги шарманда аёлнинг «Хой, шұртумшук! Яқинда ука кўрасан! Ҳароми ука!» деган ҳақоратлари, уриб-тепиши юрагини тошга айлантирганди.

— Ая... Жон ая... мени яхши кўрасизми?

— Жоним, жоним болам... Наҳот меҳримга ҳам шубҳалансанг...

— Бўлмаса... Бўлмаса воз кечинг анови одамдан!

Солиҳа дарров сезди: ўсмир тилидан унинг бувиси гапираётганди...

* * *

Тоҳир ишдан кечроқ қайтди, авзойи жуда бузук эди. Онасининг уйига кирди-ю, шу ерда ўйнаб юрган болаларига ўшқирди.

— Бор ҳамманг хонага! Бувинг ҳам дам олсин, ахир! Сен ҳам чиқ! Болаларни жойла, ухлат, соат кечки тўққиз буляпти! — дея хотинига ҳам бақириб берди. Улар бир зумда хонани тарк этишиди.

— Ҳа, болам, тинчликми?

— Тинчлик эмас-да, ахир! Шу... Шу Севарангиз бор экан тинч бўлмаймиз ҳам!

— Нима бўлди ўзи? Сал ўпкангни босиб ол, ўтири бу ерга, ма, бир пиёла чой ич, аввал!

Тоҳир хитой пиёласига тўлдириб қуйилган аччиқ кўк чойни симириди. Кейин онаси қаршисига ўтириди.

— Ая, бугун Севара... Ҳалиги аёлнинг уйига борибди... Жанжал бошлабди, одам йифибди... Айтмаган гапи қолмабди... Номимиз эл-юртга достон булиши қолган эди ўзи! Эси борми бу қизингизни!

— Менга ҳеч нарса дегани йўқ. Ҳали келди-ю хонасига чиққанича қорасини ҳам курсатмаяпти...

— Ҳозир чақириб чиқаман, бир жиддий гаплашиб олмасак бўлмайди, ая...

— Ҳа, бордим уйига! Адабини бердим яшшамагурнинг онасиниям, боласиниям! Ажаб қилдим, хўп қилдим! — Бирдан бобиллаб берди Севара. Унинг одатини билган она ҳам, aka ҳам жувон ўзини босиб олгунча сабр қилишди.

— Қизим, — дея Севарани ранги бир оз ўзига келгач гап бошлади она, — мен, онанг бир нарса демасам, аканг индамаса — сен нега жанжал қиласан? Эсинг борми? Шу билан оиласизга обру келтирдим деб ўйласанми?

Онасининг сўзларига индамай бош эгиб турган Севара акаси орага аралашгач яна бағиллай бошлади... У болалигидан жанжалкаш, қизиққон, бетгачопар эди. Ўша йиллари дадаси доим олис сафарларда бўлар, она ҳам савдо ишларига ўзини урган, Севара маҳалладаги паст-баланд табақа қизларга қўшилиб ўсган, дугоналарининг кўпи нотинч оиласалар фарзандлари эди. Натижада Севара оила тарбиясидан кўра кўпроқ ўшалар «тарбия»сини олди. Аслида, рўзгорининг бузилишига ҳам шу «тарбия» сабаб бўлганди. У ҳатто жанжал қилишдан ҳузур топиш даражасига етган, ким биландир, қай йўсинда бўлса ҳам озгина айтишиб олмаса, ўша куни дунёси қоронги эди... Отаси ва Солиҳанинг муҳаббат можаролари бу аёлга катта озиқ берди. Севаранинг ҳар замонда жанжал бошлаб ҳузур топиши учун бу ҳол жуда қулай келган эди... Худди пиёниста ароқсиз турга олмаганидек, Севара ҳам жанжалсиз яшай олмас эди...

Бекмирза Севаранинг навбатдаги шармандали қилифи ҳақида аввал ўз хотинидан эшитди.

— Севара... анавингизнинг уйига борибди.... Аяси билан жанжаллашибди... Биз Тоҳир билан унга айтдик, уришдик... Энди бу ишни такрорламас...

Эр индамай, бу гапни маъқуллагандай бош эгиб қўяқолди. Аммо аслида Бекмирзанинг ичи ўт бўлиб ёнарди. Қизига бир нарса дея олмаса! Товушини чи-

қарса оғзидан олов пуркайдиган аждаҳо каби бобиллаб үзига ташланса бу қиз! Шу билан беш-үн йил чидаб яшаган үша собиқ күёвининг сабр-тоқатига балли-е!

Ха, Моҳигул ҳам кейинги бир-икки йил мобайнида кундошлиқ қисматига кўникли шекилли, ортиқча хархаша қилмайди. Баъзан ўрни келганда «анавингиз... фалон ерда кўрдим... Жа, тасқара бўпти-ю» қабилида заҳаршаванда гап қиласди-ю, ундан нарига үтмайди. Бекмирза ҳар гал шундай ҳолларда сукут сақлашни афзал билади. Бир ҳисобда Моҳининг кўнгли тўқ. Барча молмулклар эгаси үзи, Бекмирза бир кунмас, бир кун үз уйи — ӯлан тўшагини қўмсаб, қайтиб келиши, кексалигини Моҳигул ва болалари даврасида үтказиши аниқ...

Шундай эса-да, үтли рашк ҳисси ҳар куни, ҳамиша Моҳигулнинг юрагини кемирар, баъзан ярим тунда уйга кириб келган эрининг башарасига шапалоқ солиб юборишдан үзини аранг тиярди... Севарани үша «фар»нинг уйига бостириб боргани, онаси, ӯглини ҳақорат қилгани, қўни-қўшниларни йиғиб ғавғо кўтарганидан аслида дилида бир қониқиши ҳам ҳис этганди... Аммо бу ҳисни ташига чиқармади. Эрининг бу воқеадан ғазбланиши, аммо иложсиз тишини-тишига бошибга мажбурилиги ҳам кўнглини ёритди. «Ўлиб кет, үша мочафаринг билан! Кўшмозор бўл хиёнаткор ит!» Ичиди шундай ғалаёнлар кечса-да, ташида Моҳигул совуқкон, хотиржам эди. Баъзан мана шу бефарқлик, хотиржамлик Бекмирзанинг андак ғашига тегар, негадир қони қайнаб, Моҳигул билан жанжал бошлаб ҳам қоларди. Кейин үзини босар: «Нега унинг бефарқлиги асабимни эговляяпти? Нима, ҳар куни ғавғо бошласа кўнглим тинч бўлармиди?» дея үз ғалати ҳолати сабабларини излар ва айланиб-ӯгирилиб Моҳига бўлган муҳаббати ҳамон қалбининг бир четида яшаётганига үзича тан берарди. «Наҳот, бир қалбга икки муҳаббат сиғиши мумкин? Йўқ, Моҳига нисбатан туйгуларим шунча йиллик эр-хотинлик ҳаёти ўрнатган турмуш иморатининг пойдевори, холос. Иморат аллақачон қулаган, барбод бўлган, фақат унинг вайроналаригина қалбга андак оғриқ бахш этади, шекилли».

Бекмирза Моҳигул билан хайрлашмай ҳам ташқарига чиқиб кетди. Машинасига ўтириб, боши оққан томонга жўнади. Кўнгли кир, кайфияти хароб эди. Бир

күнгли құл телефондан Солиҳані уйига құнғироқ қилмоқчи бўлди, лекин онаси ёки ўғли гўшакни кўтаришлари мумкинлигини эслаб, фикридан қайтди. Бир-икки йилдан бўён Солиҳанинг онаси билан ҳам, ўғли билан ҳам яқинлашишга кўп уринди, аммо, натижа бўлмади. Кампир ҳам, ўғил ҳам уни ўз кўнгил қўрғонларига киритмадилар. Камолиддин авваллари унга хиёл кўнгли илигандай бўлувди. Бекмирза велосипед олиб берди, компьютер олиб берди... Лекин боланинг йирик-йирик кўзларида Бекмирзага нисбатан меҳр асло учқунламади. Кампир болани кўп эговлади, шекилли...

Шаҳар четига чиқиб, у машинани тұхтатди. Янгисой қирғоқларидаги дараҳтлар совукда яланғоч одамдай шумшайган, қора қарғалар егулик илинжида сой ёқалари, асфальт йўл устида куймаланишарди. Қўл телефонни олиб, Солиҳанинг ишхонасини чақирди. Кабинетда ҳеч ким йўқ, шекилли. Сўнг таваккал қилиб бошлиқнинг қабулхонасига қўнғироқ қилди. Таниш котиба дарров уни овозидан таниди.

— Бекмирза ака, қалайсиз? Хўжайнин керакмидилар?

— Йўқ... ҳм, ўzlари яхшимилар? Менга Солиҳахон керак эдилар... Негадир жавоб беришмаяпти...

— Солиҳами? — котиба бир зум ўйланиб қолди, — Эрталаб шу ерда эди... Кейин... Карима опа билан бир ёққа кетишиди...

— Қаёққа?!

— Билмадим... Хўжайниндан Карима опа рухсат сўради шекилли.

— Каримани қандай топса бўлади?

— Қўл телефонига чиқинг... Мана рақами...

Карима анчагача телефонни олмади. Орадан ярим соатлар ўтгач ниҳоят жавоб берди.

— Лаббай, Бекмирза ака, эшитаман.

— Каримахон, қалайсиз? Солиҳа ёнингиздами? Эрталабдан бўён топаолмаяпман...

— Солиҳани ҳозир уйига ташлаб келдим, Бекмирза ака..

— Нега? Нима бўлди?!

Карима бир зум тараддулланди.

— Ростини айтсан, Бекмирза ака... У боласини олдирди!

— Нима?!

Бекмирзанинг қўлидан телефон тушиб кетаёзди, қўллари, оёқларидан мажол кетди.

Солиҳа онасининг хобгоҳидаги кенг каравотда узала тушиб ётар эди. Ранглари оппоқ, кўзлари аллақандай нурсиз, мунгли...

— Бола анча катта бўлиб қолган эди, — деди у мажолсиз товушда, — дўхтирлар кўнишмади, кейин бир медсестрани топиб, ўшанинг уйидаги...

Кутилмаганда Солиҳанинг кўзларидан ёш қўйилиб кетди, овози хирқираб қолди. Бекмирза жувоннинг титроқ қўлларини кафтлари орасига олди, шошганича ўпашу, силай бошлади. Ҳа, нақадар шошқалоқ, хулоса чиқаришда узоқни ўйламайдиган одам у! Зеро, Солиҳа шундай қилишга бафоят мажбур бўлганки, шу қарорга келган! Бекмирза билан маслаҳатлашмагани аслида уни эҳтиёт қилгани эди-ку, эй, бефаросат одам! О, ахир кечака Солиҳа боланигина эмас, юрагининг бир парчасини уздириб ташлади-ку! Нақадар онгсиз, тўнкасан Бекмирза! Бу ёқда сенинг оиласи, у ёқда онаси ва боласининг қатъий қаршилигига учраган, туғилажак бола катта можаролар сабабчиси, айбори бўлишини ҳис этган Солиҳа... аслида қаҳрамонлик, валломатлик қилган эди, ахир! Нақадар шафқатсиз бу дунё!

Бекмирза аёлнинг қўлларини бўсаларга кўмди, ёши кексалик остонасига қадалган одам уялмай кўз ёш тўқди...

— Узр, Солиҳа, минг бора узр, мени, мен аҳмоқ, бетайинни кечиринг...

Солиҳа унинг юз-кўзлари, соchlарини силади...

* * *

Шу куни Бекмирза уйига қайтмади. Қош қорайгунча Солиҳанинг атрофида парвона бўлди. Кечкурун қайнонаси, ўгай ўғлининг совуқ қарашлари, индамай, лекин қаҳрли қиёфада рўпарасида серрайишлари таъсирида ноилож «висолхона»га кетди. Лекин, бу ерда ҳам ором топмади. Уч-тўрт карра Солиҳага телефон қилди, ҳар сафар унинг ўғли ёки онаси гўшакни кутаришгач, улардан Солиҳани чақириб беришларини сўрашга ботинмади. Охири, музлаттичдан битта яхши ароқни олди-да, кетма-кет икки пиёла симирди...

Эрталаб бозордан ул-бул егуликлар, Солиҳага ёқадиган мева-чева олди-ю, ўша ёққа шошди. Хайрият, Со-

лиҳанинг ўғли Камолиддин мактабга кетган экан, қайнонаси унинг саломига бир нималар деб ғудранди-ю, ўзининг хонасига кириб фойиб бўлди. Солиҳа ювенибтараниб, кийинганича уни кутиб ўтирган эди. Бекмирза кирибоқ аёлни қучогига олди, қайноқ бўсаларга, шириш-ширин сўзларга кўмди. Иккаласи ўтириб ноңушта қилишди.

— Кечагидан анча дурустман, — деди Солиҳа, — организм барибир ҳали бақувват экан, жуда тез ўнгландим... Аслида бу... бу сизнинг таъсирингиз... Агар кеча келмаганингизда... мен ўлиб қолар эдим!

— Ундей деманг... Сиз ўлимдан гапирманг... Биласиз-ку, бу дунёда сиз бўлмасангиз мен учун олам гиёҳсиз, куйдиргувчи, қайноқ саҳродан ўзга нарса эмас...

Кечкурун Бекмирза ўз уйига кириб борди. Ҳамма нарса жойида — Севара юқорида болалари билан уришар, Тоҳир ҳар галгидек телевизордаги сериалга муккадан кетган, келин ошхонада кўймаланар, Моҳигул ўз хонасида, доимий хаёлларига фарқ... Машинанинг дарвозадан кирганини деярли ҳамма сезди, аммо ҳеч ким безовталанмади. Ҳеч ким Бекмирзанинг истиқболига шошмади. Кейинги пайтларда ҳатто неваралари ҳам ўзидан бегонасираётганини Бекмирза сезарди, айниқса, Севаранинг қизи билан ўғли... Улар Бекмирзага сира ҳам мурожаат қилишмас, тасодифан айвонда ёки кўчада куришиб қолишса, бирор хатарни сезган кийик боладай потраб ўзларини четга олишарди... Севара бобоси ҳақида бир нарсалар деб уларни чўчитади шекилли...

Бекмирза аста юриб, иккинчи қаватга, ўз хонасига чиқди. Диванга ўтириб телевизор қулоғини буради. Орадан ярим соатлар чамаси ўтгач, остонаяда келини кўринди.

— Овқат опкелайми, дада?

— Опкелинг...

Келини стол устига кўйган иссиққина шавлани қандай еганини, шавла чайнадими, кесак гаждими фахмлай олмади Бекмирза. Пиёладаги чойни ҳўплади-ю, қалқиб кетди, чой қайноқ эди! У шалоқ сукиниб пиёлани деразадан пастга отиб юборди. Бетон саҳнга тушган пиёла қарсилаб синди. Уйдаги одамлар бир зум қотиб қолишди. Кейин ҳамма деразадан саҳнга мўралади... Бир-икки дақиқа жимлик ҳукм сурди. Сунг ҳар

ким яна ўз машғулотига берилди. Келин одатдагидек юргилаб келиб пиёла синикларини супириб қуракчага йиғди-ю, ахлат үрага олиб бориб ташлади.

Бемирза дераза олдига келди-да, ташқаридаги со-вуқقا қарамай, уни ланг очиб юборди. Ичкарига муздай ҳаво оқими ёпирилиб кирди. Бекмирза ютоқиб-ютоқиб нафас олар, гүё қаҳратон нафаси ичига тошқиндай бостириб кириб, юрагида ёнаётган қуидируччи, жizzиллатувчи, юракни ўювчи алангани үчираётгандай эди...

У яна бирор соатлар шу алфозда ўтириди. Сұнг пастга тушди-ю, машинасини миниб, «висолгоҳ»га кетиб юборди. Бу ҳолга ҳеч ким парво қилмади...

Солиҳанинг боласини олдирғанлиги хабарини эши-тиб, Бекмирзанинг уйидагилар ҳам, Солиҳанинг онаси-ю, идорасидагилар ҳам негадир енгил тин олишди. Гүё бошларида авж олаётган бўрон бирдан тингандай, ҳаммалари хотиржам тортишди. Ҳатто Солиҳа ҳам дастлабки кунлари йифи-сифи қилиб юрди-ю, кейинроқ ҳудди баданидаги ортиқча нарсани олдирған одамдай, аста-секин бу нохуш ҳодисани унута бошлади. Лекин юрагининг тубида нобуд қилинган болага ачиниш туйгуси хира пирпираб турса-да, уни фарзандкушликка мажбур этган кимсаларга нафрат ўти бутун вужудини ловиллатар эди. Алам ҳисси қалбини кемирар «Агар... агар шу ифлос, абрақ кимсалар, айниқса анави... қанжиқ (Севарани ҳатто ичиди ҳам номини хаёлига келтирмасди у) дунёни бошларига кўтаришмаганда... бизнинг боламиз бўларди!» деган аччиқ фарёд уни бетиним эзарди. Албатта, болага меҳр қўйиш учун у аввало туғилиши лозим, Солиҳа ҳомилани кўргани ҳам, жинсини билгани ҳам йўқ, шу боис йўқотишдан юракда ўтли алам ҳисси қолган эди, холос.

Бу воқеа Бекмирзага ғалати таосир қилди. Илгари-лари Моҳигул ҳам бир-икки марта бола олдирған, лекин бу нарса уни пашша чаққанчалик ҳам безовта этмаган эди. «Ҳа, шунаقا бўлдими... Майли, худо берар, ҳозир иш, вақт тифизлигини кўриб турибмизку...» Шугина гап... Бу гал энди вазият анча мураккаб эди. Аввало, Солиҳа бу ишга зўрлик, кучли ташқи таъсир натижасида қўл урди, иккинчидан, Бекмирза ўз пушти камаридан бўлган болани асраб қололмади. Тўғриси, кучи етмади, ожизлик қилди. Худди мана шу

ҳол унинг ҳамиятига тегди, эркаклик фурурини эгди, умрида илк маротаба ўз хотини, ўғли ва қизига нисбатан юрагида ғайирлик, ёқтираслик ва ҳатто душманлик ҳисси уйғонди...

Ўша воқеадан кейин орадан бир-икки ойча вақт ўтди. Бекмирза уйига бормади. Бир куни эрталаб Тоҳир уни йўқлаб келди.

— Дада! Қалайсиз?

— Яхши...

— Уйга бормай кўйдингиз? — Одатига кўра дарров дангалига кучди Тоҳир. — Биздан ўтган бўлса узр. Лекин, қўни-қўшни, қариндош-уруг орасида... Ўзингиз биласиз, оғзига кучи етмайдиганлар, қолаверса, ҳар хил бўлмағур гапларни тўқиб-бичаверадиган ифвогарлар тилига эрк беришворди... Ахир, биз нима ёмонлиқ қилдик?!

Бекмирза нима дейишини билмай, анча муддат бошини эгиб қолди. Ахир, нима десин?

— Кўй бу гапларни, ўғлим, — дея фудранди у ниҳоят, — ҳамма гап ўзингга маълум...

— Севаранинг феъл-атворини яхши биласиз. Аям унга бир нарса деб қайрагани йўқ. Аксинча, иложи борича босишга уринади. Мен бир нарса дейишига урунсам бобиллаб, ҳовлини бошига кўтаради... Ўзимни босишга мажбурман... Бир томондан турмуши ҳалигида... лекин ўзи пок, сиз билан бизнинг шаънимизни ерга урадиган бирор ишга қўл урмаган... Бу томондан кўнглим тўқ. Агар бирорта лойик-қобил турмуш ўртоғи топилса узатворардик... Лекин...

— Лекин, унинг ўрнига дадаси уйланиб ўтирибди! Шунақа демоқчимисан?!

— Йўқ! Йўқ! Энди сиз ҳам тескарисига олаверманг-да, дада! Сира ҳам ундан демоқчи эмасман! Сизнинг танловингиз ўзингизники. Уни муҳокама этишига ҳаққим ҳам йўқ менинг!

— Хўп! Нима демоқчисан? — Бекмирза астойдил қизишли. Қон миясига тепиб, қўллари қалтирай бошлади.

— Уйга қайтинг, дада...

— Қайтмайман! Бор, йўқол!

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, уйга узун-қисқа бўлиб Бекмирзанинг икки укаси, синглиси кириб келишиди.

— Ака, кап-катта одамсиз, шу ишингиз ярашади-

ми сизга?! Уят эмасми, ахир! Неварали одамсиз, ўйлаб күринг!

— Кўй, ука, синглим, мени ўз ҳолимга қўйинглар... Тўйиб кетдим, ўзи!

— Бекор айтибсиз, aka! — Сингил анча жанговар эди. Элликдан ошган одам ёш боланинг ишини қилманг! Эл-юрга кулгу бўлманг! Эшитган одам нима дейди ахир! Ўғил-қизларимиз, «тогам қани?» деб сўрашади. Ичимиз узулиб кетса ҳам, ташда жилмайиб, «Савдо-сотик иши билан юрибди», деб алдаймиз болаларни! Э, қанақа одамсиз ўзи! Эр киши ҳам аразлайдими?!

Хуллас, шу куни укалар ва сингил ялиниб-ёлвониб, керак жойида қаттиқ гапириб, зўрлик билан уйга олиб боришиди...

Лекин, оила аъзолари ва Бекмирза ўртасида пайдо бўлган дарз аллақачон ҳатлаб ўтиб бўлмас даражадаги жарга айланган эди...

У ҳар куни эрта билан ўрнидан туриб, юванибтаранаr ва Солиҳанинг ҳузурига кетиб юборарди. Иккалови «висолхонада» нонушта қилишгач, у Солиҳани ишга ташлаб келарди. Солиҳанинг ишхонасида ҳам иккаласининг муносабатлари энди сир бўлмай қолган, уларга худди эр-хотин каби қарашар эди. Сўнг ўзининг тижорат ишлари билан кетар, у ер-бу ердаги танишлардан мол олиб дўконга, асосан Тоҳирга элтиб берарди. Олис шаҳарларга деярли қатнамай қўйди. Орада бир марта Андижонга бориб, улгуржи мол келтириди, холос. Дўконлардан илгаригидай даромад тушмас эди, чунки, Тоҳир ҳам, Моҳигул ҳам ҳеч қачон улгуржи савдога қўл уришмаган, илгари Бекмирза келтириб берган молни сотиб ўрганган эдилар. Бекмирзанинг таниш-билишлари кўп ва улар билан ўзаро савдо алоқалари жуда қалин эди. Бу даврага Тоҳирнинг кириши анча мушкул иш, натижада савдонинг орқага кетиши чиндан ҳам Бекмирзага боғлиқ бўлиб, унинг юриштуриши шу жиҳатдан ҳам оиласидагиларнинг кўпроқ фашини келтиради. Бир гал Моҳигул эрта саҳарда йўлга отланган Бекмирзанинг рўпарасидан чиқди.

— Бир дақиқага мумкинми?

— Хўш?

— Дадаси, жиндай гаплашиб олайлик... Нима бўлса, ўтди энди. Ўзингизни босинг, ҳаммаси жойига тушиб

кетади... Рұзғорни, дүконни ҳам бир... күриб құйсанғиз бұларди.

— Рұзғор билан ҳам, дүкон билан ҳам сариқ чақалык ишим йүқ! Ҳаммасини құлларингга құшқұллаб топширганман!

Бекмирза әшикни қарсылатиб ёпиб чиқиб кетди...

— Солиҳа! — деди у шу куни кечқурун. — Келинг, бирга яшай қолайлык! Ұғлингизни үз үғлимдай үстіраман. Мехримни аямайман.

— Ҳалиям... бирга яшаяпмиз-ку, — эътиroz билдириди Солиҳа, — Мени... биласиз. Лекин аямни ёлғиз қолдиролмайман. У киши сиз билан бирга яшашга... күнмасалар керак.

Бу қатъий жавоб әди. Бекмирза Солиҳанинг феъл-авторини яхши биларди — мулойим оҳанғда билдирилган фикрлар ипак арқондай пишиқ-пухта, унда эътиrozга үрин йүқ. Моҳигул ҳам бирор фикрга кеплишдан аввал масалани тоза үрганади, пишитади, гапирганда қанчалик нозик, қалтис фикр бұлмасин, үзини босишини әплайди, аммо, баъзида үзини тутолмай, қуюшқондан чиқиб ҳам кетади... Солиҳада Бекмирза бирор марта ҳам бундай ҳолни кузатмади.

Бекмирза ярим тунда уйига қайтди. Ҳаммаёқ жимжит, сокинлик. Аммо, Тоҳир яна аллақайси сериални томоша қилиш билан банд экан. Отаси келганини пайқаб үрнидан туриб, истиқболига чиқди. «Нечук үғилгинам отасини кутиб олишдай қаҳрамонликка жүръят этдилар?», деди аччиқ кулимсиради Бекмирза.

— Салом алайкүм, ҳорманг, дада...

— Бор бұл үғлим, — Бекмирза шундай дея юқорига, үз хонасига йұналди. Чунки Тоҳир саломлашган ондаёқ унинг мияси чаққан: үғли она тазиқи билан әрталабки масалада гаплашгани уни кутиб турғанини пайқаган әди. Тоҳир зиппиллаб отасига әргашди. Хонага киришгач, иккаласи ҳам индамай стулларга үтиришди. Бекмирза юзига фотиҳа тортди. Тоҳир унга құшилди. Орага ёқимсиз сукунат чўкди.

— Ишларингиз қалай, дада?

— Михдай!

Тоҳир соchlарини силади, құлларини қирсыллатди, у ёқ-бу ёққа қийшайди. Сұнг минг хижолат ичиде гап бошлади.

— Дада, үзингиз биласиз, кейинги пайтларда иши-

миз анча орқага кетди. Сизсиз ишлаш жуда қийин экан. Қанчалик ишонган, суюнган тогимиз эканингиз кейинги беш-олти ой ичида айниқса сезилиб қолди. Тұғри, үша иш... Жуда ноүрин бұлған эди. Лекин, аям барыбир аёл киши, әртани үйламай үша гапларни айтаб յуборди. Биз аралашолмадик... Бироқ бу мулкларнинг ҳаммаси барыбир үзингизники. Уларни сиз яратгансиз, топгансиз... Биздан үтган бұлса минг узр, дада.

Бекмирза үғлидан күзларини узмай, тик боқиб турар, вужудини енгилган, маҳв этилган душманининг шафқат сұраб құл чұзаётганини кузатаётган жангчи фурури, үктамлиги чулғаб олган эди.

Бироқ күп үтмай, маъюс қиёфада бош эгиб үтирган үғли күриниши юрагидаги бу туйғуни аста үчира бошлади. Юрагини аксинча қаттиқ хижолат ҳисси қамради.

«Үзинг кечир, худойим! Ахир бу үз жигарим — үғлим-ку! Нега күнглимга бундай орсиз, шафқатсиз интиқом ҳиссини қүйдинг. Фарзандларим, хотинимга нисбатан бундай беомон үч олиш түйғуси нечун юрагимни қамраб олди? Ахир, уларнинг нима айби бор? Неки қылсам үзим қылдым, асл айбдор үзим-ку!»

Тоҳир бошини әтганича, отасининг юзига қаролмай үтиради.

— Энди, үғлим, үзи, биринчидан, сени үша давраларга олиб кирмаган, таништирмаган одам отанғ бұлади. Бу менинг айбим! Мол-мулк масаласига келсак, бу иш адолатли бұлди. Бундан ҳеч ҳам үқинма. Бугун бұлмаса эртага албатта бу воқеанинг юз бериши қонуний эди. Тұғри, уч-тұрт йил эртароқ содир бұлди бу... Бу нарса, майли, үлимдан бошқа ҳамма нарсанынг эртаси яхши... Мен хафа эмасман, нимаики қылған бұлсам сизлар учун қылғанман, ҳаммаси сизларники... Эртадан яна, аввалгидай, мол олиб келишни бошлаймиз. Лекин, энди доим ёнимда бұласан, таниш-билишларим билан алоқа үрнатасан. Кейинчалик қийналиб қолмайдиган бұласан.

Тоҳир бошини кутармай, минфиrlади:

— Раҳмат, дада.

Кутилмаганда Бекмирза Тоҳирнинг құлидан ушлади ва ҳаяжон ичида тез-тез гапира кетди.

— Үғлим! Сен эркак киисан, шу боис бир гапни айтаман. Мени тушунарсан деб үйлайман. Аянг билан

үтгиз йилдан бүён бирга яшаймиз. Ёмон яшамадик. Худога минг қатла шукур, сиздай фарзандлар орттиридик, уй-жой, мол-мулк қылдик. Аянгдан минг марта розиман. Аммо, орадан шунча йил үтгандан сұнг билдимки, аянгни ҳеч қачон чинакамига яхши күрмаган... бор вужудим билан севмаган эканман! Мен мұхаббат нималигини, бир аёл вужуди, суҳбати, висолига интилишнинг нақадар кучли, үтли түйфу эканлигини энди билдим... Мени кечир, үглем, кечиринглар мени... Энди бор, дамингни ол, эрталаб йўлга чиқамиз!

У шундай дея терс ўтирилди. Тоҳир бир нарсаларни минфирилаганича чиқиб кетди.

* * *

Ёш болалар билан аёллар орасида ажиб бир үхашашлик бор: бирор нарсадан күнгли оғринса ёки ўксинса бола дарров кўзига филқиллаб ёш олади, аксарият аёл зотида шу ҳолат... Солиҳа ҳам бундан мустасно эмас...

Боласини олдиргандан сұнг бу жувоннинг күнгли ўргимчак пардадай нозик, салға бузиладиган бўлиб қолди. Дастлабки кунлари қанчалик қаҳр-ғазабга тўлган бўлмасин, вақт үтган сари Бекмирза, аксинча, бу кўнгилсиз воқеани унута бошлади. Бир куни улар сайр қилиш учун Чодак томонларга боришган эди. Ҳар галгидай Бекмирзанинг ўша эски қадрдони Омонбойнинг хонадонига қўнишди. Омонбой ҳам хотини ҳам энди уларнинг муносабатларини яхши билишар, меҳмонга келганларида эр-хотиндай қабул қилишарди. Кеч кириб, қуёш қишлоқ төпасидаги маҳобатли қоялар орқасига юмалаши билан атрофга ёқимли салқин тушди. Шарқираб оқаётган зилол сувли сой соҳилига қурилган ёғоч сўри устида Омонбой уларга зиёфат берди. Бекмирза билан хонадон эгаси тўйиб ароқ ичишди, аёллар номига мусаллас totган бўлишди. Юзлар қизиб, ақуллар шошган, кетма-кет ёғилаётган асқия-ю, латифалар таранг ногораларга бетиним урилаётган зарблардай тўхтовсиз қаҳқаҳалар қўзгайди...

Ўтиришда рангпаргина жувон — Омонбойнинг келини хизмат қилиб юрарди. Бир маҳал келин қайнонасига яқинлашиб, қулоғига бир нималар деб шивирлади. Қайнона хушёр тортди ва савол назари билан эрига қаради.

— Ҳа, нима гап?

— Умрбек... уйғониб, хархаша қилаётганмиш...

— Олиб чиқ бу ёқقا унда! Келинни ишдан қўйма! Мехмонларимиз ҳам бир... суҳбатини олсин Умрбекнинг! — дея қаҳқаҳа солди Омонбой.

Умрбек уларнинг икки яшар невараси, тили бийронлашиб қолган, суюккина бола эди. Солиҳа болачани курди-ю, юраги хаприқиб кетди — ўғли Камолиддиннинг гўдаклиги! Икки-уч ёшларда у ҳам худди шу болачадай ширин, ёқимтой эди! Шу аснода ялт этиб ёдига тўрт ойлигига нобуд этилган ҳомила тушди. Агар... Агар омон бўлганда у ҳам ҳозир туғилган, она кўкрагини миқиллаб эмаётган бўларди. Озгина ичилган мусаллас таъсирида эриб ўтирган Солиҳанинг вужуди бўшаши. Кўксини кучли оғриқ эза бошлади. Кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди... Болагинам! Дунё юзини кўрмай туриб ўлимга маҳкум этилган жигаргўшам! Нега шундай қилдим, нега сени... ўз қўлим билан ўлдирдим!

Энди Солиҳа ўзини тутиб туролмади, пиқиллаб йифлаганича Омонбойнинг хотини елкасига юзларини босиб олди. Ўтириш бирдан ари уясидай тўзғиб кетди. Омонбойни хотини қўлидаги гўдакни эрига тутқазиб Солиҳани бафрига олган, Бекмирза ҳам аёлининг сочларини силаб, нималардир дея таскин берса бошлаган, Омонбой эса қўлидаги гўдакни маҳкам бафрига босганича гаранг...

Бир оздан кейин Солиҳа йифисини тұхтатди. Мезбонлардан узр сўраб, юз-кўзини ювиб келди.

— Тўрт-беш ой илгари... Ҳомиласи нобуд бўлувди, — дея минғирлади Бекмирза Омонбойга.

— Ҳа, тушунарли, — деди Омонбой, — Сиз билан бизга унча билинмайди-ю, аммо, аёл кишининг жигар-бафрини эзиб юборади бу. Лекин, каттиқ куюнавериш ҳам худога хуш келмайди. Ўзи берган — ўзи олибди! Худо хоҳласа ҳали яна қўчқордай-қўчқордай ўғиллар кўрасиз, келин! Худойим бераридан қисмасин! Мана шу гўдак — Умрбек ҳам озмунча ташвишга солмаган бизни... Келин сал... касалвандроқ чиқиб, анчагача бўйида бўлмади. Умрбекка боши қоронғу пайтлари эса дўхтирлар келинни текшириб, «Бўлмайди! Болани оғизинглар!», дейишиди. Бола туғишни келиннинг соғлиғи кўтармасмиш... Ўзи юриб-юриб олти йилда бўйида бўлган эди. У қилдик, бу қилдик, кудаларим билан



обдан маслаҳатлашдик. Қолаверса, келиним ўзи маҳкам турди. «Ўлсам ўлай! Лекин болани туғаман!», деб туриб олди.

Ҳомиладорнинг ўзи маҳкам туриб олгач, дўхтирлар ҳам ноилож қолишаркан. Бола ёруғ дунёга тушгунича бошимиздан ўтганни сўраманг! Лекин, келинга минг раҳмат — ўлимни бўйнига олиб шу болани туғди. Шу боис онасининг ҳам, ўзининг ҳам умрини Оллоҳ узун қилсин деб, отини Умрбек қўйганмиз!

Бекмирзанинг ҳам, Солиҳанинг ҳам юрагига бу ҳикоя мазмуни бигиздай санчилди. Ахир, фарзанд қўриш учун ҳақиқий хотин, ҳақиқий оила бекаси ўлимга ҳам тайёр туради. Бириси қизидан, бириси онасидан қўрқиб бир ҳомила — бўлғуси гўдак, фарзанд жонига зомин бўлган эр-хотинни нима деб аташ мумкин? Аслида эр-хотинликми бу?

Шу куни зиёфат ҳам, салқин тоғ хавоси ҳам уларга татимади. Ошдан сўнг Солиҳа, «кетамиз», деб туриб олди. Бекмирзанинг ичиб олганига ҳам парво қилмади. Фарғонага келгунларича ҳам Солиҳа миқ этмади. Бекмирза йўлни «висолхона» томон бурган эди.

— Ўйимга ҳайданг! — деди Солиҳа қатъий оҳангди. Эшик тагида совуққина хайрлашди-да, тез-тез юриб, уйига кириб кетди...

— Уч-турт ҳафтадан буён кайфиятинг бузук, кўнглинг ғаш... Буни она кўнгли сезмаса, ким билади, жон қизим... Нима бўлди? Очигини айтавер...

Солиҳа онасининг қоқ суюқ қўлларини ушлаб, юзларига босди.

— Юзларинг чўғ бўлиб ёняпти, — давом этди она,— юрагинг ҳам қинидан чиқиб кетгудай урмоқда... Нимадан ҳаяжондасан? Албатта, анави... одам туфайли бўлса керак... Нима қилди? Айнидими? Айниса, сатқаи сар! Бир тола сочингга ҳам арзимайди у!

— Онажон, ундей деманг... Ундей деманг... У одам... У одам ҳеч қачон айнимайди! Лекин, шу... шу юриш эзиб юборяпти мени! Оила бўлиб, фарзанд куролмасак, рўзгор қилолмасак, ҳар замонда бегона жойда худди... ўйнашлардай кўришсак... Тўй-тўйчиқ, қавму қариндошларнинг маросимларига бирга боролмасак... Таниш-билишлар бизга эр-хотиндай эмас, оддий ошиқмаъшуқлардай, тўғриси, ўйнашлардай қарашса... Ша-

ҳар құчалари, хиёбонларида қисилиб, құрқиб, — пусиб бирга юрсак... Ҳар қадамда «Севара учраб қолмасин», «Моңигул ёки Темур, ё бошқа бирори лоп этиб рұпарадан чиқмасин», дея юракни ҳовучлаб турсак... Шу ҳам ҳаётми?! Шу ҳам эр-хотинликми?!

Солиҳанинг күзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. У шоша-пиша юзларини онасини күкрагига босиб олди-ю, елкаларининг қалт-қалт титрашини яширишга илож тополмади. Онанинг ҳам күнгли бузилиб кетди.

— Эх, болажоним, қызғинам, — унинг елкаларини силаркан деди ая, — Айб үзингда! Нече марта айтганман бу ишингнинг оқибати қанақа бұлишини...

— Йүқ, уни севганимдан, иккинчи хотин бұлиб текканимдан афсусланмайман... Күнглим буюрган ишни қилдим... Бахтлиман... Аммо, күнгил баъзан ҳозирги ахволимдан норози бұлади... Унинг ҳамиша ёнимда юриши, ҳақиқий эр-хотинлардай әртанги режаларни бирга тузишни құмсайди... Бунинг эса иложи йүқ.

— Күнглингта оғир олмагину, лекин бу одам билан баҳтли бұлишингга күзим етмайди. Қизим... юқорида үзинг айтган ахвол бир умр давом этмайди-ку, ахир! Бугун бұлмаса эртага унинг севгиси ёниб тамом бұлган үтіндай қора күмир, кулга айланади... Яна үша оиласи, бола-чақаси билан бирга бұлиб кетади. Сен ёлғиз қоласан...

— Наҳот, шундай бұлса, онажон?!

— Менга ишонавер, албатта, шундай бұлади! Бунақа ишларни күп күрганман, эшигтанман. Ҳеч-йүғи хотини бұлмаганда эди ахир, унда умид боғласаңг арзирди... Ҳозир эса...

* * *

Бекмирза машинасини Солиҳанинг уйи дарвозаси олдида үчирған ҳам эдикі, қаршидан ярақлаб турған «Хонда» келиб тұхтади. Машинадан баланд бўйли, қопқора соchlари текис тарапланған, хушбичим бир йигит сапчиб чиқди-да, орқа эшикни очиб, үзи хиёл четга тисланди.

— Мана, Солиҳаңон, баҳонада уйингизни ҳам күриб олдик... Вақт-бемаҳал келаверсак, хафа бұлмайсиз. — Хандон солиб кулди, у машинадан тушаётган Солиҳанинг құлига құлини теккизиб. Орқа ўриндиқдан туш-

ган Солиҳа Бекмирзани назаридагы гулдай очилиб кет-
ган эди.

— Раҳмат, Хурсанд ака, овора бўлдингизда, —
дэя эркакка мулозамат қилди у шоша-пиша. Эркак-
нинг шошилгуси йўқ эди. У яна бир-икки дақиқа гап-
ни айлантириди, аммо, Солиҳа томонидан рағбат сез-
магач, қуюқ хайрлашиб жўнаб кетди.

— Ким бу одам? — деди шоша-пиша Бекмирза
саломлашишни ҳам унугиб.

Солиҳа у томонга ўтирилди-ю, негадир қовоини
солди.

— Яхшимисиз? — дэя сўрашди у истамайгина. —
Ҳамкасларингиздан. Божхонага иши тушган экан,
«Йўлим шу ёқда», деб мени ташлаб кетди.

— Қуриниб турибди... — дэя хўрсинди Бекмирза.

Солиҳа уни уйга таклиф қилмади. Орага нокулай
сукунат чўкди.

— Висолхонага ўтмай қўйдингиз, телефонда ҳам
гаплашгингиз йўқ... Нима гап? — дэя жимликни бузди
Бекмирза.

— Ҳеч гап йўқ... Чарчаганман...

— Мендан бирон гап ўтган бўлса, очиғини айтинг...
Солиҳа... Индамай одамни қийнаманг!

Солиҳа туфлисини уни билан ерни ўйганича яна
жимиб қолди.

— Солиҳа! Нима бўлди ўзи? Мени қийнаманг! Ке-
йин уч-тўрт ҳафта ичи ўзимни қўярга жой топмаяпман.
Ўша... Чодакдаги кўнгилҳоллик ёзилмаяпти, шекилли.

— Гап ёлғиз Чодакдаги воқеада эмас, Бекмирза
ака...

— Очигини айтинг, йўғаса... Ҳамма шартингизга
тайёрлигимни биласиз-ку! Нима қиласай, ахир!

— Менга ҳеч нарса керак эмас! — бирдан қахри
қўзғади Солиҳанинг. — Жоним тинч бўлса кифоя!

У тарс-тарс юриб уйига кириб кетди. Бекмирза унинг
ортидан эргашишга журъат қилмади.

«Нима бўлди ўзи менга? Нега бу одамга ҳе йўқ, бе
йўқ ўзимга аччиқ-тизиқ қиласман? Ё... Наҳотки, кўнглім
қолган ва ундан қутулиш учун култепани титоётган
товорқдай йўқ ердан можаро излаб жанжалга баҳона
қидираётган бўлсан?», дэя ўйлаб қолди Солиҳа ўрнига
ётаркан. Мана, бирга юрганларига ҳам икки йилдан

ошди. Болани олдиргунча, у күксіда ҳеч қандай безовталиқ сезмаган, аксинча Бекмирза билан ўтган ҳар бир дақиқа фақат шодлик бахш этарди, холос. Болани олдиргач, у юраги аллақандай... бушаб қолганини түйди... Күкрагини тұлдирған шодлик қисқа муддатда тумандай тарқаб кетди. Аста-секин унинг ўрнини умидсизлик, эртанги кунга ишончсизлик, күксини сирқириатиб, бетиним ғижимлайдиган, оғир юқдай әзадиган ҳасрат түйфуси әгаллай бошлади. Авваллари Бекмирза висолхонага келмай, үз уйда қолган тунлари Солиҳа кечаси билан тикан устида ағанагандай бұлар, «Хозир у... хотини билан... ётиби!» деган оғриқли фикр миясини бетиним пармаларди. Бошқа ҳеч нарса әмас, фақат мана шу — ёлғыз үзигагина тегишли, танқо үзига аталған суюклигининг бошқа құчоқда әркаланиши юрагини әзиб, исқанжада адо қыларди. Бу даҳшатли азоб әди. Баъзан ўрнидан сапчиб тургиси, шу ақвол — ич күйлагида Бекмирзаниң хонадони тарафға ялангоёқ чопгиси, уйига бостириб кириб, эр-хотин устидаги күрпани четга улоқтиргиси, бақириб-чақириб, атрофдаги нарсаларни пачоқлаб синдиригиси келар ва бу ишдан үзини аранг қайтариб қоларди...

Болани олдиргандан кейин эса шу түйгулар ҳам аллақандай ўтmasлашди. Юракдаги ловиллаб ёнаётган гулхан атрофини гүё туман құршади.

— Йұқ! Йұқ! Мен умримда бир марта севдим! Ва бу муҳаббат ҳеч қағон юрагимни тарқ әтмайди! Хозирги түйғуларим ўткинчи, үша... Боланиң қайфуси, түғриғори алами! Фарзанд күриш хуқуқидан маҳрум этилғаним вужудимни қақшатяпти, алам қиляпти менга, алам!— дод солиб юборди Солиҳа ярим тунда...

Әрталаб телефон жиринглади. «Уша бу!» кутилмaganда яна ижирғанди Солиҳа ва гүшакни күттармади. Телефон дод сола-сола тинчиidi. Ишхонага етиб борганида, дарвоза рұпарасида — йүлнинг нариги юзида турған зулукдай қоп-қора «Нексия»га күзи тушди-ю, юраги яна хапқырди — үша! Бекмирза машинадан тушиб катта йўлдан ўтаётган машиналарга парво ҳам қилмай, тез-тез юриб унинг йўлини кесиб чиқди.

— Салом, Солиҳа...

— Яхшимисиз... Кечирасиз хизматга кеч қоляпман. Яхшиси ишдан кейин қўнфироқ қилинг!

У шундай дея қадамини тезлатди. Бекмирза анграй-ганича йұлакда қолиб кетди.

* * *

Беш-олти йил бурун у бир ярамас одат орттирган—юраги сиқылса ичар эди. Солиҳа билан топишгач, бу одатни ташлаган, чунки юрак сиқилиши умуман йұқ бўлиб кетган эди. Бугун дарди-дунёси яна қоронғилашди-ю, оёғи ўз-ўзидан яқин орадаги дўкончага йўрғалаб кетди... Дўконда ичган бир-икки пиёла ароқ юрак ғашини ёзмади, аксинча, турли бемаъни фикрлар хаёлига келиб баттар руҳи эзилди.

«Солиҳа мендан айниган! У кунги «Хонда»да келган хушбичим йигит бекорга атрофика үралашмади. Ёш, кўркам экан... Наҳотки, Солиҳа шундан... Йўқ! Йўқ! Ахир уни яхши биламан. Енгилтакликнинг кўчасига ҳам кирмайди. Бўлмаса, нега бундай қиляпти? Ахир, болани олдиришга мен қарши эдим. Олдирмайсан деганман... Айбим нима? Тўғриси, мендан кўнгли қолган, тўйган...»

Шундай эзгувчи ўйлар түгёнида у шаҳар бўйлаб бемақсад узоқ кезди. Уша куни ёмғир ёғган, асфальт йўллар ялтираб ётарди... Бекмирза яп-янги қора «Нексия»сида шу йўлларда учиб юрар, курган-билганлар босиқ, хушмуомала бу инсоннинг ҳеч нарсага парво қилмай, ёмғирли йўлларда машинасини елдай учириб юришига ҳайрон қараб қолишарди. Тушдан кейин у шаҳар четидаги янги қад ростлаган шинам кафелардан бирига кириб борди. Якка ўзи алоҳида хонада тўйиб ичди.

Кайф ҳолда машинани миниб яна Солиҳанинг уйига борди. Дарвоза олдида уловини тұхтатди-ю, ичкарига киришга юраги дов бермади. «Яна уша кампир... мен еб у қуруқ қолгандай яна тасраяди! Анови бола яна сўкиниб, одатдагидай жўрттага атрофга тупуради! Солиҳа эса... Чиқадими-йўқми — номаълум...»

У машинани яна бетизгин йўлларга солди. Қаёққадир бориб яна ичди, Солиҳанинг куча дарвозаси олдига яна уч қайта борди, тұхтади, яна жұнаб кетди... Тун ярмида ҳориб-чарчаб, юраги тарс ёрилар даражада ғаш ҳолда уйга кириб борди. Одатдагидек ҳеч ким уни кутиб олмади, ҳайҳотдай ҳовлида қабристон суку-

ти ҳукмрон эди. У оёқларини судраб босганича ўз онасига кириб, муздай кўрпа қучоғига жойланди. Кечаси билан алағ-чалағ тушлар кўрди. Саҳарда юз-қулини ювмаёқ телефонга ёпишди.

— Солиҳа...

— Солиҳа ҳали дам оляпти! Саҳар мардонда безовта қилиш шартми?!

Телефон гүшаги шарақлаб жойига тушди... Бекмирза эса гўшакни маҳкам сиқимлаганича турган жойида қотиб қолаверди...

Шу куни кечгача ҳам Бекмирза ўзига келмади. Со лиҳанинг онаси бу қадар қўпол муомала қилишга қизи томонидан бирор имо-ишора бўлмаса журъат этмасди. Нима бўлса ҳам куёв номи бор ахир... Кампир ораларидағи муносабат даражасини жуда яхши билади. Демак... Дили қаттиқ ранжиган Бекмирза тонг саҳардаёқ уйдан чиқиб кетди-ю, тўппа-тўғри «висолхона»га борди. Аламини яна ичкилиқдан олди...

* * *

Бекмирзанинг қўнфироқ қилишини кутиб Солиҳа ишхонада узоқ безовталанди, ўтиргани жой тополмади. «Эрталаб нега шундай қилдим, нима жин урди ўзи мени?» дея ич-этини еди. Кечкурун ҳам Бекмирзадан бирор садо истаб алламаҳалгача уйқуси келмади. Тонгда телефон жиринглагандада у қотиб ухлаб қолган эди. Нонушта устида:

— Ҳеч ким сўрамадими? — дея онасига мурожаат қилганди, у бир оз тараддулланиб олгач:

— Анави... Бекмирза сўровди аzon маҳали, сени уйғотмадим, — дея қовоқ-тумшуғини уйди. Солиҳа индамади. Ишхонага боргач яна қўнфироқ пойлади. Яна жимжитлик... «Висолхона»га қўнфироқ қилганди, бирор телефон дастагини кўтартмади. Тушликни Карима билан бирга ўтказишиди.

— Ҳа, тинчликми? — дея ажабланиб сўради Карима Солиҳанинг хомуш қиёфасига боқиб. Кейинги ойларда Солиҳанинг кайфияти паст, хатти-ҳаракатлари сустлиги очиқ сезилиб қолар, Карима буни ўша — бола олдиришга боғлаб, кўпинча бечорани юпатишга уринарди. — Энди булди-да, бас қилинг... Булар иш бўлди... Ҳали... Худо хоҳласа ҳаммаси жойига тушиб

кетади... Фарзанд ҳам күрасиз. Үзингизни күп қийнай-верманг...

— Гап ёлғиз ўша воқеада эмас, Карима... Кейинги пайтларда Бекмирза aka ҳам қандайдир үзгарган... Кейин... ўзим ҳам... ўша ҳодиса таъсириданми, күнглим совуган...

— Нима, Бекмирза ақаданми? Наҳотки?! — күзларини катта-катта очди Карима. — Ахир?!

— Йүқ, йүқ, сиз бошқача тушунманг буни... Ёлғиз Бекмирза ақадан эмас, ҳамма, ҳамма нарсадан совудим. Тұғрисини айтганда... Ҳаёттинг қизиги қолмади мен учун!

— Бекор айтасиз! — Қошларини кериб, овозини күтарди Карима,— ҳали ҳаммаси олдинда! Чиройингиз ҳали неча йиллар неча күнгилларга чүг ташлайди! Ҳаёттинг әнд сара йиллари ҳали олдинда! Тұғрисини айтсам, мен ҳам, бошқа аёллар ҳам сизга фақат ҳавас билан қараймыз.

Солиҳа маңыс жилмайды...

Ишдан чиқиб катта йұлға тушиши билан оёқлари уни үз-үзидан «висолхона» томонға илдам бошлаб кетди. Эшик құнғирогиға биров жавоб бермагач үзидаги калит билан эшикни очиб ичкариға кирди. Уй ичини спирт ҳиди босиб кетибди... Ҳамма нарса ағдар-тұнтар, совутгич әшиги очиқ қолган... Стол устида, полда бүшшишалар думалаб ётарди. Бекмирза яқындағина бу ерни тарқ этибди шекилли, чойнакдаги чой ҳали совумаган.

Солиҳа дарров фартукни тақиб, атрофни йиғиширишга киришди. Бирор соатлардан сұнг ҳамма нарса жой-жойига тушди. Сервантдаги биллур идишлар яна яраклақ чирой очди...

Солиҳа үтириб телевизор ёқди. Бир қулоги құчада — телекранда нималар күрінди, кимлар нима деди әсида ҳам қолмади. Лекин, ярим тунга қадар ҳам Бекмирза висолхонага келмади. Солиҳа үз уйига кириб борғанда онаси яна норози қиёфада қарши олди.

— Қаёқларда юрибсан? Анавининг яна уч марта келди. Сезиб турибман — дарвоза олдида машинасини тұхтатади-ю, үзи кабинадан түшмасдан ниманидир кутади. Кейин шарт жұнаворади. Ярим соат үтмай яна

бино бұлади. Яна ўша ҳолат. Жинни-пинни бүлғанми үзи у?!

— Ҳа, у жинни! — Тұсатдан овозини күтәрди Солиҳа. — Фирт тузалмас жинни! Мен ҳам жинниман, ая! Мен ҳам бедаво тентакман!

— Ҳай, ҳай, ўзингни бос, болам. Қизишка, ўғлинг шу ерда-я...

Солиҳа дарров унини үчирди...

* * *

— Солиҳа! Яхшимисиз? «Висолхона»га келган экансиз... Мен эса у ёқда, идорадан излабман...

Солиҳанинг юраги илгаригидай ҳаприқиб кетмади бу қадрдон товушни эшитиб. Тұғри, безовта күнгли жойига түшди, ўзини хотиржам сезди. Аммо шу товушни эшитганда қалбига бирдан қуйиладиган чексиз шодлик ҳисси энди йүқ әди.

— Ҳа... Ўзингиз қалайсиз? Үйнинг ҳам талотүпини чиқариб юборған экансиз...

— Узр, Солиҳа... Бир бұлди-да энди... Келинг, яхшиси, учрашайлик. Ўша Чодакдан келганимиздан бүён бошқаасиз...

— Хеч қандай «бошқача» бұлғаним йүқ! Ўша Солиҳа, ҳа, сизни деб ўз боласи жонига қасд қылған Солиҳаман!

Бекмирзанинг нафаси ичига тушиб кетди. Ҳозир бир гап айтса үн карра кучлироқ жавоб қайтади... Солиҳа ҳам жим қолди. Орадан икки-уч дақиқа фурсат үтиб, асаблар хиёл жойига тушгач Бекмирза:

— Солиҳа, яхшиси «висолхона»да учрашайлик. Ба-фуржа гаплашиб оламиз... — деди ялинчоқ товушда.

— Майли — деди Солиҳа қуруққина ва хайрлашмай гүшакни жойига қўйди.

Шу куни Бекмирза учрашувга обдан тайёргарлик күрди. Соч-соқолини олдириб, янги уст-бошларини кийиб олди. Дастанхонни безатиш учун елиб-югуриб энг тансиқ таомлар, шириналлар, ичимліклар келтирди. Солиҳага совға учун тилла түғногиҷ харид қилди. Қозонга қўй гүшти, қўй ёғидан шўрва ташлаб, эшик қўнғирофини пойлаганича диванда интизор үтириди. Солиҳа соат олтига етиб келмади. Бекмирза идорага сим қоқди: Ҳамма ишдан кетган. Бу орада қоронғи

тушди. Солиҳанинг уйига құнғироқ қилган эди, яна аяси олди.

— Келгани йүқ ҳали!

Бекмирза ташқарига чиқиб машинасига үтирди-да, божхонагача бұлған йүлларни кезиб чиқди, Солиҳанинг күча дарвозаси олдига борди — у ҳеч қаерда күринмади. «Висолхона»га келса, зор учмайды. Соат тұққизларда ниҳоят Солиҳа уйидан жавоб берди.

— Бир зарур иш чиқиб қолиб, боролмадим... Эрта-перта учрашармиз...

Күча дарвозасининг бемақалда тарақа-туруқ овоз чиқарып, шиддат билан очилиши уйдагиларнинг шириң уйқусини бузди. Машина дарвозадан ичкарига кириб үчди-ю, лекин ундан ҳеч ким тушмади. Орадан ярим соаттар чамаси үтгач, Моҳигул хавотирланиб дарвозахонага чиқди. Күча дарвозаси ланг очиқ. Бекмирза машина рулига бошини құйғанича учеб ётиби. Хотин дарров дарвозаны беркитиб, машина эшигини тортди.

— Хой, дадаси, туринг үрнингиздан, уят бұлади-я, келин бор, неваралар бор... Э, қуриб кетсин шу ичкилик дегани ҳам...

Бир-икки туртқидан сұнг Бекмирза аранг бошини күтариб, құзларини хиёл очди.

— К...Ким б...бу?

— Ким бұларди, Моҳиман мен! Сиз эса үз уйингиздасиз!

— Ү...үз уй...йим?! М... Мени үз...үз уйим б...борми?

Моҳигул эрининг елкасидан тортиб, бир амаллаб машинадан туширди, құлтиғига кириб, үз хонаси томон етаклади. Иккінчи қаватта чиққунча терлаб, она сути оғзига келди. Бекмирза бор оғирлигини унга ташлаб олғанды, ахир! Эрини каравотига ётқизиб, кийимлари, ботинкасини ечди. Бекмирза ечиниб олгач, хиёл әркин нафас олди ва қип-қизил құзларини Моҳигулға қадади.

— М...Моҳи... Кел, ёнимга ёт... С...сен үз...зинг яхшисан!

Моҳигул индамай ечиниб, эрининг ёнига кирди... Ҳар қанча маст бұлмасин Бекмирза албатта тонгги соат бешларда уйғонарди. Бу гал ҳам тонг қоронғусида құзини очди. Оғзи қуруқшаб кетиби, боши зилдай оғир. Ёнида кимдир пишиллаб ухлаб ётиби.

— Солиҳа... — дея овоз чиқарди у аста, құрқаписа... Сұнг аёлнинг юзини түсган күрпа четини күттарди. Моҳигул!..

Бекмирза яна бошини ёстиққа ташлади. Қачон келди? Хотини унинг түшагида қандай пайдо бұлды? Моҳигул билан бир-икки йилдан буён сира бирга ётмаган эди. Мастликда келиб үзи мажбур қылған бұлса керакки. Моҳигул эр қўйнига кирган... Акс ҳолда, у үз ихтиёри билан биш эгиб Бекмирзанинг қошига асло келмасди. Лекин, бунинг нимаси ажабланарли? Моҳи үз қонуний хотини, ахир! У билан бирга булиш шариат жиҳатдан ҳатто фарз! Буни Солиҳага нисбатан хиёнат деб қабул қымаслик керак, аслида.

У шундай дея үзини юпатди. Аммо юрагининг бир четида ғашлик увиллар эди.

Эрталаб чойни хотини билан бирга ичди. Келин аллақандай хуррамлик оғушида елиб-югуриб уларга хизмат қилди. Тоҳир саломлашишга кирди. Аммо Севара тақ-туқ юрганича нонушта қилаётган эр-хотинга қиёҳам боқмай, кучага чиқиб кетди.

— Бу... қизинг... — дея хотинига маъноли қаради Бекмирза.

— Парво қыманг. Жойига тушиб қолади, — дея шарақтаб күлди Моҳигул. У бирдан очилиб кетган эди. Эри билан «анови» орасига ола мушук оралаганини у аллақачон сезган, «от айланиб қозифини топади барі-бір», деган умиди қўкараётганини ҳис қилиб, юрагидаги доимий ғашлик ёзилган эди.

Бекмирза хотини ва ўғли билан келишиб олди-да, Россияга — савдогар танишлари ҳузурига кетиб юборди.

* * *

Солиҳа Бекмирзанинг құл телефонига беш-олти бор қўнфироқ қилди. Телефон учиб қолған мастдай миқҳам этмади. «Висолхона»га беш-үн карра қилинган қўнфироқлар ҳам самара бермади. Ишдан кейин ўша ерга бориб, қош қорайгунча интизор кутишлар ҳам бефойда кетди. Бекмирза сувга чўккан тошдай номнишонсиз, дом-дараксиз эди. Уйига қўнфироқ қилиб бўлмаса... Орадан уч кун ўтди. Солиҳанинг ранги учиб,

аллақандай бұшашиб юрганлигини кузатган Карима түшлик чоғида:

— Солиҳа! Нима бұлди үзи? Тинчликми? — дея сұради.

Солиҳа бирдан күзларига ёш олди.

— Айтишиб қолғандик Бекмирза aka билан... Айб үзимдан үтган. Энди... Уч-тұрт кундан бери на телефон қилади, на мени ахтаради, дараги йүқ...

— Ҳа, энди, әркак одам зарур иш билан бирор ёққа кетгандыр...

— Йүқ, Карима, бу ерда бошқа гап борга үхшайды.

— Яхши! Тушдан кейин мен уйига телефон қилайчи...

Кечга яқын Карима уни күзи тұрт бұлиб кутаётган Солиҳанинг кабинетига кириб келди.

— Телефон қила олдингизми? — дея Солиҳа үрнидан туриб кетди.

— Ҳа... уйда хотини бор экан... Божхонадан фалончиман дедим. Баъзи нарсалар, эски ишларга оид тафсилотлар билан қызықдым. Гап орасида Бекмирза aka ни ҳам сұрадым...

— Хүш? — дея юраги потирлаб кетди Солиҳанинг.

— Зарур иш билан... Россияга кетибди!

Солиҳанинг оёқларидан мадор кетиб, үрнига үтириб қолди. «Бир оғиз айтмай-а!»

— Хотинининг айтишича, кутилмаганда жуда зарур иш чиқиб қолибди, — дея Солиҳанинг ақволини кү-риб, ёлғонга үтди Карима, — Самолёт тайёр экан, бир соат ичіда жұнашга тұғри келибди. Үғли билан қизи ҳам оталари кетгандан сұнг хабар топишибди...

Солиҳа синиқ жилмайды.

— Майли, Каримахон... Лекин, қанчалик шошилинч бұлмасин, бир оғиз... айтиб қүйиш имкони топилярди-ку! Ё бұлмаса, борган жойидан құнғироқ қилиши мүмкін эди. Хотини... Кайфияти қанақа?

Карима тутилиб қолди. Чунки Моҳигулнинг кайфияти баландлиги телефондаги суҳбатдан яққол сезилиб турған эди.

— Ҳа... Ұша.. Ҳар доимгидай...

Солиҳа ортиқ савол бермади. Кечки пайт уйига етиб борди-ю, үзини ёстиққа ташлади. Ярим тунга бориб истимаси күтарилди. «Тез ёрдам» келиб, шифокорлар

муолажа күрсатиши... Бир ҳафтагача у ишга чиқа олмади. Орада Карима бир-икки хабар олди. Солиҳанинг саволомуз қарашига хижолатлик билан рад маъносида бош чайқаб жавоб берди. Демак, Бекмирза идорага қўнғироқ қилмаган...

Бекмирза Омск шаҳрига бориб, савдо ишлари билан бир ҳафтача у ер-бу ерга қатнаб юрди. Лекин, ишлар ўнгидан келавермагач, Благовешенск шаҳрига жўнади. Афсуски, бу ерда ҳам иши юришмади. Ҳамма жойда ўша — Хитой товарлари еру кўкни босиб кетган. Бу товарларни бўлса, водийнинг ўзида шундай биқиндан — Қирғизистондан ҳам арzon-гаров олиб чиқиш мумкин. Ёғоч-тахта савдосига эса аралашиб бўлмайди — бу соҳани қўлга олган корчалонлар чуқиб ташлашади... Илгари катта ишлар қилиб ўрганган Бекмирзанинг эса турли консервалар, конфетлар, сут маҳсулотларини майдалаб харид қилишга бўйни ёр бермади. Буларни, яхиси, Ўзбекистоннинг ўзида улгуржи тарзда олиб, дўконларда майдалаб сотовериш мумкин. Ҳеч қандай бош оғриқ, оворагарчилик йўқ. Бунинг устига йўл харажатлари, божхона машмашаларидан холи бўласан. «Икки-уч йил орасида шароит шунчалар ўзгариб кетибди-я», деб ўйлади у Россия ишбилармонлари билан бесамар музокаралар олиб бораркан. Ҳа, кейинги уч йил ичида у Россияга деярли келмаган, улгуржи савдони бу ерда вақтинча яшा�ётган жиянларига топшириб қўйган эди. Сибирь томонларда хафсаласи пир бўлгач, Санкт-Петербургга — жияни Комилжон хузурига учеб борди. Комилжон тоғасининг оилавий мозароларидан боҳбар эди. Анчагина ўзини олдириб, ранги синиққан Бекмирзани қуриб, ичида, «ўҳӯ, қўш хотинлик емириб ташлабди-ку, тоғамни», дея юраги ачишди. Бекмирза уч-тўрт кун Санкт-Петербургни айланди, Царское Селога борди, Комилжон қаердандир бир амаллаб топиб келган билет билан Петербург театрига — Кирилл Лавровнинг ижросини кўргани борди. У рус актёрлари ичида шу артистни жуда яхши кўрарди. Қачонлардир болалигида, Ленинград шаҳрининг фашистлардан мудофааси ҳақида кўрган икки серияли фильмда Лавров бош роллардан бирини ижро этган. Ўшанда бу актёрнинг юксак маънавияти, маҳорати қалбини ром этганди. Лавров жуда қариб қолиб-

ди... Аммо, актёр сифатидаги маҳорати асло сусайманган. Театрда Бекмирза неча кунлардан бўён қалбини ўртаб келаётган оғриқни қисқа муддатга унугандаи бўлди.

Комилжоннинг ётоғига қайтишгач, тоғасининг чехраси хиёл очилганини сезиб, жиян бир ютиниб олгач, гап бошлади:

— Тоға, уйлар тинчми, ахир?.. Негадир хомушроқсиз?

Креслода оёқларни чалмаштирганича нималарни дир вайсаётган телевизорга бефарқ термилиб ўтирган Бекмирза ярқ этиб жиянига қаради. Орада у-бу ўзаро келишмовчиликлар юз бериб турса-да, баъзан Бекмирза уни нодонлик, бефаросатликда айбласада, аслида жиянлари ичида унга яқин, садоқатлиси шу йигит. Россияда ойлаб яшаб, Бекмирзани етарли маҳсулотлар билан таъминлаб туриш осон иш эмас. Аммо, Комилжон бирон карра ишдан, соғлиқдан ё шикоят қилган, ё улушининг оз-кўплиги ҳақида оғиз очмаган.

— Уйларда-ку хотиржамлик, жияним, ҳаммаси ўша ўзинг билгандаи... Аммо кўнглим нотинч, бир... нарсада хато қилдимми, деб фалаёндаман...

Бекмирза жим қолди, Комилжон ҳам чурқ этмади.

Кутилмаганда Бекмирза юраги қаъридаги дардларини шу йигит, ўз жиянига тўкиб солди.

— Биласан, Моҳи билан яхши яшадик, худо икки фарзанд берди, рисоладагидек тарбиялаб ўстирдик, бирини уйлаб, бирини чиқардик. Севаранинг тақдири ўзингга маълум... Бироқ бу масалада кўпроқ қизимнинг ўзи айбдор. Ёшлигига мен югур-югур ишдан ортиб тарбиясига эътибор бермаганман, хотин ўз иши билан уззукун банд бўлган... Хуллас, оиладан кўра кўпроқ кўчанинг тарбиясини олди. Лекин, ўзинг яхши биласан, ахлоқи тоза... Бироқ қўрслиги, жанжалбозлиги кучли...

Бекмирза бир муддат жим қолди. Кейин Комилжонга аллақандай аянчли жилмайиш билан қаради-да:

— Кейин... анави аёл билан... танишиб қолдим... — деди тутила-тутила, — тўғрисини айтсан, сен балки куларсан, аммо, умримда илк марта мен... шу аёлни жонимдан ҳам ортиқ севиб қолдим! Кейинги пайтларда инсоннинг ёшаргани ҳақида олимлар ҳам кўп гапи-

ришяпти. Ҳозирги элликдан ошган одам билан ўтган асрнинг 40—50-йилларида шу ёшга кирган одам ўртасида катта фарқ бор. Бизнинг болалигимизда элликдан ошган одамлар аллақачон қариликни бўйнига олар эдилар. Ҳозир эса... Кексалик на руҳан, на жисмонан элликдан ошганларни забт этгани йўқ. Хуллас, мен бу гапларни ўзимни оқлаш учун айтиётганим йўқ. Бугунги жамиятда реал аҳвол аслида шундай — эллик ҳали келажак учун режаларни бемалол тузаверадиган ёш. Балки шу ҳолат юрагимда севги ўти алангаланишига сабаб бўлгандир... орада қанча можаролар ўтди, хабаринг бор... Шу аёлга уйландим, бирга яшай бошладик...

Аммо, орада у-бу нохуш ҳодисалар ўтди. Бола олдирди. Ўртада шу боис... англашилмовчиликлар юз берди. Назаримда унинг кўнгли мендан... совиди! Мана шу ҳолатни илк бор сезган кунимдан бошлаб, менга кеча-ю кундузнинг фарқи қолмади, Комил! У эса ўзини мендан янада олиб қоча бошлади. Телефон қилсан у-бу баҳоналар билан гапни шарт узади, айтилган жойга келмайди...

Мен бу ҳолга чидаёлмаяпман! Асло чидаёлмаяпман! Юрагим олов булиб ёняпти, нима қилишимни билмайман! Аслида Россияда сизлар бор, бу ерга келиб ҳам нима қилардим. Мен бу ерга ўзимдан қочиб келувдим! Аммо, юрагингни тарк этиб бўлмас экан! Уни ўйламаган куним, соатим йўқ!...

Минг марта телефон рақамларини тераман, яна ўчирман... Тушларимда азобланаман... Ҳатто... ўлгим келади, Комил! Ўлсам шу азоблардан кутуламанми, деб ўйлайман...

* * *

Солиҳа кечқурун ишдан қайтаркан, ўз кўча дарвозалари олдида турган зулукдай қора «Жигули»ни кўриб, юраги бирдан ҳапқириб кетди. Бекмирза! Бироқ, зум ўтмай ҳафсаласи пир бўлди: Бекмирзада бундай машина йўқ-у, эски «Жигули»да юрмайди... Ичкарига кириб меҳмонхонада ўтирган одамга кўзи тушди-ю, кўнгли жойига тушди. Синглисининг қайноғаси, аллақайси иммий-текшириш институтида ишлайдиган Кабир ака. Олим одам, ўз соҳасида фан доктори бўлса керак,

олий ўқув юртларида дарс ҳам беради шекилли, профессор унвони бор. У кириб Кабир ака билан омонлашди-да, синглисины ахтариб, теваракка аланглади. Баъзан синглиси Нафиса йўл устида бўлгани учун Кабир аканинг машинасига чиқиб онасидан хабар олар, Кабир ака кўпинча уни бу ерга ташлаб, ўзи уйга кирмай кетиб юборарди. Бу гал негадир меҳмонхонага кириб, ўтириб олибди.

Онаси ошхонада куймаланаётган экан.

— Ая, Нафиса ҳам келдими?

— Келувди... Зарурроқ иши бор экан, дарров кетди. Кепқолар... Кабиржон кутиб ўтирибди-ю?!

Кабир ака ёши олтмишларга бориб қолган, лекин ҳали мустаҳкам, соғлом одам. Солиҳа бир чойнак чой кўтариб кириб, унинг қаршисиға ўтириди.

— Тинч-омонмисиз, Кабир ака, уйдагилар?

— Раҳмат, Солиҳаҳон, ўзингизнинг ишларингиз қалай? Божхона анчагина тифиз идора...

— Тўғри, Кабир ака, лекин биз оператив хизматдан холимиз. Лабораториядаман.

— Маъқул, ўзингиз боп иш экан...

Солиҳа унга чой узатар экан, олимнинг кўзлари аллақандай ялтираб, ўзининг кўкракларига қадалганини сезди-ю, фashi келди. Чойни меҳмоннинг кўлига тутқазди-ю, узр сўраб ташқарига чиқди.

— Ая, боринг, сиз гаплашиб ўтиринг меҳмон билан, овқатни мен қилақолай...

— Вой, ўлмасам! Ахир мен нимани гаплашаман олим одам билан? Ўзинг ўтиравермайсанми... Гапи гапингга тўғри келади.

Лекин кампир Солиҳанинг гапини қайтармади... Солиҳа паловни сузиб келтирди. Ош устида яна анча сухбат қуришди. Қизиқки, Нафисадан дарак бўлмади. Охири Кабир ака меҳмондорчилик учун ташаккур айтиб, ўрнидан қўзғалди...

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, Кабир ака Солиҳанинг ишхонасига қўнғироқ қилди.

— Солиҳаҳон! Мен... Кабир акангизман. — Ўзаро салом-алиқдан сўнг профессор мақсадга ўтди.

— Бизнинг институтимиз биласиз... рангли металлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш устида ишлайди. Кўп ёш олимларимиз чет эллар-

да командировкада тез-тез булишади. Ўзаро ҳамкорлик мақсадида малака ошириш учун ҳам ходимларимиз узоқ муддатли чет эл сафарларига чиқиб туришади. Институт раҳбарияти четга чиқиш-кириш тартиблари тұғри-сіда бир сұхбат үюштиряпмиз. Шунга божхонадан сизни таклиф этмоқчидик.

Солиҳанинг кулгиси қистади.

— Раҳмат, Кабир ака... Аммо, мен оддий лаборатория ходимиман, холос. Үндай жойларга тезкор ходимлар, раҳбарлар боришади.

— Раҳбариятингиз билан гаплашиб күрайми?

— Мени хижолат қиласиз, холос, Кабир ака. Бу тартиб-қоидаларимизга тұғри келмайди.

— Оббо! Наҳот, иложи бұлмаса?

Солиҳа энди баралла кулиб юборди.

— Мени боришим сизга шунчалик керакми, Кабир ака? У ҳолда шундоқ ҳам боравераман!

— Келасизми?! — Кабир аканинг овозидаги ҳаяжон, интиқлик, ёш йигитларга хос сабрсизлик кайфияти Солиҳани хүшёр торттириди. Нимага шама қиляпти бу одам?

— Ўйлаб күрармиз. Хұп, хайр.

Әртаси кечқурун у синглисига құнғироқ қилди.

— Нафиса! Қалайсан? Болаларинг яхшими?

— Шукур, опа, үзингиз қалайсиз?

Солиҳа бир зум үйланиб қолди. Нима дейди? Кабир акани сұрайдими?

— Үтган гал уйга борибсан-у, мен келгунча кетиб юборибсан. Қайноғанг үша ерда экан... Бугун кутилма-ганды ишга телефон қилди? Нима гап үзи?

Нафиса анчагача жим қолди. Сұнг оҳиста сұз бошлади.

— Мени кечириң, опажон... Сизга энди батағсил айтmasам бұлмайди. Кабир ака үтган йили хотини билан ажрашған... Үзингиз биласиз, бириңчи хотини беш йилдан ошди қазо қылған, икки үғли, бир қизи бор, ҳаммаси уйли-жойли... Кейинги хотини, рости, ҳеч би-ровимизга ёқмади. Рұзғор тутишни билмас экан, фарзанд құрмаганы учунми, ёш болаларни ёқтирмайди. Кабир аканинг неваралари келса, ғаши келганини ҳам яширмайди... Хуллас, турмушлари бұлмади...

Сизнинг Бекмирза ака билан никохингиз на аямга,

на бизга тұғри келади! Келажаги йүқ бу турмушнинг! Опажон, ҳали олдинда қатор-қатор түйларимиз, маросымларимиз турибди... Аям қарыб қолдилар... Акамдан әнди умид йүқ. Келса ҳам бир меҳмон тарзида келиб кетади... Агар, Бекмирза ака нариги турмушидан буткүл воз кечганды, доимо ёнингизда бўлганда эди... Лекин билишимча, бунинг иложи йўқ...

Қўйинг, опа! Бас қилинг шу... ишни! Ҳали ёшсиз... Майли, Кабир ака ёқмаса бошқа лойиқ-қобил топилар... Лекин, воз кечинг Бекмирзадан! Сизга яхшилик олиб келмайди у! Илтимос, опажон, менга ҳозир жавоб берманг! Гўшакни жойига қўйинг-да, бир ҳафта, бир ой ўйланг! Гапларимнинг мағзини чақинг! Хайр!

Йўқ! Йўқ! Нафақат онги, ўй-хаёллари балки, хаёлотининг энг олис пучмоқларида ҳам Бекмирзадан воз кечиш илинжи пайдо бўлмаган! Бекмирза унинг жони — Бекмирзадан айрилса, — жонидан айрилади!

Солиҳа қулида омонат турган гўшакни жойига аста кўйди. Ўзини диван-каравотга ташлаб, юзларини ёстиққа босди. Нима учун ҳеч ким тушунмайди уни, қалбини тингламайди? Агар ҳозир кўксига шарт ханжар уриб, юрагини суфуриб олишса, ҳали потирлаб турган юрак «Бекмирза! Бекмирза!» деб дод солади, ахир! У тўлғаниб, тўлғаниб йиғлай бошлади...

* * *

Бекмирза Санкт-Петербургда бир ойдан ортиқроқ юрди. Эски танишларни бориб кўрди. Дўконлар учун ул-бул мол харид қилган бўлди. Фарғонадан бу ерга келиб ишлайтганлар кўп. Танишларидан бири ўн йилча муқаддам бола-чақаси билан Санкт-Петербургга келиб яшаб қолган эди. Ахтариб ўшани топди. Аваз исмли бу йигит Фарғонада иши юришмай тақдир тақозоси билан шу ерларда насибасини топиб юрган экан. Ўзи анча уринган «Фолксваген»ни арzon баҳода олиб, киракашлик қиласи, хотини озиқ-овқат дўконида сотувчи.

Катта ўғли қурилишда дурадгор бўлиб ишларкан. Топиш-тутишлари яхши. Икки нафар фарзандлари мактабда ўқишияпти.

— Худога шукур, Бекмирза ака, — деди Аваз, — ёмон яшаётганимиз йўқ. Йилда бир-икки карра ватан-

га ҳам бориб келяпмиз. Қўл телефон доим чўнтағимда, куннинг хоҳлаган пайти, Ўзбекистондаги хоҳлаган юртдош билан бемалол сұхбатлаша оламиз. Аммо, бир нарса юракни эзади. Каттам уйланаман деяпти. Лекин, булажак келин... рус қизи! Ўртанча ўғлим ўн олтига, кичиги ўн тұртга кирди. Туриш-турмушлари, феъл-атворлар иштеди шу ернинг болаларниңдай. Қисқаси, ўзбекчилик йўқ уларда! Биз эр-хотин-ку, Петербургда умрбод қолиб кетмаймиз. Аммо болалар.... Улар ҳозир рус фуқароси... Тұғриси, буларнинг юртга қайтишларига ишончим камроқ... Мана ҳозир, айни кунларда кетиб юборганимизда балки, мослашиб кетишимиш мумкинмиди. Лекин, ҳозир илож йўқ... Хуллас, кексаликда эрхотин ё юртда ўғил-қиз, неварасиз яшашга мажбур бўламиш. Ёки... худо билади! Шулардан кейин фарзанд кўришни ҳам истамадик...

Бекмирза Аваз билан анча сұхбатлашиб ўтирди. Тез-тез кўришиб туришга ваъдасини олиб ётоғига қайтди. Лекин, йўл бўйи хаёлига келган бир фикр миясини пармалаб келди. Агар... шундай қилинса... у кўнармикан?

Аваз келгусининг ташвишида. Ташвишида асос бор. Аммо... Бизчи? Биз қолган ўн-ўн беш йил умримизни шу ерда, осойишталиқда ўтказишимиз мумкин-ку. Ўғлини ўз ўғлимдай тарбиялардим, ўстирадим... Агар Бекмирза юртдаги ўзига тегишли мол-мulkни ҳисоб-китоб қиласа бир миллион... долларга яқинлашиб қолади! Э, боринг, 600—700 мингини бу ерга ўтказиш имкони нақд-ку! Ўзбекистон билан алоқани узмай, ўринли тарзда ишлатилса, бу маблагни кўпайтириш ҳам мумкин. Ҳали қариб қолгани йўқ. Уч киши бемалол, ўйнабкулиб яшashi мумкин бундай салмоқли маблағ соясида...

Бекмирза бир-икки кун шу ўйни хаёлида пишилди. Яшаш, бизнес билан шуғулланиш имкониятларини чамалаб кўрди. Ўзбекистонда дўконлар бор... Шу ерда жиянлари қилаётган ишни ўзи амалга ошира бошлайди, холос... Фарғона ҳам анчагина тинчиди. Севара ҳовуридан тушади. Моҳи тақдирга тан беради... Ҳали Аваз айтганидек ҳозир Россияда яшаш Ўзбекистондан батамом узилиб кетиш дегани эмас. Исталган жойда туриб, исталган сонияда Ўзбекистоннинг энг хилват

бурчагидаги одамни ҳам топишинг, ишингни битказишинг мумкин. Вақтлар үтиб, Оллоң кексалик насиб қилса, юртга қайтиш ҳам мумкин... Шу фикрга келгандан сўнг Бекмирзанинг юраги ёриши...

* * *

Эрталаб кабинетига кириши билан жиринглаган телефон қўнғироғи ҳал галгидай Солиҳанинг юрагини ўйнатиб юборди. «Ушамикан?!»

— Алё, эшитаман...

— Солиҳахон... — Нақадар қалбга юмшоқ тегадиган, қадрдон, соғинтирган товуш бу... — Солиҳанинг боши айланиб, қўлидан гўшак тушиб кетаёзди.

— Менман, ҳа, менман, Бекмирза ака, — дея жавоб қилди у овзлари қалтираб...

Кечқурун уйга келди-ю, яна ӯзини таппа ўриндиқقا ташлади. Югуриб кирган аясига «бошим оғрияпти, чарчаганман» дея баҳона қилганича, кечки овқатга ҳам чиқмади. Бекмирза яна уни топди, ораларидағи тушунмовчиликка барҳам берилди. Бироқ, унинг таклифи... Томдан тараша тушгандай деб шунақа ҳолларга айтилса керак-да. Ҳа, сокин ҳовлида қуруқ, қаттиқ тараша бирдан томдан тарақлаб ерга тушса қўпчиликнинг эсхонаси ӯйнаб кетгандай, Бекмирзанинг кутилмаган таклифи ҳам Солиҳани гангитиб қўйди. Албатта, ҳар иккаласи учун бу энг қулай йўл... Ҳақ-ноҳақ кўзлардан олисда, ҳақиқий эр-хотин, ҳақиқий оила бўлиб яшаш Солиҳанинг ҳам энг катта армони, орзуси. Аммо Солиҳанинг зиммасида яна бир юк — кекса онани парваришлиш, касал бўлса боқиш, худо қўрсатмасин бирор оғир иш рўй берса, расм-русумларни бажариб жойига қўйиш ҳам бор... Ака-ку энди кетди, ортидан Солиҳа ҳам онани ташлаб Россияга жўнаб юборса... Йўқ, йўқ, инсоф — диёнатдан эмас бу иш! Бекмирза чамаси шу томонларини чуқур мулоҳаза қилмаган куринади. Тўғри бирдан унинг таклифини рад этиш ҳам ўринсиз. Аммо, ҳозирги вазиятда Солиҳа онасини ташлаб, Россияга кета олмайди!

* * *

Яна февраль охирлади. Дов-дарахтлар шохларидаги бутоқлар фимиirlай бошлади. Қир-адирларда бойчечаклар бош кўтаришди. Мана шундай кунларнинг бири тон-

гида Улуғбек Аҳмедов хонадони эшиги қўнғироғи шиддат билан жиринглади. Ортидан эшик кўл билан ҳам қоқилди.

— Ҳозир! Ҳозир! — дея товуш берди Улуғбек ака чопонини елкасига ташларкан. Эшик тагида икки-уч киши — қўшнилар туришарди.

— Улуғбек ака! — деди кўп қаватли бу уйда «дом-ком»лик қиласидиган Сайфуддин ака, — қўшни уйдаги Ҳоким ака кечак оламдан ўтди, жойига қўйдик... Тўсатдан бўлиб қолди бу воқеа... Энди эрталаб фотиҳасига бориб бир оз турайлик...

— Хўп! Хўп! — деди Улуғбек ака ва бир зумда кийиниб чиқиб қўшнилар сафига қўшилди.

Ҳоким ака узоқ йиллар маҳаллий педагогика институтида ўқитувчилик қилган, шогирдлари, таниш-билишлари бисёр одам эди. Тонг саҳардан у яшайдиган кўп қаватли уй атрофи одамга тўлиб кетган. Фотиҳачилар жуда кўп. Улуғбек ака ҳам қўшнилари билан фотиҳачиларни кутиб-кузатиб турганлар қаторига бориб туришиди.

Бирор соатлар чамаси фотиҳачиларни кузатиб туришди, кун ёришиб, фотиҳачилар сафи сийраклашгач, маҳалла оқсоқоли хизматига борувчи ёки бирор зарур иши чиқиб қолган одамларга кетишга рухсат берди. Улуғбек ака ҳам ўшаларга қўшилиб, уйи томон уч-тўрт қадам ташлаган эди, рўпарага келиб тўхтаган машинани кўрди-ю бехос аланга урган одамдай тўлқинланиб кетди. Сўнг йўлда тақа-тақ тўхтади-ю, бирдан қўлларини кўзига олиб борди. Хайрият, фотиҳа жойидан жилишган заҳоти қора кўзойнагини тақиб олган экан... Ортидан келаётган Сайфуддин ака унга урилиб кетаёзди.

— Ҳа, ари чақдими тўсатдан? — дея кулди у.

— Йўқ, ўзим... — дея мингирлади Улуғбек ака.

Машинадан тушаётганларни кўздан кечираркан, қора «Нексия»да келган тўрт нафар олифта кийинган йигитлар қўшниларга салом беришди-ю, фотиҳа жойига шошдилар. Улардан бири — баланд бўйли, қотма йигит негадир Улуғбек акага яна бир карра бошдан-оёқ разм солди-да, шерикларига эргашди.

— Фарғона шаҳридан келишди бу йигитлар, — деди Сайфуддин ака, — анави новчасини танийман. Шаҳардаги номдор савдогар Бекмирзанинг жияни, Ко-

милжон деган йигит... Тоғасининг Петербургдаги савдо агенти эди... Ўтган йили Бекмирза ака кутилмаганда йўқолиб қолди. Комилжон Бекмирзанинг ўғли ва қизи билан келишмади чофи, ҳозир ўзи мустақил ишляяпти.

- Нима иш қиласди? — деди Улугбек ака.
- Савдогар-да! Шаҳарда бир-иккита дўкони бўлса керак...
- Бекмирза ака... Т...топилмадими?
- Э, ҳар хил гап кўп... Биров, рақобатчилари йўқ қилган, дейди... Биров хотини ўлдиртириб юборган, деган ваҳимани тарқатади...
- Хотини? Нега энди??
- Бу Бекмирза илгари институтда ўқитувчилик ҳам қилган, қўшни. Салоҳиятли одам дейишарди. Кутилмаганда, ўша совет даврида, институтни ташлаб ота касби, новвойчиликка уриб юборади. Оиласвий шароити шунга мажбур қилган экан. Э, кейин эса... Кейин ўша ўзимиз билган қайта қуриш замонлари бошланди... У ўша пайтлардаёқ, яъни, сиз билан биз хали коммунизм чўпчагига ишониб юрган кезлардаёқ катта савдоға ўтади. Иши юришган одам эди, дейишади.... Хуллас, хуллас ўн беш-йигирма йил ичида у шаҳардаги энг бой одамлардан бирига айланади... Шундай ўзига пишиқ, ақлли, ишбилармон одам икки-уч йил аввал бир жононга кўнгил беради. Уйланади. Албатта, шундан кейин рўзгор бесарамжон, одатий жанжаллар бошланади. Бекмирза оиласидан воз кечади, ўша аёл билан бирга яшай бошлайди... Сунг... Ўзаро жанжаллар... Орада Бекмирза Россияга ҳам кетиб юборади...
- Эшитганман, — дея унинг ҳикоясини бўлди Улугбек ака. — Лекин, хотини ҳақида... У аёл бундай иш қилиши жуда... Жуда гумон!
- Ҳа, энди шундай гап ҳам чиққанди... Рашқ ёмон нарса, Улугбек ака, у одамни ҳар кўйга солиши ва ҳатто энг ювош инсоннинг ҳам қўлига қурол тутқазиши мумкин...
- Билмадим, билмадим...

* * *

Солиҳа иймайиб, аллақандай узрнамо оҳангда сўз бошлиши билан Бекмирзанинг руҳи тушиб кетди. Со-

лиxa келолмайди! Балки... Келишни ҳам хоҳламайди! Ҳа, түгри, кекса аяси бор... Ўзига яраша мажбуриятла-ри мавжуд... Одамгарчилик масаласи бўй кўрсатяпти бу ҳолда... Қўни-қўшни, қариндош-уруглар нима дейди... Кекса кампирни ҳайҳотдай уйга ёлғиз ташлаб кетиш инсофдан эмас... Синглисинг болалари кўп, куёв эса осмони фалакда — у ҳеч қачон қайнананинг уйида яшамайди, фарзандларига ҳам бегона хонадон осто-санни бостирумайди! Ҳа, ҳа, ҳаммаси түгри... Лекин... Ҳудди Бекмирзанинг онгидан ўтган фикрни уққандай Солиҳа бу томонини ҳам текислади:

— Бекмирза ака... Агар ўн сакиз яшар қиз бўлганимда ортингиздан дунёнинг нариги чеккасига кетишга ҳам рози эдим! Аммо, тушунинг, энди... Ҳозирги аҳво-лим, шароитим бошқа. Сизга интилиб, бирга булиши-ни ӯлар даражада хоҳласам-да олдимда шундай мажбу-риятлар тўсиги борки, уларни асло афдариб утиб бўлмайди! Ўғлим тақдиди, онам қисмати, уй-жой, неча ийллик рўзгор масъулияти...

Бекмирза Солиҳа қачон хайрлашиб, қачон гўшакни жойига кўйганини ҳам сезмади. Эҳ, қанчалик орзу қилган эди Солиҳа билан бир хонада яшашни, рўзгор қилишни, бола тарбиялашни! Ҳа, ҳаёт шафқатсиз, унинг шундай қонун-қоидалари борки, уларга шак келтириш жамият қархисида жисмоний эмас, балки, ру-ҳан ӯлиш, йўқолиш демакдир! Қисмат деганлари шу эканда-а! Ҳа, «поезд кетди» дея бежиз айтмайди рус-лар, Бекмирза ҳам поезддан қолиб кетиб, перронда у ёқдан-бу ёққа сарсон чопаётган йўловчининг ўзи... По-езд эса тобора нари ва нари кетяпти. У қайтмайди, ҳеч қачон қайтмаган ҳам!

Шу куни у ўзини унугланча ароқ ичди. Эртаси эрта билан уйғониб биринчи қилган иши... Столдаги бутил-кага кўл чўзиш бўлди! Тушга яқин гандираклаганича кўчага отланди. Нева соҳилидаги арzon ошхоналардан бирида яна тўйгунча, тошгунча ароқ симириди. Атро-фида кўп ўтмай аллақандай қаланғи-қасангি одамлар рўёбга чиқди. Улар Бекмирзани юпатишди, дардига шерик бўлишди. «О... Любовь! Любовь! Кто от неё не-пострадал! Об этом у нас спроси, друг! У нас тоже такое горе... безисходное...». «Мұҳаббат дардидә күйган» бу кимсалар то Комилжон тоғасини ахтариб, топиб келгунча Бекмирзани сўришли...

Эрталаб ўрнидан турган Бекмирза яна заррача ҳам ўйланиб ўтиrmай майу шароб ҳовузига шўнғиди... Бир-икки ой ичида у озиб-тўзиди, соқоллари ўсиб кетди. Петербург кўчаларида тентирайдиган юзлаб дайди, ароқхўрлардан бири қиёфасига кирди. Орада бир-икки марта милиция қўлига ҳам тушди. Анчагина оворагарчиликлардан кейин Комилжон катта пул сарфлаб уни ҳибсдан олиб чиқди. Аммо тоғага бу ҳам сабоқ бўлмади. Жиянининг яхшилик билан, йўлини топиб тоғани юртига қайтариб юборишга уриниши эса самарасиз кетди.

— М...менга оввора б-бўлма, Комил! Юбора ол-майсан мени ўшша Ўзбекистонга! Ф...фақат тобутда кетаман мен у ёқقا! — деда айюҳаннос солди Бекмирза жиян олиб келган авиачиптани унинг юзига уаркан...

Моҳигул ҳам, ўғли билан қизи ҳам ота тушган кўйдан хабар топищи-ю, лекин қўлларини совўқ сувга-да уришмади. Солиҳанинг бетўхтов кўнғироқлари жавобсиз қолаверди. Бекмирза бир куни жони-жаҳди билан жиринглаб, фарёд солаётган телефонни муздай Нева сувига улоқтириди-ю, қайтиб қўлига телефон ушламади. Комилжон эса Солиҳанинг телефонини билмасди...

Орадан бир йил ўтди. Комилжон уйини, бола-чақасини жуда соғинган, юрга бориб келиши зарур эди. Аммо, тоғани бу аҳволда ташлаб кетиб бўлмасди. Ниҳоят икки-уч нафар ишончли юртдошларни топиб, тоғани вақтинча уларга топшириди-ю, Ватанга учди. Бориб Моҳигулни, Тоҳир билан Севарани бир жойга тўплади, ҳамма гапни тўкиб солди.

— Бир йилдан бўён ит азобидаман. Кўнглим доим алағда... «Тоғам қаерда қолди экан, нима бўлди экан?» деда жоним ҳамиша ҳалак. Уни олиб келиш керак.

— Дадамни олиб келадиган ўз одами бор, Комил! Бизга тушиб қолибдими у кишини чақириш! Бор, ўшангага, ҳаммамиздан азизига арзингни айт! — деда қич-қирди Севара. Моҳигул билан Тоҳир индашмади.

Сўраб-сuriштириб Комил ниҳоят Солиҳани топиб борди.

— Солиҳа опа сизми? Салом. Мен Комилжон деган йигитман. Бир ҳафта бўлди Петербургдан қайтдим — телефонда шу гапларни эшилди-ю, Солиҳанинг боши айланиб кетди...



— Бекмирза ака омонми? — дея олди у бечора.
— Ха, яхшилар... Агар ташқарига чиқсангиз, жиндай гаплашардик...

Солиҳа ҳеч кимга индамай ўрнидан сапчиб турди-да идорадан ёш қизлардай чопиб чиқди...

Эшик қўнғироғининг шиддат билан жиринглаши кайфда қотиб ётган Бекмирзанинг қулоқларига анчадан кейин пашша ғинфиллашдай етиб борди. У аввал парво қўлмай ётаверди, сунг худди пашша ҳайдагандай қўлларини кўрпадан чиқариб, у ёқ-бу ёққа силкиди. Эшикни бу орада тарақлатса ҳам бошлишди. Охири Бекмирза аранг ўрнидан қўзғалди, боши янчилгандай мижиглаб оғрири эди...

— Ҳ... Ҳозир... Ким у? — дея хаста, bemажол овоз берди у халатини бир амаллаб елкасига ташлар экан.

— Мен... Комилман, тоға...

Бекмирза аранг юриб бориб эшикни очди-ю, ўша ондаёқ терс бурилиб ювениш хонасига кириб кетди.

— Жойлашавер... мен... Ҳозир... — дея минғирлади у жиянининг юзига ҳам қарамай. Бекмирза ваннада, илиқ сув кучоғида анча муддат ётди... Бош оғриғи хиёл пасайди... Жияни қайтиши шарағифига соқолини олди. Сунг ювениб-тараниб меҳмонхонага чиқди. Комилжон бир зумда Фарғонадан олиб келган мева-чевалар, патир нонлардан чиройли дастурхон тузабди, у ёқ-бу ёқларни йиғиштириб, уйни тартибга солибди. Дастурхон ўртасидаги биллур гулдонда қип-қизил Фарғона атиргуллари нафис буй таратиб туради...

— Ў... Фарғонани кўчириб келибсан-ку, жиян, — дея Бекмирза Комилжон томонга бир-икки қадам ташлади-ю... боши айланиб кетди...

Комилжоннинг ёнида кейинги йиллари Фарғонада урфдан чиқиб бораётган мато — ловилаб ёнаётган хонатлас кўйлак кийган... Солиҳа туради!

— С...Солиҳа... — дея негадир пичирлади Бекмирза. Айни пайтда оёқларидан дармон кетиб, шалвираб, йиқилиб тушишига бир баҳя қолди, — Солиҳа...

Солиҳа дадил юриб келиб, унинг қўлларидан ушлади.

— Бекмирза ака... Бормисиз?!

Бекмирзанинг кўзлари намланди... У bemажол хона четидаги диванга ўтириб қолди...

— Солиҳа... келдингизми?!.. Келдингизми-а?!. — Иккаласининг ҳолатини кўриб, Комилжоннинг ҳам кўзларига ёш келди ва у шошиб ошхонага кириб кетди.

— Бекмирза ака!

— Солиҳа!

Иккаласи ҳам ҳаяжон тұла сукут оғушига чўкишган, аммо диллар сұхбат қуарар, Бекмирза билан Солиҳа узоқ кутилган висолнинг асал дақиқалари хузурини тотишарди...

Эртасига Бекмирза Солиҳани Петербург академик театрига — Кирилл Лавров спектаклига олиб борди. Эрмитажни бир-икки кун айланишди. Машхур Петербург балетини томоша қилишди. Петербург улкан тарихий шаҳар — уни бир ой айланиб ҳам адо қилиб бўлмайди. Ўн кундан сўнг Солиҳанинг таътили ҳам поёнига етиб қолди.

— Наҳот, кетасиз, Солиҳа...

— Иложим йўқ, Бекмирза ака, Сиз билан ўтган ҳар бир дақиқа мен учун худо кечирсинг-у, Арши аълода ўтган дамлардай... Аммо... Сиз... ўзингиз-чи? Қачон қайтасиз?

— Сиз бўлмасангиз, Санкт-Петербургнинг мен учун саҳродан фарқи йўқ... Қайтаман энди...

— Лекин... Илтимос, бирга қайтмайлик... Яна тағин...

Анчагина талаш-тортишувдан кейин Бекмирза Солиҳадан бир-икки ҳафта кейин қайтадиган бўлди...

Бекмирзанинг деярли барча таниш-билишлари «у савдо ишлари билан Россияда юрибди», деган фикрда эканлар. Кўча-кўйда кўришганлар «Яхши бориб келдингизми» қабилида ҳол-аҳвол сўраб кўяқолишли. Холбуки, бечора савдогар назарида у ўз она шаҳридан кетганига... ўн йиллар бўлган, ҳамма нарса ўзгариб кетгандек туюлганди. Йўқ, ҳаммаси ўша-ўша... Шаҳар марказидаги айрим биноларнинг бузилиб, ўрнига янгилари қурилаётганлигини ҳисобга олмаса, бир йилда унчалик кўзга ташланадиган ўзгаришлар содир бўлмабди. У Россиядан қайтгач, тўғри «висолхона»га борган эди, эшикни бегона одам очди. «Хайр-хўш»дан сўнг маълум бўлишича, у квартирани Моҳигулдан сотиб олибди. Демак, қандайдир йўллар билан Моҳи ёки Севара яширин квартирадан хабар топишган ва Бекмирза кела-

вермагач, квартирии вақтингча туриш учун шу одамга беришган. Шаҳардаги биринчи қадамлариданоқ зарбага учраган Бекмирза ноилож ўз уйига кириб борди.

Моҳигул тұстадан останада пайдо бұлған эрини күрди-ю, юраги тұхтаб қолгандай сезди ўзини. Бир йил ичидә анча озибди Бекмирза, құzlари ичига тортиб кетибди, ранги касалванд одамнікіга үхшайды... Бирдан аёлнинг күzlарига ёш қалқди. Эрининг қаршисига югуриб бориб, құлидан жомадонини оларкан:

— Келдингизми, дадаси? — дея олди, холос.

Бекмирза:

— Ҳа, етиб келдим, уйлар тинчми? — деди-ю иккінчи қаваттаға күтарили. Ҳонаси ўзи кеттеган пайтда қандай бұлса үшандай турибди. Саранжом-саришта... У ечинмаёқ ўриндигіға ағанади, жуда чарчаган экан, күп ўтмай уйқу элитди...

Кечқурун Тоҳир келини ва болалари билан отани зиёрат қылғани кирди, Севара афтидан онасининг зўри билан аранг отаси ҳузурига чиқди, шекилли, икки оғиз ҳол сұраган булиб, дарров хонани тарқ этди. Моҳигул шу ерга стол тузади, овқаттаға Севаранинг икки боласи чиқди-ю, лекин ўзи кўринмади. Ҳудди азадан кейинги овқатланишдай совуққина ўтириш бўлди. Бекмирза иш ҳақида ҳам, сотилган ёки ижарага қўйилган үй ҳақида ҳам оғиз очмади. Петербург таассуротлари ҳақида на болалари сұрашди, на ўзи гап бошлади... Ҳаммаси беш карра бещдай аён эди, ахир...

Тун ярмида кўзини телевизордан аранг ажратиб, ўрнига кирап экан Бекмирза ўзини аллақандай нокулай сезди, лекин...

— Ўзинг қалайсан, Моҳи? — дея тил учида хушомад қилиб хотинини қучоқлашдан ўзга чораси йўқ эди бечоранинг...

* * *

Эртасига эрталаб қизи билан очиқласига гаплашиб олмоқчи бўлди. Майли, у ҳам кўнглидаги бор губорини тўксин, айтадиганини айтсин...

Бекмирзада ҳам ўзига яраша дард бор, у ҳам кўксидагини кўкка совуради, токи, бу қиз кўрсин, тушунсин... Лекин, эрталаб қизи масаласида куймаланаётган Севаранинг аҳволига қараб, бўлажак очиқ суҳбатни

яна ортга сурди. Орадан икки-уч кун ўтди. Кейин юрагини аллақандай тараддуд, шубҳа ўртай бошлади. Хўш, нима дейди қизига? Шу аёлни севиб қолдим, дейдими?! Дўппини бошдан олиб, мундоқ чукур ўйлаб қаралса, бундан бошқа нима ҳам дея олади?! Ёшига ярашадими шу гап! Тўғри, илгари ҳам, ҳозир ҳам Бекмирзанинг ёшида кўркам аёлни севиб қолган, хотин устига хотин олган кишиларнинг сон-саноғи йўқ. Яқинда Солиҳа айтиб қолувди: қайси бир катта немис шоири етмишдан ошганда ёш жувонга кўнгил қўйган ва ҳатто ишқ кўйида бутун бир роман ҳам ёзиб ташлаган экан. Лекин, барибир ўғил уйлаб, қиз чиқарган, неварали одамнинг кўнгил хоҳишига бўйсуниб, янги рўзғор тутиши фавқулодда ҳодиса. Бир чеккаси... уят ҳам! Агар турмуш ўртоғи вафот этган бўлса, бошқа гап... Лекин Бекмирзанинг тутган йўлини ҳеч ким, ҳеч қачон оқламайди! Ё худо, бу не сир, не куч бўлдики, камолга етган, катта ҳаётий тажриба тўплаган, пишиқ-пухта бир инсонни йўлдан оздирди, ҳаётини чирпирак қилиб ташлади?! Уч-тўрт йил аввал Бекмирза шу ҳолга тушаман, дея туш ҳам кўрмаган эди, ахир... Орада икки-уч карра Солиҳа билан учрашди. Бироқ негадир у Санкт-Петербургдаги Солиҳага ўхшамади... Аллақандай бегона... Онасини, ўглини кўп гапиради. Гўё шу билан ўзини улар олдида оқламоқчи бўлади... Бу орада... Висолхонада ўтирган Солиҳа устига яна Севара бостириб кирди. Бекмирза йўқ эди... Бу гапни эшитгач, миясига пона қоқилгандай бўлди унинг... Нима қилсин, нима қилсин ахир... Мана шундай чигал ўйлар гирдобида қолган Бекмирза яна Санкт-Петербургга кетиб юборди...

Орада бир-икки Солиҳага қўнфироқ қилиб, ёнига келишга ундини. Солиҳа кўнмади. Оилавий аҳволини баҳона қилди. Бироқ, гап-сўзларидан унинг Бекмирзадан хафалиги сезилиб турарди. Икки ойдан кейин Бекмирза яна қайтиб келди. Солиҳа... Бекмирза сафардан қайтиши арафасида Москвага — акаси ҳузурига йўл олибди! Ҳолбуки Бекмирза қайтаётганини билдириб қўнфироқ қилган, лекин, Солиҳа Москва сафари тўғрисида лом-мим ҳам демаган эди...

Сафар анжомлари билан «висолхона»га кириб келган Бекмирза шу хабарни эшитгач, ўрнига чўкиб қол-

ди. Санкт-Петербургдан аввалги қайтиб келишидан сұнг «висолхона»даги ижарапини чиқаришган, хона яна үзларига қолган эди. Бир хафтагача шу уйдан чиқмай, ичиб ётаверди. Охири нимадандыр хавотир булиб, бу ердан хабар олгани келган Моҳигул соқоллари үсиб кетган, исқирип, маст-аласт эрини хона бурчагидаги диван устида харракадек қотиб ётган ҳолда учратди. Санкт-Петербургдан көлтирган нарсалари, авиа билетини күздан кечириб, Бекмирзани бир хафта илгари она шаҳрига етиб келганини билди-ю, ифлос ва аянч бир ҳолда диванда хуррап тортаётган бу одамга нисбатан юрагида кучли ва билгисиз нафрат ҳисси жүш урди. Қариганда нима қиляпти үзи бу одам?! Жинни-пинни бұлғанми ё?

Хотининг, бола-чақаңг, туппа-тузук оиланг күз үнгингда турса-ю, бу нима мажнунлик? Моҳигул аламдан тищларини фижирлатди, күз үнги хиравашди. Газ қозон ёнида қорайиб, тұнтарилиб ётган қуймоқ пиширгични құлига олди... Ҳозир бир урса, шу аҳмоқ каллани пачақлади, ифлос мия кусуқдай оқиб чиқади...

Бир муддат шу аҳволда караҳт булиб турди-ю, кейин шайтонга ҳай берди...

— Туринг үрнингиздан, ҳой..., алкаш! — Моҳигул умрида илк марта эрига шундай муомала қилаётганди, — артинг... оғзингизни!

Бекмирза мастрларга хос тарзда анча бақириқ-чақириқ, турткайлардан сұнг аранг қовоғини очди.

— К...ким? ...Ҳа... Ссенмисан? — у шундай дея бамайлихотир үнг ёнбошига ағдарилди. Аммо, Моҳигул ҳам ғазабға тұлған, қанча уринмасин, үзини босолмасди. У чопқиллаб ваннахонага кирди-ю, бир челяк муздай сув күтариб чиқиб Бекмирзанинг устига урди! Бекмирза чаён чаққандай сапчиб үрнидан турди.

— Ҳой! Ҳой! Нима қиляпсан?

— Э, одамнинг ҳар нима бұлғаны яхши! Нима қилиб ётибсиз бу ерда? Бола-чақа, уй-жойнинг сарық чақалик қиммати йүқ эканда сизга... анави қанжиқдан үзга ҳеч ниманғиз қолмадими?

Бекмирза бирдан ақлини йўқотди... Ҳуши жойига келганды, аёвсиз калтакланған, тепилған, хор-зор қилинған Моҳигул хона бурчагида гужанак булиб ётар-

ди... У шаҳд билан кийинди-ю, ташқарига чиқиб кетди...

Кечқуун маңт ҳолда уйга кириб келди. Ҳеч ким уни кутиб олмади. Бирорта дераза очилиб, бирор киши «ким келди экан?» деб ҳам қўймади. Эрталаб кеч уйғонди. Ҳовли жимжит, болалар ўқишга, катталар ишга кетишиган... У ўрнидан туриб ташқарига йұналди. Атроф сокин, баҳор яқинлашиб қолган бўлса-да, ҳали қиши ўз кучини йўқотмаган. Бекмирза анчадан буён ҳовлини ҳам айланмаган эди. Хурмо боғи ортида молхона бор. Бир пайтлар Бекмирза бу ерда бир вақтнинг ўзида икки-уч бош йирик ола-қора новвослар боқарди. Йилига икки тоннадан ортиқ гўшт тайёрлаб сотарди шу молхонадан...

У аста молхонага кирди. Қоронгироқ бурчакда ётган хайвон ўрнидан қўзғалди ва туриб деразадан тушаётган нур оқимиға чиқди. От! Қорабайир от! Мунча кўркам бўлмаса бу тулпор?

Бекмирза илгари умрида отга ишқибозлик қилган эмас, от ҳам боқмаган эди. Лекин, шу лаҳзаларда неғадир ўзини эски чавандоздай, тулпор боққан одамдай ҳис қилди. Отга яқинлашиб аста ёлларини, сиртини силади. Бақувват қорабайир туёқларини ерга ура-ура бошини қуи солинтириди...

Қора тулпор Тоҳирга қарашли, лекин уйда қаров яхшимаслигидан гижинглаган от бирмунча хомуш бўлиб қолган эди. Бекмирза шу кундан бошлаб астойдил от парваришига берилди...

Солиҳа таътил муддатини тўлигича Москвада, акасининг уйида ўтказди. Қирқ-элликдан ошган одамлар учун хоҳлайсизми, йуқми, Москва барibir кўнгилга яқин, кўпдан кўп, ширин ва аччиқ хотиралар билан боғлиқ шаҳар... Гарчи Солиҳа бу ерда ўқимаган ва ишламаган эсада, раҳматли эрини даволатиш ниятида тўртбеш бор келган, бир сафар эса бир ойча шу ерда яшаган ҳам эди. Албатта, Москва жуда ўзгариб кетган, у бутунлай бошқа қиёфа касб этган. Акасининг фарзандлари билан ўтказилган кундалик Москва саёҳатлари, театрлар, цирк томошалари ҳарҳолда уни бир оз овутди, Бекмирза билан муносабатлари туфайли юрагида пайдо бўлган чигаллик хиёл ёзилгандек бўлди. Аммо уни ўйламаган, эсламаган бирор куни, бирор

соати йўқ эди. Қаерда бўлмасин, қаерда юрмасин, Бекмирза ҳамиша хаёлида, бирор нарсага харидор бўлса, ёки бирор нарса ёқиб қолса дарров кўнглидан «Бекмирза ака нима деркин?» деган фикр ўтарди.

Лекин таътил ичи бирор марта ҳам Бекмирзанинг қўнғироқларига жавоб бермади. Ўзи ҳам қўнғироқ қилмади... Отпускадан қайтиб келгач, биринчи куниёқ аяси:

—Анавининг ҳар куни сўрайди... Келдим деб қўй ҳеч бўлмаса, — дея минфиrlади. Бироқ Солиҳа келганини Бекмирзага хабар қилмади.

Эртаси ишга чиқди. Тушликка яқин телефон узоқ жиринглади. «Бекмирза ака!» дея юраги шув этди. Чиндан ҳам Бекмирза экан. Овозларидан ҳаяжонланганлари сезилиб турса-да, лекин бамайлихотир саломлашишди. Ўзаро ҳол-аҳвол сўрашди. Сўнг Бекмирза:

— Бугун «висолхона»га келасизми? — деб қолди.

— Йўқ. — Ўз овозининг қатъий, айни пайтда босиқлигидан Солиҳанинг ўзи ҳам ҳайрон қолди, — мен у ерга қайтиб бормайман. Ўша куни қизингизнинг оғзидан эшитган ҳақоратлар менга бир умрга татииди!

Бекмирза миқ ҳам эта олмади...

Отасининг Тоҳир қулига тасодифан келиб қолган зотдор қорабайир билан астойдил шуғулланиб қолиши уйдагиларни ажаблантирди. Бу от эгаси Тоҳирдан олган қарзини уза олмай эвазига зотдор отини бериб юборган, бироқ бу хонадонда ҳеч қачон от парваришиланмаганилиги боис асл тулпор худди қорамол ёки қўй каби боқиларди. Бекмирзанинг от билан шуғулланишига бир оз хайратланишса-да, аммо қаршилик кўрсатишмади. Моҳигул ўша калтакланган кундан буён Бекмирза билан гаплашиш у ёқда турсин, юзига ҳам қарамас, Севара эса аввалгидан-да ашаддий ёвга айланган эди. Тоҳир тасодифан кўришиб қолишса саломаликдан нарига ўтмасди. Солиҳа «висолхона»га келишдан қатъиян бош тортгандан сунг Бекмирза у ердан ҳам оёғини узди. Бир-икки карра Солиҳанинг ишхонасига бориб, у билан кўришди, аммо, назарида жувон ортиқча рўйхуш бермагандек туюлди-да, бошқа бирон-бир жойда учрашиш ҳақида гап очишдан ўзини тийди. Лекин кунда ё кунора қўнғироқ қилиб аҳволидан хабар олиб турарди. От парвариши хусусида билагонлардан маслаҳатлар олиб астойдил ишга киришиб

кетди. Секин-аста от минишининг ҳам ҳавосини ола бошлади. Баҳорга чиқиб, тузуккина чавандозга айланди...

Илк баҳор кунларидан бирида кечки пайт Тоҳир отасининг ҳузурига кирди.

— Дада... — У оғирлигини у оёғидан-бу оёғига солиб, негадир узоқ тарафдудланди, — бир гап... Маслаҳат бор эди...

— Хўш? Гапиравер!

— Сиз... Анчадан буён «бизнесимиз» аҳволидан бехабарсиз... Аммо, ишлар яхши эмас...

— Менимча, ҳаммаси жойида шекилли!

— Сиз... Бехабарсиз... Аслида онам қўймади, Севара дод деб туриб олди. — Сизнинг улушингизни савдога аралаштирганимиз йўқ! Натижада...

Бекмирза тонг қотиб қолди. Сунг бир-икки ютиниб, ўзини босди. Бирпас хаёлларини йифиб, жим турди.

— Демак... кейинги бир йил ичида менинг улushman савдога аралашмади...

— Ҳа, аммо, банкда тургани учун маблафингиз анча кўпайган...

Тоҳир ҳамон хижолат ичида, нима қиларини билмай турарди... Ҳа, чиндан ҳам бу Моҳигул билан Севаранинг иши, Тоҳирнинг бу четлатишга алоқаси йўқ, аммо индамай туриб онаси билан синглисига шерик бўлган.

— Хўш, энди нима қилиш керак! Хўп, аралаштираса... Билганини қилсин! Мендан нима истайсан?

— Озгина харажат чиқиб қолди... У ёқ-бу ёқни йиғишитирдик, барибир уч-тўрт миллион сўм етмаяпти... Шунга...

— Хўш?!

— Отни сотмоқчимиз!

Бекмирза бирпас серрайиб турди-да, кейин қаҳқаҳ уриб кулиб юборди.

— Энди... Шуни ўйлаб топишибдими? Майли, сотинглар! Қарши эмасман!

Тоҳир бундай шартаки жавобни кутмаган эди, бирдан тарвузи қўлтиғидан тушди. У ҳам Моҳигул, Севара қатори дадасининг жаҳли ўйнаб кетиши, бақир-чакир, навбатдаги тус-тўпалонни кутган, шунга яраша

ҳозирлик кўрган эди. Иккинчи қаватдаги тўртта хона-нинг учтасини эгаллаган Севаранинг эшиги очиқ, афтидан вағир-вугур бошланса, чопиб кириш мақсадида у ҳам тайёргарлик кўриб турган, пастда нафасини ичига ютиб кутаётган Моҳигул ҳам жанжал бошланиши билан тепага югуришга шай эди. Тоҳир яна бир зум тараддулланди, кейин оҳиста:

— Дада, — деди, — биламан, отга анча ўрганиб қолдингиз... Яххиси, ўша пулни сизнинг ҳисобингиздан олиб қўяқолайлик, от эса қонуний тарзда сизга ўтади.

— Ҳа, ўғлим-а, ўғлим-а! Майли, билганингни қил! Ҳозир десанг ҳозир ўтказиб бераман, менга фарқи йўқ. Эртага бозорни кўр, отинг савдода қанчага кирадиган бўлса, ўша миқдорни пул ўтказиш ҳисобига айлантирида, менга кел — ўтказиб бераман!

Ўша кундан бошлаб ота ва хонадоннинг иккинчи қисми бир-бири билан мутлақо бегоналашиб кетганигини оила аъзолари ичдан тан олиши...

Орадан анча вақт ўтиб, ёнган гулханлар ўчди, кулага айланди... Моҳигулнинг қалбидаги қўзғалган ўта кучли нафрат, алам, фазаб олови ҳам вақт ўтган сари пасая бошлади. Бунинг устига оловни кучайтирадиган, ҳеч бўлмаса бир маромда ёниб туришини таъминлайдиган жиддий воқеа ҳам рўй бермади.

От масаласининг эса бирдан ёрилган пуфакдай дами чиқиб кетди. Узунқулоқ гапларга қараганда Бекмирза билан Солиҳанинг муносабатлари совуқлашган, ҳозир ҳатто кўришишмас ҳам эканлар... «Нима бўлганда ҳам, болаларимнинг отаси, невараларимнинг бобоси, неча йиллар бирга яшадик... Бу... ахлатни қайси эркак емабди! Ҳар бир одамда шунаقا... айниш даври бўлади дейишади... Урган бўлса... ургандир! Хотинига кўл кутармаган эркак зоти жуда кам бўлса керак ўзи...» Моҳигул шундай ўйлар гирдобида қийналар, аммо эрига яқинлашишга асло журъат этаолмасди. Ахир, дунёда энг тузалиши мушкул нарса қалб билан қалб орасида-ги бузилган кўприкдир дея бежиз айтишмаган...

Ниҳоят, ўртадаги муносабатларни тиклаш, ҳеч бўлмаса гаплашиб олиш учун баҳона ҳам топилди. Тоҳирнинг кичик ўғли бу йил кузда мактабга бориши керак, лекин ҳали суннат қилинмаган эди. Она-ўғил

бу хусусда аввал ўзаро обдон маслаҳатлашиб олишди. Севарани ҳам хабардор қилишди.

— Дадам... — дея шундан сүнг саволомуз ва хижолат аралаш аясига термилди ўғил.

— Қани, юр-чи... — кутилмаганда ўрнидан қўзғалди Моҳигул, — Хабардор қилмасак, маслаҳат солмасак уят бўлади. Севара, сен қол, ҳозирча кирмай туратур.

Эшикдан узун-қисқа булиб кириб келган она-ўғилни кургач, Бекмирзанинг кайфияти бузилди. «Яна бир балони бошлади булар!» Телевизор кўриб ёнбошлаб ётган эди, ўрнидан истар-истамас қўзғалди. Стол атрофига жойлашиб, фотиха ўқишиди. Бекмирза столдан бошини кўтармай ўтираверди.

— Дада, бир маслаҳатли иш бор...

— Гапиравер!

— Ҳой, инсон! — бирдан тутоқди Моҳигул, — сизга нима бўлди ўзи! Аразласам, ҳафа бўлсам менга яратади! Лекин, бирор нарса дедимми? Бир оғиз узр сўрар дейман... «қизишиб кетибман, айб менда!» деган каломингизни мана бир йилдан бери кутаман! Қанақа эркаксиз! Узр сўра деб чиққаним ҳам йўқ! Гап шундаки, Тоҳирнинг ўғли бу йил мактабга боради. Ҳали суннат қилингани йўқ! Шуни маслаҳатига чиқдик! Нима дейсиз?

Бу Бекмирзанинг хаёлида ҳам йўқ гап эди. У бирдан булатлар орасидан ерга тушди. Дарҳақиқат, шундай-ку! Ахир, Бекмирза қанча-қанча ўртоқларининг невара тўйларида қатнашди, еб-ичди, ўйнаб-кулди. Ўзига ҳам навбат аллақачон келган...

— Тўғри, — дея анчадан кейин бошини кўтарди у, — сен ҳақсан, Моҳи... Айб менда... мана ўғлим олдида сендан кечирим сўрайман... Иккинчидан... аҳволими биласан... Мен... Оила учун тамом бўлган одамман... Бунда сизларнинг заррача айбингиз йўқ... Ҳаммаси ўзимдан!

У анча муддат жимиб қолди. Она-ўғил ҳам сукут сақлашди.

— Неварани тўйи ҳақида яхши ўйлабсизлар... Аммо, ҳали хиёл эртамикан? Ёмғир-сочинли кунлар ўтиб, мева-чева пишса... Июнь, июль ойларида яхшироқ бўлармиди. Бир чиройли тўй қилардик...

Шу фикр ҳаммага маъқул келди. Эртасига Севара

ҳам дадасига салом берди. Неварадар илгаригидай бободан хуркимай қўйиши. Уч-тўрт кун ўтиб, Тоҳир яна дадасининг олдига кирди.

— «Боржоми»ни ичадиган сархил одамлар кўплигини биласиз, дада. Баъзан Москвадан атайлаб ҳавасга уч-тўрт шиша олиб келадиганлар бор... Бир грузин таклиф қиляпти... Туркманистон орқали ўтказиб бераман деяпти... Ўтказиб ололсак, ярмини Хоразм билан Қорақалпоғистонда, ярмини Тошкент билан водийда тарқатиб юборардик...

— «Боржоми» билан шуғулланишмаяптими ҳозир?

— Жуда кам. Сабаби, ўзимизда турли шунаقا ичимликлар кўпайиб кетди-ю... Ҳозирги ёшлар эса фарқига бормайди. Лекин «Боржоми»ни эсдан чиқармаганлар ҳам кўп... Агар сизнинг маблағингизни ишлатсак...

— Ҳисоб-китобингни чиқарган бўлсанг, шуғулланавер!

Оилавий муносабатлар тикланди, аммо кўнгил барабир илимади. Шунча йиллик хотини Моҳигулга Бекмирза аллақандай олисдаги, баайни фирт бегона бир аёлга қарагандек қаарди. Кўнгил Солиҳа томон талпинарди, уни қўмсарди, унга зор эди, холос...

— Солиҳа! — деди у бир куни телефонда. — Келинг, қўйинг шу аразларни! Ахир, шаъран қонуний хотинимсиз! Бошқа жой олдим, уша ерда бирга яшайверайлек! Ўғлингизни ўз ўғлимдай ўстираман... Онангиз ҳам анчагина ўрганиб қолдилар шекилли энди...

Солиҳа узоқ үлланиб қолди. Сунг:

— Бу телефонда ҳал этиладиган масала эмас, Бекмирза aka, — деди. — Лекин гаплашганимда ҳам айтадиган фикрим қатъий: мен аямни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман!

Бекмирзанинг тарвузи қўлтиғидан тушли.

У тонг қоронғисида ўрнида турди. Пастки қаватдаги хоналарда чироқ ёқилган, афтидан, Моҳигул намоз ўқишга ўтири шекилли. Кейинги бир йил ичида бу аёл диний маросимларни тўла-тўқис бажаришга киришган, келаси йили Ҳаж сафарига отланишини дилига туккан эди. Бекмирза кийиниб, секингина қуйига тушибди. Шарқда осмон бўзара бошлаган, фарб ҳали тимтирс рангда, унда-бунда сийрак юлдузлар учётган шамдай пирпирайди. Бекмирза ичида калима ўгириб

аста ҳовли айланди. Тонг саҳарда ёмон туш кўрибди... Ариқдаги бўтана тўлқинларда қуи эниб, юқори кўтарилиб сузаб келаётган қоғоз қайиқча бирдан лойقا сувга кўмилди... Чўка бошлади... Шу аснода қайиқ ичидаги Солиҳа кўринди... У чўкаётган қайиқни тарк этишга шошилмас, бўлаётган хавфли воқеага эса парво ҳам қилмасди... Юзлари тош қотган... Кўзлари тубида маъюс ва... мудҳиш, кўкиш рангли аланга... Бу кўзлар худди узлуксиз майдага пулаклар чиқараётган шампан виноси тўла қадаҳга ухшайди...

— Солиҳа! — дея бор кучи билан бақирди Бекмирза ва ўзини ариққа отди...

Шу лаҳзада у пастга қиласаб тушди. Ва уйғониб кетди.

Ҳа, кеча эрталаб кўчадаги ариқда оқаётган қоғоз қайиқчани кўрган ва кўнгли аллақандай, болаларча, губорсиз шодликка тўлган эди. Тушида эса... Бу, энди, тақдирнинг қайси зарбасидан даракчи экан? Кейинги уч-тўрт йил ичидаги Бекмирза турмушдан рушнолик кўрмади, ҳисоб. Ҳаёти ғиди-биди, уруш-жанжал, турфа туплонлар ичидаги ўтятти. Тўғри, кейинги чамаси ўн-ўн беш кун оралиғида оиласидаги вазият бир оз юмшади. Моҳигул ортиқча харҳаша қилмай қўйди. Севара ҳам дийдиёларни бас қилди. Тоҳир эса аввалгидай ўзи билан ўзи овора... Лекин, Бекмирзанинг кўнглигига чироқ ёқса ёришмайди. Сабаби — Солиҳа! Унинг бепарвонлиги, ўзини тинимсиз Бекмирзадан четга тортиши, хилма-хил баҳоналар билан учрашувларга келмаслиги — хуллас, бегонасирашнинг кучайиши Бекмирзанинг юрагини ўртарди. Бунинг уйига узунқулоқ гапларга қараганда синглисисининг қайногаси Солиҳага харидор эмиш. Олий ўқув юртининг кўзга кўринган домлаларидан бири, бадавлат, бекаму кўст, бева одам... Солиҳанинг кундан-кунга бегонасираб, олислаб бориши замираидан шу илинж ҳам ётмаяптиимикан? Бироқ шу ерга келганда Бекмирза беихтиёр истиффор айтади: йўқ, Солиҳа ҳеч қачон бундай айёrona, зимдан, кимлар биландир келишиб олиб иш қиладиган аёл эмас! Агар муносабат ҳосил бўлса, у очиқ айтарди! Ахир, қанча синовлардан ўтди бу севги!

Афтидан, ўша Севара висолхонага бостириб келган куни бўлган даҳанаки жангда қизи бир нималар дея

Солиҳанинг күнглини чилпарчин қилган... Лекин нима деган у? Солиҳа бу ҳақда оғиз ҳам очмаяпти...

Бекмирза юқорига, ўз хонасига қайтиб кирди-да, Солиҳага құнғироқ қилди. Ҳар галгидай гүшакни онаси олди. Ҳар галгидай Бекмирза яна үзини йүқтеди. У кампир билан гаплашишни ёқтирмас, зеро, бу кекса аёлнинг күёвга нисбатан нафрати ҳамиша, ҳар бир сүзи ва ҳаракатида намоён әди.

— Саломалайкум! Яхшимисизлар? Соғлиқларингиз? Узр, жуда зарур бўлиб қолдилар... Солиҳахон...

Кампир миқ ҳам этмади. Гүшакни аппарат ёнига қўйиб, афтидан, Солиҳанинг хонасига қараб кетди. Ҳа, майли, шунисига ҳам шукур... Қарғаб, гүшакни жойига «шилқ» этиб қўйганида нима бўларди?

— Алё! Бекмирза ака! Салом, яхшимисиз? — Бекмирзанинг томирларида гўё қотиб қолган қон яна юришиб кетди, баданига ширин титроқ кирди.

— Солиҳа... — дея қўзларидан ёш оқиб кетди унинг!.. — Соғиндим... Жудаем соғиндим... Сизсиз улиб қоламан... Улиб қоламан, Солиҳа! Нима бўлди ўзи? Нима қилдим мен? Нима гуноҳ қилдим, ахир?.. Сизсиз ҳаёт йўқ, менга... Ҳаёт — бу фақат сиз! Жоним, жаҳоним менинг...

— Бекмирза ака... — у ёқда афтидан Солиҳа ҳам йиғларди... — Қўйинг, қийналманг... Мени ҳам қийналманг... Биз учун... келажак йўқ, ахир.... Тушунинг буни... Жуда кеч учрашдик... Үғлим катта бўлиб қолди... Онам бир нарсалар деганими... Мендан жуда аразлаган... Энди... қолган ҳаётимни шунга бағишлайман шекилли...

— Ундей деманг, Солиҳа! Ундей деманг, ахир.

— Менга унинг олдида жуда ноқулай... Үн олтига тўляпти... Қўзларига қаролмайман...

Солиҳа хайрлашмай гүшакни жойига қўйиб қўйди...

Бекмирза бир муддат шамдай қотиб турди. Кейин гүшакни жойига қўйди-да, кийиниб ташқарига йўналди. Шоша-пиша отхонага кирди-ю, қорабайирни эгарлаб, минганича дарвозадан кучага чиқиб кетди. От тақир-туқурини эшишиб, Моҳигул жойнамоздан бош кутарди-да, юзига фотиҳа тортиб ташқарига чиқди.

— Тоҳир! Отанг бир ёққа кетдими?

— Билмадим... Тўсатдан шошилиб, жўнаб қолди-ю...

— Ҳа, бахайр бұлсın, бахайр бұлсın...

Кечқурун Моҳигулнинг безовталиги яна кучайди. Уйнинг иккинчи қавати, Бекмирзанинг хонасига учтүрт бор чиқиб тушди: гүё у кўрмай қолиб, эри тепага чиқиб кетганидай... Қоронғи тушди, шом, хуфтон бўлди...

— Тоҳир! Даданг келмади-я... Негадир кўнглим ғаш... Эрта саҳар бежо тарзда чиқиб кетувди-я...

— Ҳавотир олманг, ая! Юргандир бирор жойда...

...Тонг отди. Моҳигул туни билан мижжа қоқмади ҳисоб. Саҳарда дадасининг кўп қаватли уйдаги квартирасига келган Тоҳир у ернинг ҳам бўшлигини айтди. Орадан уч кун ўтиб, у Солиҳа билан ҳам учрашди. Жимжитлик. Солиҳа ҳеч нарсани билмас экан. Узоқ-яқин кишиларга қўнғироқ қилинди. Россиядаги танишлар, ҳамкорлар йўқланди. Минг таассуфки, Бекмирза сувга чўқкан тошдай дом-дараксиз эди. Орадан иккичу ой ўтгач, ноилож милицияга ҳам мурожаат этишга мажбур бўлишди. Белгиланган муддат тугаб, суриштирув ишлари ниҳоясига етгач, милиция қидирув эълон қилди... Шу билан Бекмирза отлиғ дуппа-дуруст, тирик одам милиция хужжатларида-ю, яқинлари қалбиди яшаб қолди, холос...

Солиҳа Тоҳирдан отасининг дом-дараксиз йўқолгани ҳақидаги хабарни эшилди-ю, ўзини тутолмади. Кўз олди қоронfilaшиб, аста стулига ўтириб қолди.

— Нега? Нима бўлди?..

— Ҳайронмиз, опа... Ҳеч нарса деганлари йўқ... Тонг саҳарда отини минди-ю, чиқиб кетди...

— Уч кун бўлди денг...

— Ҳа, опа, уч кун илгари...

Уч кун илгари! Бу сўзлар Солиҳанинг юрагига ханжардай қадалди. Уч кун илгари! Ҳа, ҳаммаси тўғри — уч кун илгари, кечқурун телефонда Солиҳа... жуда қўпол гапирган, ўғлини пеш қилиб, гўшакни шартта жойига ташлаб қўйган, ҳатто хайрлашмаган ҳам эди Бекмирза билан! Эҳ, фаросатсиз, нодон, ақли қисир аёл, сен нима қилдинг, нима қилиб қўйдинг! Ахир, билардинг, Бекмирзада сендан бошқа ҳеч нарса, ҳа ҳеч нарса йўқлигини! Ўзингда-чи? Сенда ҳам нима бор, ахир Бекмирзадан ўзга! Бор будидан айрилган, шир ялан-ғоч одамга тубсиз сув қаърига чўкишдан айро йўл ҳам борми?

Шу куни у Тоҳирга нима деди, ишхонада ўзини қандай тутди — билмайди, кўзини очса шаҳар паркида, илк баҳор ёмғирлари ювган йўлакларда кезиб юрган экан... Улар бу йўлакларда ҳеч қачон қўлтиқлашиб кеза олмаганлар, ҳеч қачон манави аргимчоқларда қийқириб уча олмаганлар... Улар бир-бирларига бўлган ҳиссиятларини ўzlаридан ўзга одамга ошкор қила олмаганлар...

«Бекмирза ака... Бекмирза ака... Мени кечиринг... Биламан, сиз тириксиз... Қаердадир борсиз, ҳаётсиз! Бошқа фикр менда йўқ... Чунки... Сизнинг дунёда йўқлигингиз исботланган куни бу дунёning менга ҳам ҳожати қолмайди...»

Шу кундан бошлаб у ишга ўз вақтида келар, топшириқларни бажаар, кечки пайтда фақат уйга қайтар, онасига, ўғлига айтилиши керак гапларни айтар, эшитиши лозим фикрларни эшитар ва... ўз ўрнига биқиниб тонггача ярим уйғоқ, ярим ухлоқ ҳолатда ётар эди... Вақт эса ҳар доимгидаи на унинг, на дунёдаги бошқа бирор жонзотнинг на қайғуси, на қувончига парво қилар — у фақат олға елар ва елар эди, холос...

Шундай кунларнинг бирида тонг саҳарда телефон жиринглади. Солиҳа худди шу қўнғироқни пойлаб ётгандай сапчиб ўрнидан турди ва гўшакни қўлига олди.

— Алё...

Гўшакдан кимнингдир оғир нафас олиши эшитилди...

— Бекмирза ака! Гапиринг! Биламан, бу сиз! Чунки, ҳаёт эканингизга бир зум ҳам шубҳа қилганим йўқ. Мени кечиринг! Кечиринг мени, акажон! Жоним, юрагим, султоним...

Солиҳанинг кўзларидан дув-дув ёш оқар, овози титрар эди... Лекин, нариги томондаги одам индамай гўшакни жойига қўйиб қўйди...

Солиҳа гўшакни ўрнига ташлади-ю... Қувончдан қийқириб юборди! Ҳа, бу Бекмирза, унинг ўзи! У ҳаёт! У қаердадир яшаяпти! Солиҳа ўз хонасида «танавор»га ўйнаб кетди. Хонадаги безовталикни сезиб, ичкарига кирган она кўзларидан ёш оққан ҳолда рақсга тушаётган қизини куриб донг қотиб қолди...

Орадан бирор ҳафта ўтгач, ишхонага Тоҳир кириб келди.

— Орадан бир йил үтди, опа! Энди... Бирор маросим қылсақми... деб...

— Йўқ! Йўқ! Тоҳиржон, отангиз тириклар, тирик! Асло ёмон фикрга борманглар.

Солиҳа кимдир тонгда қўнғироқ қилгани, гапирмаган эсада, лекин у одам Бекмирза эканлигига имони комиллигини айтди.

— Наҳотки! Тилингизга шакар, опажон! Ажаб эмас, ўша одам дадам бўлса!

— Аниқ бу! Ўша одам — Бекмирза aka!

* * *

Икки кундан бўён чап кукраги симиллаб оғриётган эди, кечки пайт ўзини жуда беҳол сезди. «Юрагим бақувват эди, йўқ, юрак бўлмаса керак... Балки бўғинлар, балки асаб...» дея ўзини юпатди у. Эрталабгача гоҳ кўз кетиб, гоҳ ҳушёр аҳволда ётди. Аҳволи ўнгланмади. Чала-пула нонушта қилган бўлди-да, яқин атрофидаги поликлиникага йўл олди.

Кардиолог врач у ёққа буюрди, бу ёққа буюрди хуллас, тушгача у юрак фаолиятини обдон текширитириб, тегишли таҳлилларни кўлга олди-да, яна кардиолог ҳузурига кирди.

— Ҳа-а, — дея маъноли оҳангда гап бошлади врач таълилларни обдан кўздан кечиргач, — юрак чарчабди, aka... Бир оз дам бермасангиз иложи йўқ...

Докторнинг тавсияси билан у шаҳар четидаги юрак касалликлари шифохонасига борди. Машина уриб шифохонада бир муддат ётганини ҳисобга олмаса у ҳеч қачон касалхонада ётиб даволанмаган эди. Инсоннинг кимлиги, қадр-қиммати касалхонада билинар экан... Бирорларнинг бошида бош врачдан тортиб фаррошгача парвона, олдидан одам узилмайди, ўзи ҳам касалга эмас, бўрдоқига боқилаётган новвосга ўхшайди...

Бирорларнинг ҳузурига онда-сонда, у ҳам бўлса қариндош-уруғдан бошқа одам қадам босмайди. Дўхтири-у, ҳамшираларнинг бундай беморларга эътибори ҳам шунга яраша. Улугбек акага ўхшаган олдига ҳеч ким сўраб келмайдиган беморларнинг аҳволи эса бундан-да ночор. У икки-уч ҳамширага оз-оздан пул бериб, муолажаларни қилдириб юрди. Бироқ, ёлғизлик касалхонада айниқса билинади... Энди ҳаёт нима була-

ди? Мана олтмишга етмай юраги ҳам ишдан чиқаёзди. Бу аҳволда келажакда ўзини нималар кутаётганини бемор яққол тасаввур қилди. Юрак касали жуда қалтис, хавфли. Кутилмаганда бу бетиним уриб турган мушт-деккина жисмнинг тақ этиб тұхтаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас... Олис тунлар күзларига уйқу келмаган бемор мана шуларни үйларди.

Кунлардан бир кун у қул телефонидан яна ўша эски, қадрдон рақамга чиқди. Ярим тун, бундай пайтларда телефонни күтариш малол келади. Аммо зум үтмай гүшак күтарилди.

— Алё?

Беморни вужуди таранглашиб, юраги тез-тез ура бошлади. Нима қилсин? Гүшакдан ўзига жудаям таниш, қадрдон нафас олиш яққол эшитилиб турар эди. Ҳа бу ўша, бу унинг нафас олиши!

— Алё? Гапириң! Кимсиз?

Гүшакда яна сукунат.

— Алё, гапириң. Бекмирза ака, биламан, бу сизсиз. Бу сиз ахир!

Сұнг аёл үйглей бошлади...

Беморнинг қулидан гүшак тушиб кетди. У каравотда ётар, полга тескари тушган құл телефонидан эса оху-нолалар, ялиниш-ёлворишлар эшитилар эди...

— Энди эхтиёт бўлинг, юрагингизнинг мароми дуруст. Аммо ҳамма нарсани кутса бўлади.

Шундай дея доктор bemорга оқ йўл тилади. У уйга қайтди. Кимсасиз, чанг босган, қаровсиз хона. Бу хонадаги ҳар бир нарса юракни сиқади. Орадан беш-үн кун ўтгач bemор юрак касалликлари хуружидан сұнг соғлиқни тиклайдиган дам олиш уйи, сиҳатгоҳга жұнаб кетди. Ўн саккиз кун ўша ерда ётди. У ердан ҳам бир-икки карра Солиҳага телефон қилди. Лекин унинг гапларига жавоб бермади.

Ёз келди. Кунлар жуда ҳам исиб кетди. Кунлардан бир куни Солиҳанинг онаси үйлари рўпарасида турган эски «Москвич» машинасига эътибор берди. Машина ичиде ўтирган кўзойнакли, юзларини соқол босган, аллақандай беўхшов одам уларнинг уйига тескари тарафга термилиб ўтирас, лекин ўй-хаёли шу уйда эканлиги ҳаракатларидан сезилиб қоларди. Кампир бу одамга бир-икки тикилиб қаради-ю, юраги жиг этиб кетди.

Бу Бекмирза! Ўшанинг ўзи! Қайси бир хаёлда кампир Бекмирза ўтирган машина тарафга бир-икки қадам ташлаган эди, машина бирдан жилиб юборди. Кампир бу гапни Солиҳага айтайми, йўқми дея анча ўйланди. Кейин айтмасликка қарор қилди.

Кузга яқин яна ҳар галгидай ярим тунда Солиҳанинг телефони жиринглади. Солиҳа дарров сезди: Бекмирза!

— Бекмирза ака биламан, бу сиз. Менда айб бўлса узр. Ўшанда қупол гапирдим — биламан. Бироқ... Ахир шунча вақт ўтди. Бундай юришингиздан маъни йўқ.

— Солиҳа... — Бекмирза шунча вақтдан сўнг биринчи марта овоз чиқарди. Ўша товуш, ўша оханг... Солиҳа додлаб юборди.

— Солиҳа... Кўришайлик... Мен... Касалман!

— Айтинг, қаердасиз. Мен учеб бораман! Ҳозироқ!

— Йўқ, ҳозир эмас. Эртага келинг... Лекин ҳеч кимга айтманг.

Эртасига эрталаб Солиҳа шаҳар четидаги боғга етиб борди. Бир чети паст-баланд адирларга тулашиб кетган бу катта, ярми ўрмон, ярми маданий боғ гўшанинг у ер-бу ерида чойхоналар, дам олиш масканлари кўп эди. Солиҳа белгиланган вақтдан икки соат бурун ўша ерга етиб борди. Ҳали эрта тонг. Асфальтланган, кенггина машиналар тухташ жойининг бир бурчагида битта эски «Москвич» мунгайиб турарди, холос. Солиҳа «Москвич»га эътибор бермади. Бекатнинг бир четидаги ёғоч скамейкага бориб ўтиреди. Бир оз ўтгач «Москвич» эшиги фийқиллади. Ичкаридан қора кўзойнак тақсан бир одам тушиб келди. Солиҳа ўша томонга қаради-ю, юзларига ловиллаган ўт тафти урилгандай бўлди. Бекмирза!

* * *

Солиҳа тушдан сўнг кутилмаганда уйига қайтди. Ўғли ҳозиргина мактабдан келган, онаси одатий уй ишлари билан банд эди. Қизининг файриоддий равишда (айниқса кейинги бир ярим йил ичидан) ишдан барвақт қайтиши Машхура аяни аввал ажаблантирди, кейин жиндай ўйлантириб қўйди...

— Ҳа... Солиҳа... Жуда эрта келворибсан ишдан...

— Бугун... борганим йўқ ишга!

— Ие, нима бўлди, тинчликми?

— Тинчлик, ая.. кейин айтаман..

Бу қисқа суҳбат Машхура аянинг юрагидаги фашликни яна ҳам авж олдирди. Аммо, унда қизидан бирон-бир гапни ижикилаб сўрайвериш одати йўқ. Кекса ўқитувчи, чинакам зиёли аёл бундай ҳолни маданиятсизлик деб тушунарди...

Солиҳа тушликка ҳам чиқмади. Ўз хонасида шипга термилганича ётаверди. Ая нималарнидир баҳона қилиб бир-икки қизи ётоқхонасига кириб чиқди. Тушликка таклиф қилди, «нима, тобинг қочдими?» деб суради.

«Чарчаганман» деган жавобни олгач, яна ташқариға чиқди, лекин, кўнгли тинчимади...

— Нима бўлди? — дея паст товушда қизига мурожаат қилди у учинчи киришида, — Бекмирзадан... бирор ноҳуш хабар борми?

— Йўқ, ая, — дея беихтиёр жавоб қилди Солиҳа,— у ҳаёт! У... жудаям ҳаёт!

— К...кўрдингми?

Солиҳа илкис шифтдан нигоҳини олиб, онасиға қадади.

— К..кўрди деб... ўй...лайсизми?..

— Яширишнинг ҳожати йўқ... Бир-икки ой илгари дарвозамиз тагида «Москвич» машинасини кўрувдим... Рулда... Бекмирза ўтиргандай эди...

— Нима?! — Солиҳа ўрнидан қалқиб турди, — У... келганмиди?!

— Келган, кўп марта келган эди, қизим... — она бирдан кўнглини ёзиб юборди, — Ҳа, дарвоза тагигача келарди, бояқиш... Лекин... мен... Ӯшами, йўқми, деб... сени безовта қилмадим...

— Ҳа, у тирик, ая! Бугун кўришдик, бир-биримизга дилларимизни ёздик... Аммо...

Солиҳа шундан сўнг индамади. Машхура ая қизининг сукунатини хонадан чиқиб кетишга чақириқ деб тўғри тушунди-да, ташқарига йўналди. Ҳа, Бекмирза бу хонадон остонасини кўзлари билан ўпган, балки, узоқдан Солиҳанинг аста уйига юриб келишини ҳам кўрган, эски «Москвич» рулига ёпишиб олганича кабинадан ташқарига отишдан ўзини бир амаллаб саклаган...

Энди нима қилсин, Солиҳа? Бечора, ҳа, тўппа-

тұғри маңнодаги бечора Солиҳа! Бугун Бекмирза шартни қатый күйди.

— Солиҳа... Биласиз, сизнинг йўлингизда ҳамма нарсани, ҳатто, ҳаётимни ҳам ўзгартирдим... Мен... ёши олтмишга борган одам бир аёлнинг муҳаббатига сазовор бўлиш учун умрим бўйи эришган барча нарсалардан воз кечдим... Биласиз, бир пайтлар мен ҳам олимлик даъвосида анча-мунча нарсалар ўқиганман, ўргангандман... Ҳазрат Навоий умрлари сўнгидаги ёзган достонларида Шайх Саъннинг бир насроний гўзалга ишқи туфайли динидан воз кечгани ва ҳатто ўшанинг кўйида... чўчқа-боқар бўлганини ёзганлар!... Ҳа, ишқ, ҳақиқий ишқ не кўйларга солмайди инсон фарзандини! Менинг сизга ишқим Шайх Саъннинг насроний қизга ишқидан юз карра оловлироқдир, жоним!

Ҳа, Шайх Саънн динидан, иймонидан воз кечган бўлса, мен бор-йўғим, уруғ-аждодим, ота-онам қўйган исми-шарифимдан ҳам юз ўғирдим. Ҳаммаси сиз учун, сиз билан озгина бўлсада бирга ҳаёт кечириш учун! Ўзгалар назарида мен жинниман. Чунки, ақли соғ, ёши олтмишга борган одам ҳеч қачон бу ишни қилмайди. Фақат... Жинни бундай... йўлга киради! Мен эса жинниман! Муҳаббат жиннисиман!

Майли... Ҳамма иш бўлди... Ўтди... Лекин, юракдаги муҳаббат олови ўчмади... Сиз билан учрашувдан мақсад... Энди сиз ҳам ҳамма нарсадан воз кечасиз!... Менга, Улуғбек Аҳмедовга турмушга чиқасиз... худо қанча умр берса шунча яшаймиз... Мен ҳозир бутунлай бошқа вилоятда истиқомат қиласман. Кичик бир шаҳарнинг бир четида, икки хонали ғариб уйим бор... Уй анжоми ҳам бир ногироннинг аҳволига муносиб... Агар... кетсангиз ўша жойда яшаймиз! Мен ногиронлик нафақаси оламан, сиз бирор жойда ишлайсиз...

Менинг ҳаёт эканлигим ҳақида оила аъзоларим билмагани маъқул...

Бекмирза гапини тугатди... Ораларидаги бошқа суҳбат бўлмади... Боф четидаги кафеда бир пиёла чой ичишиди... Сўнг Бекмирза уни уйига ташлаб қўйди.

* * *

Бекмирза уйига кирганда вакт тушдан оғиб қолган, хона эса жуда иссиқ эди. Кичик шаҳар четидаги бу

үйда иситиш тизими ишдан чиққан, одамлар овқат пиширадиган газ плитани ёқиб қўйиб ёки турли электр иситкичлардан фойдаланиб қишини ўтказиб олишарди. Бекмирза эрта саҳар йўлга тушганида электр плитани узиб қўйишни унуган экан. Яхшиямки, Солиҳа билан узоқ ўтириб қолишмади... У электр плитани ўчириб, эски, у ер-бу ери қирилган диванга ўзини ташлади.

Солиҳа деярли ўзгармабди, ўша қомат, ўша хусн-малоҳат... Лекин хиёл озган, бироқ бу озғинлик қоматини қизлардай тик кўрсатади, холос. Эҳ, бир йилдан ортиқ вақт давомида Бекмирзанинг юрагида тупланиб қолган қанча-қанча изҳорлар, дил дардлари айтилмай қолди! Лекин, кўнгли чоф, бир дамликкина висол шавқи Бекмирзани буткул яшартириб юборган эди. Дунёда ҳеч бир ҳолат севган аёл висоличалик ёшартирмайди эркакни. Лекин, Бекмирза учрашувда атайлаб ўзини жиддий тутди. Солиҳа учун у билан бирга яшашдан ўзга йўл йўқлигини гүё таъкидламоқчи бўлди. Ҳа, Бекмирза энди кечаги бойвачча эмас, у бугун оддий нафақахўр, фариб бир хонадоннинг бечораҳол эгаси, тагида аранг харсиллаб-хурсиллаб юрадиган пачоқ «Москвич»... Қани, рози бўладими Солиҳа шундай одам билан умргузаронлик қилишга? Ҳа, чинакам синов пайти келди... Лекин, Солиҳа келади! Бекмирза бунга амин.

Ўшанда, Солиҳадан рад жавоби олиб, дили мислсиз фурбатга тўлган кунларнинг бирида у тонг қорон-фисида қорабайирни минди-ю, шаҳардан чиқиб кетди. Қаёққа бориш, нима қилишни ҳам ўйлагани йўқ. Шаҳардан олислагач отни ўз ҳолига қўйди. Қорабайир эгасининг эътиборсизлигини сезгач, аста йўрғалаб, йўл четида хиёл кўкариб қолган ўт-уланларни чимдий-чимдий йўлида давом этди. Кўп ўтмай от ўз ҳолича йўлдан четга бурилиб ўрқач қирлар томон йўналди. Орадан учтўрт соат ўтгач от қирлар ошиб бошқа вилоят худудига кириб борди. Қандайдир қишлоқлардан ўтди ва ниҳоят ДАН постига етиб келди... Бекмирза нега айнан шу ерда жонига қасд қилди? Нима мақсадда? Ўзи бу ҳолни изоҳлашга ожиз... Афтидан, милиция ходимини курганда кўз ўнгидаги ҳукумат ва халқ гавдаланди шекилли, ўз фариб аҳволига шу ерда, гүёки ўзига хос суд олдида якун ясашга урунди. Касалхонада ўзига келганда эс-хуши жойида эди. Аммо, атайлаб хотирасини йўқот-

ганга солди... Қизиқ, шундоққина құшни вилоятдан нега уни топиша олмадилар экан? Ахир, милиция қиди-рүв әйлон қылған, суратлари тарқатилған... Тұғри авто-фалокатдан кейин олинған суратда Бекмирза үзиге үхшамайды... Ҳархолда бундай воқеалар бұлади, тарқа-тилған суратдан уни таний олмаганлар. Лекин, нақот-ки от билан боғлиқ ҳодиса ҳам ҳеч кимнинг эътибори-ни тортмаган?... Нақот, оиласи, фарзандлари шу қадар беэътибор? Солиҳачи? Тұғри, у Бекмирзанинг от пар-варишлиши, миниб юришидан бехабар эди. Чунки, ора-ларига совуқчилик тушғандан сұнг отта илакишиганди Бекмирза. Ҳа, бу чигалликни неча карра үйламади, бош қотирмади у... Майли, бұлар иш бұлды, үтадигани үтди... Қалбіда оиласига нисбатан ҳеч қандай интилиш йүқ, ҳатто, илгарилари әркалаб юрадиган неваралари ҳам күзига күрінмайды...

Солиҳа таклифига рози бұлса мутлақо янги ҳаёт бошлайды. Бу ёғи ёлғыз худога аён, балки, фарзанд күрар, баҳтли бұлар... Лекин, эңг муҳими Солиҳа ёни-да бұлса, бас! Бошқа ҳеч нарса керак әмас. Умрининг қолған озгина қисмини чинакам баҳт қўйнида үтказ-син, ахир. Ё худо, умр сұнгига ҳеч бұлмаса шу озгина баҳтдан, фаровонликдан бебаҳра қилмассан...

* * *

...Офтоб чараптаб турибди. Баҳорнинг танға хуш ёқадиган мусаффо, илиқ шабодаси эсияпти. Бұтана сув-лар айқириб, қирғоқтарни ямлаб-ямлаб оқаётган ариқ узра бир қофоз кема чирпирак бўлиб боряпти. Алла-қандай эски, зич ёзувларга тұла қофоздан ясалған кема бу. Майда тұлқинлар кемачани коптоқдай бири-бирига иргитади, кемача тұлқинларнинг кафтларida үйноқ-лайди, гоҳ гир айланди, гоҳ тұлқинлар узра учиб юқори күтарилади ва яна пастға шүнгийди... Қофоз кема-тұлқинларга омонат кема... Мана, шиддатли, улкан тұлқин кемани қирғоққа улоқтириди. Қалин ажриқлар устига тұнтарилиб тушған кема бир муддат үша ерда қолди. Лекин күп үтмай яна бир тұлқинга минди-ю, сафарини давом эттириди... Соҳил эса яқин, жуда яқин эди...

Солиҳа уйғониб кетди. Тонг отибди. Қүшларнинг одатий чуғур-чуғури авжиды. Фаройиб туш... Ҳа, икки-

уч кун илгари Бекмирза айтган гаплар таъсири бу. «Инсон ҳаёти тұлиб-тошиб оқаётган ариқдаги қоғоз кемага үхшайды, — деган эди у, — қоғоз кемага ҳар бир дақиқа ғанимат. Чунки у ариққа ҳам, жүш үраётган тұлқинларга ҳам фарқсиз, аҳамиятсиз нарса. Үтаётган дунё учун на ҳар қандай улуғ зот, на буюк иншооттинг чивинчалик аҳамияти бұлмаганидай... Қоғоз кема иложи борича күпроқ ва узокроқ сузиш пайида бұлади, холос. Лекин оқибати барибир чүкиш, йүқолиш билан якунланади... Бизнинг умримиз ҳам шундай. Тұлқинлар кифтида үйнөқлаган кемача сурурiga үхшаш түйфулар инсон қалбіда ҳам тез-тез құзғалиб туради. Умрнинг эңг ғұзал дақиқалари улар! Сиз билан үтган дамларим ана шундай сурурдан нурафшон эди. Умр юксак тоғдан пастта отилган шалола тезлигіда кечяпти. Келинг, уни озгина бұлса-да тұхтатайлық, кечиктирайлық... Бунинг учун на молу давлат, на амалу мансаб, на шону шұхрат керак... Бунинг учун Сиз ёнимда бұлсанғыз кифоя...»

Солиҳа энтиқди, дераза пардасини четга суриб, тинқ баҳор осмонига термилди. Бекмирза соф виждонли, халол, чинакам маңнодаги әркак киши. Уни севиши... үзи бир баҳт! Ораларидаги муносабат худди қон босимидай күтарилиб-тушиб туришига қарамай, Солиҳа ҳаётига ёлқиндай кириб келгани учун Бекмирзадан миннатдор. Ахир, Бекмирзасиз қандай яшади у неча йиллар?.. Қандоқ қилиб яшади? Наҳот, яшади?!

Аёл үрнидан туриб деразани очди, ичкарига тоза, муздай ҳаво ёпирилиб кирди. У кийинди, эрталабки үй юмушларига киришди. Аммо, Бекмирза билан учрашувдан кейин күнглида бошланған галаёнлар ҳали босилғани ійүқ, бечора жувон бир қарорға кела олмай ҳалак... Уйда ҳам, ишда ҳам босар-тусарини билмайди у — нима қылсын? Бекмирзанинг таклифига Солиҳа жон-жон деб қүшилади. Ошиғи билан дунёнинг нариги четига кетиш ҳам маъшуқага чексиз роҳат-фароғат баҳш этади. Аммо...

Онаси нима дейди? Кап-катта йигит бұлиб қолған үғлиға қандай деб изоҳлады бу ҳолни? Ҳа, онаси ҳеч қачон у билан бегона юртга кетмайди. Үғилнинг ҳам бориши даргумон. Ахир, Бекмирза шу ҳолни жуда яхши тушунади-ку!.. Унда... нечун бундай шартлар құяди?..

Нафсилаамрини айтганда уни ҳам англаш мумкин, чунки Бекмирзанинг шахси очилса, бу одам яна эски оиласига қайтиши керак... Кейинги түрт-беш йил ичидә эса күз очиб күрган оиласи унга укубатдан ўзга нарса бермади. Хотини, болаларидан күнгил совуган. Солиҳа Бекмирзанинг ҳузурига албатта тез-тез бориб туради, маълум муддат, икки-уч кун борингки, ҳафталаб бирга яшаши ҳам мумкин... Аммо, бунда Бекмирзанинг тириклиги, ўзга шаҳарда Солиҳа билан умргузаронлик қилаётганлигини ортиқ яшириб бўлмайди. Албатта, бу ҳолдан хабар топишади. Унда... Унда яна қиёмат қойим юзага келиши шубҳасиз. Лекин, бир нарса аниқ — Солиҳа ҳам онаси билан ўғлини ташлаб кета олмайди!

Солиҳа уйдан чиқиб, бекат томон кетар экан, йўлда учраганлар аёлга ҳайрат билан қараб ўтардилар. Чунки, туппа-тузук кийинган, гўзал бу жувон атрофга парво қилмай, секингина юриб борар, кўзларидан эса тинимсиз шашқатор ёш оқарди...

АЛИШЕР ИБОДИНОВ

СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...

Қисса

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2010

Муҳаррир *Б. Эшпӯлатов*
Бадиий муҳаррир *Т. Қаноатов*
Рассом *Ф. Башарова*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Саҳифаловчи *М. Атҳамова*
Мусахҳихлар: *М. Зиямуҳамедова, Ж. Тоирова*

Босишга рухсат этилди 05.12.2009. Бичими 84x108^{1/32}. «TimesUZ»
гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоби 7,56. Нашриёт-ҳисоб
табоби 7,2. Алади 5000 нусха. Буюртма № 4523. Баҳоси шартнома
асосида.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41.**

2000



ISBN 978-9943-00-313-2

9 789943 003132